**Э.Р.Мусурманов**

# РАҲИМБОБО МАШРАБ
## ҲАҚИДАГИ ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

***Монография***

*СамДУ илмий кенгашининг*
*2015 йил 10 июндаги 9-сонли мажлис*
*қарори билан нашрга тавсия этилган*

Самарқанд – 2015

УДК 891.709
ББК 83.3Уз
М 91

***Э.Р.Мусурманов.*** **Раҳимбобо Машраб ҳақидаги янги маълумотлар. Монография***. – Самарқанд: СамДУ, 2015. – 160 б.*

*Мазкур китоб бундан олдин нашр этилган “Раҳимбобо Машраб фаолияти ва руҳияти талқини” номли монографиянинг мантиқий давомидир. Ушбу китобда муаллиф ўзи томонидан топилган “Девонаи Машраб” асари араб ёзувидаги нусхаси асосида бошқа манбаларда учрамаган ҳикоятларни келтириб, бу топилмаларнинг биринчи ва нозик таҳлилчиси сифатида ўзини намоён қилади, Машрабнинг манбалардан тушиб қолган чет эллардаги йигирма йиллик ҳаёт йўлини мазкур нусха асосида тиклашга уринади. Шу жараёнда Машрабнинг илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган Самарқандга келиб–кетганлиги, унинг ҳаж зиёрати аввалида Озарбайжон, Туркия, Арабистон каби юртларга қилган сафари билан боғлиқ матнларни келтириб таҳлил доирасига тортадики, бу янгиликлар шубҳасиз Машраб фаолиятига аниқликлар киритишда муҳим аҳамият касб этади.*

*Мазкур монография илмий ходимлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчи ва ўқувчилари ҳамда Машраб ижоди билан қизиқувчи кенг китобсеварлар оммасига мўлжалланган.*

**Масъул муҳаррир** филология фанлари доктори, проф. **М. Муҳиддинов**

**Тақризчилар:** филология фанлари доктори, проф. **Д. Салоҳий,** филология фанлари номзоди, доцент **Т. Жўраев**

**ISBN 978-9943-976-50-4**

*© Эркин Мусурманов, 2015.*

***Устозим профессор Абдурашид АБДУҒАФУРОВнинг порлоқ хотирасига бағишлайман***

# КИРИШ

Оташнок шоир, эрк ва ҳақиқат куйчиси Раҳимбобо Машраб ҳаёти ва ижодига бўлган қизиқиш адиб яшаган даврдаёқ бошланиб, ҳозирга қадар давом этиб келмоқда. Биз олдинроқ нашр этилган "Раҳимбобо Машраб фаолияти ва руҳияти талқини" номли монографиямизда машрабшунослик тарихи, унинг муаммолари, шоир руҳияти ва бадиияти талқини хусусида сўз юритган эдик. Мазкур монографияда ўтмиш манбаларда Машраб ҳақида келтирилган янги маълумотларни эълон қилишни, шоир асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятларига оид ўз фикрларимизни билдиришни ният қилдик.

Шоир ҳақида маълумот берувчи тазкира, эсдалик мазмунидаги асарлар билан бирга "Девонаи Машраб" номли халқ қиссасининг турли нусхалари яратилди. Уларнинг ичидан нисбатан тўлиқ ва тарихий мезонларга яқин келадиган нусхани аниқлаш машрабшунослик олдида турган долзарб масалалардан бири эди. Зеро у шоир фаолиятининг номаълум жиҳатларига ойдинлик киритиши ва турли чалкаш маълумотларга чек қўйиши мумкин. Монографияда "Девонаи Машраб" асарининг кенг оммага номаълум нисбатан мукаммал қўлёзма нусхаси ва ундаги янги маълумотлар асосида Машрабнинг Румга қилган сафари, Арабистон зиёрати ҳақида ўз фикр мулоҳазаларимизни келтирдик.

Машрабнинг ҳаёт йўлига тўлиқ ойдинлик киритиш

учун шоир яшаган ҳудудлар Марказий Осиё, Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон, араб мамлакатларидаги қадамжоларини, ўша макон ва замонга тааллуқли бўлган маълумотларни ўрганиш ниҳоятда муҳим. Шу ниятда маълум муддатлар мобайнида 2007 – 2009 йиллар Хитой Халқ Республикасининг Синцзян–Уйғур автоном райони (ХХР СУАР)да олиб борган изланишларимиз натижалари, Машрабнинг Қашқардаги фаолиятига оид аниқланган янги маълумотлар, шоир шеърларининг уйғур эли санъати такомилида тутган ўрни ҳақидаги мулоҳазаларимиз ҳам мазкур монографиядан ўрин олган. Улар асосида Буюк Ипак йўлидаги Марказий Осиё халқлари адабий, тарихий, маънавий алоқаларининг XVI – XVIII асрдаги ҳолати ҳақида маълум хулосаларга келиш мумкин.

Монографиянинг юзага келишида раҳматли устозларим Ботирхон Валихўжаев, Абдурашид Абдуғафуров, Қобилжон Тоҳиров, Исомиддин Салоҳиддинов, шунингдек, Шуҳрат Сирожиддинов, Иброҳим Ҳаққул, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камолларнинг хизматлари катта бўлди.

Урумчи ва Қашқарда мавжуд илмий-адабий манбаларни қўлга киритишда ёрдам берган Синцзян университети профессор-ўқитувчилари Ма Суй Линг хоним, Буғда Абдулла ва Элижон Маликка миннатдорчилик билдирамиз.

Шунингдек, мазкур китобларнинг нашрида ўзининг полиграфик маслаҳатларини аямаган, монографиялар дизайнининг такомиллашишида муносиб улушини қўшган Мардон ака Рўзибоевнинг беминнат меҳнатини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

## *Биринчи боб*

# МАШРАБ ҲАҚИДАГИ ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАЛҚИНИ

Қуйида келтириладиган сюжетлар Машраб таржимаи ҳолини ёритишда, уни тарихийлик ва бадиийлик мезонларида ўрганишда янги материал бўлиши нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади. Бу маълумотлар шахсий кутубхонамизда сақланувчи “Девонаи Машраб” китобининг кўлёзма нусхасидан олинган. Китоб Қўқоннинг новвотранг, юпқа ва шилдироқ қоғозига сиёҳда шикаста унсурлари аралашган чиройли йирик настаълиқ хатида кўчирилган. Ҳикояларнинг кириш қисми қирмизи рангли сиёҳ билан ёзилган. 3-бетнинг ҳошиясида айрим форсча ёзувлар бор. Пойгир изчил берилган. Унинг 1 ва 2 бетидаги нақшларни ҳисобга олмаса китоб безак ва жадвалсиз. Қўлёзманинг дастлабки муқоваси йўқотилган. Кейинги “Ўзбек халқ музикаси” -VII китобининг муқоваси. Қўлёзма умуман яхши сақланган. Варақлар сони – 234 та. Китоб охири йиртилиб йўқолгани учун кўчирилган йили ва котибнинг номи маълум эмас. Хат услуби ва бошқа палеографик белгиларига кўра китоб XVIII асрда ёзилган, деб тахмин қилиш мумкин. Ушбу қўлёзма агар “Девонаи Машраб” асарининг бошқа нусхалари билан солиштирилса, унинг айрим устунликка эга томонлари маълум бўлади. Жумладан, қўлёзмада Машрабнинг илмий оммага маълум бўлмаган кўплаб шеърлари, шунингдек шоир фаолиятини ёритишга хизмат қиладиган айрим ҳикоялар, тафсилотлар мавжуд.





**Ипархоннинг Жузеппе Кастильоне талқинидаги суратлари**



**Муаллиф ва ф.ф.н. Алишер Ғаффоров Ипархон (Офоқ хўжа) мақбараси зиёратида (Қашқар, 2007 й.)**



*Шахсий кутубхонамизда сақланаётган "Девонаи Машраб" қўлёзмаси бош варағининг нусхаси*

## Машрабнинг Самарқанддаги фаолияти

“Девонаи Машраб” асарининг кутубхонамиздаги нусхасида Машрабнинг Самарқандга келиб кетганлиги ҳақида сўз боради. Машрабнинг Самарқандда бўлганлиги тўғрисида Малеҳо Самарқандийнинг “Музаккир ул-асҳоб” тазкирасида маълумотлар бор. Демак, қўлимиздаги нусхада ҳикоя гарчи ривоят мазмунида бўлса-да, у тарихий факт асосида пайдо бўлган, деган хулосага олиб келади.

Қуйида ушбу лавҳани қисқартирилган ҳолда келтирамиз: *“Ҳазрат подшоҳим Офоқ хўжам айдиларки: “Эшитибманки, Самарқанд вилоятида оби раҳмат дегон бор эркон, ҳар йилда бир мартаба бўлур эркон, вақти бўлубтур. Бир киши олийҳиммат борму бир обдаста оби раҳмат олиб келиб берса деб айдилар”* (Ҳикояда айтилишича пир уч марта сўрагандан сўнг Машраб ушбу хизматни бўйнига олади. Пирнинг биринчи ва иккинчи даъватига турмаганлигини “оқсоқоллар” ва “қорасоқоллар” хотирига қараганликда билади). *“Анда ҳазрат подшоҳим шоҳ Машрабни ҳақиға дуо хайр қилдилар (ғазал). Ҳазрат Сайид Офоқ хўжам Парвардигори ҳаждаҳ хазор оламга муножот қилиб эшон шоҳ Машрабни ҳақларига дуо қилдилар. Андин кейин айдиларки: “Боракалло эй девона ҳимматингга, боргил, сани Худой таоллога топшурдим, Худо ёринг бўлсин” деб фотиҳа бердилар. Девона шоҳ Машраб пирларини фотиҳаларини олиб Худой ўн саккиз минг оламга таваккал қилиб йўлга равон бўлдилар (ғазал). Деб ҳазрат шоҳ Машраб бул ғазални ўқуғондин кейин кўрдиларки ажаб тоғлар, тоғларни орасида ажаб сарчашмалар ва ажаб марғзорлар (ни)... кўруб ҳазрат эшон шоҳ Машрабни баҳрлари очилиб, чашмаларга қараб анда бул ғазални ўқудилар... Деб ҳазрат эшон шоҳ Машраб чиқиб борур эрдилар. Боз то боруб хафа бўлдилар, дарвозаи Самарқандга бориб йиғлаб турдилар, ногоҳ ҳазрат Ҳизр алайҳиссалам зоҳир бўлдилар. Машрабдин сўрдилар: “Эй девона, нега бунча йиғларсан, қайдин келиб ва қайда борурсан?” Ҳазрат эшон шоҳ Машраб айдиларки: “Қашқар вилоятидандурмен. Самарқанд шаҳрига борурман, ҳазрати*

*подшоҳим манга хизмат буюрдилар. Самарқанд шаҳрида оби раҳмат дегон бор эркон, вақти бўлғон экан, мени амр қилдиларки бир обдаста оби раҳмат олиб келгил. Ман буни уҳдасидан чиқарман, ё чиқмасман деб йиғларман. Эмди ман йиғламай ким йиғласун" (ғазал). Деб ҳазрат эшон шоҳ Машраб бул ғазални ўқуғондин кейин ўзларини Самарқанд шаҳрида кўрди. Ҳазрат Чўпон отанинг қабрларига келиб зор-зор йиғлаб чун абру навбаҳор Худой таоллога муножот қилиб йиғладилар. Шул вақт ҳазрат шоҳ Машраб Чўпон отага қараб ғазал ўқудилар (ғазал)... Ногоҳ ҳазрат Ҳизр алайҳиссалом ҳозир бўлдилар айдиларки:"Эй девона, нега бунча йиғларсан, пирингдин қайтким ман санго дуо қилай оби раҳмат ҳозир бўлсун" (Машраб шеър ўқийди ва унда пирига мунофиқлик қилмаслигини айтади). Ҳизр алайҳиссалом айдиларки: "Боракалло, эй ўғлум, ҳимматингга. Борғил сани Худой таолога топширдим, Худо ёринг бўлсун" деб Ҳизр алайҳиссалом ғойиб бўлдилар. Андин сўнг ҳазрат эшон шоҳ Машраб Худои таолоға муножот қила эрдилар. Осмонни эшиклари очила берди. Шул вақт Худои таолодин бекому, безабон нидо келди: "Эй девонажон, нима мақсадинг бор мендин, айтгил". Хазрат эшон шоҳ Машраб айдиларки: "Эй боре Худоё, менга оби раҳмат еткургилки, пиримга олиб борай". Шул вақт Худойи таолонинг қудрати бирла қайта бошдин чунон оби раҳмат келдики, ҳеч айтиб бўлмас. Ҳазрат шоҳ Машраб обдасталарини тўлдуруб қайтдилар".*

Ушбу воқеадан маълум бўладики, Машраб ёш бўлишига қарамасдан Офоқ хўжанинг барча ёшдаги муридлари ичида илмда анча илгарилаб кетган. Чунки Офоқ хўжа айтган шартни Машрабдан бошқалар бажара олмасликлари аён бўлди. Пирнинг шарти Самарқандга бориб Оби раҳматни олиб келиш. Маълумки, Самарқанддан Тошкентга чиқиб кетиш жойида Оби раҳмат деб аталувчи сой оқади. Сой сувининг тозалиги ва шифобахшлиги билан эл орасида машҳур. Ҳикоянинг бошида Офоқ хўжа муридларини айнан шу сувдан олиб келишга даъват қилгандек бўлади. Лекин кейинчалик ушбу "Оби раҳмат"

ташбеҳ сифатида қўлланганлиги, ундан кўзланган мақсад яратувчининг раҳматига эришиш эканлиги ойдинлашади. Офоқ хўжанинг сўзини таҳлил қилсак, Самарқандга йилига бир марта “Оби раҳмат” ёғилишини тушуниб олиш мумкин. Бизнингча, бу ерда мусулмонларнинг муқаддас зиёратгоҳи “Шоҳи-зинда” меъморчилик обидаси ва у билан боғлиқ мўъжизалар ҳақида ҳам гап бораяпти. Ўтмишда азиз ва авлиёлар шу мақбара ёнида ойлаб, йиллаб яшаганлар, қаландарларнинг асосий зиёратгоҳи ҳам шу жой бўлган.

Келтирилишича, агар одамнинг пули кўп бўлса-ю, лекин ҳажга боришга шароити ёки касаллиги монеълик қилса, ўзининг ўрнига бошқа бир одамни зиёратга юборса бўлади, бунда савоби борган одамни юборган кимсага тегади. Ривоятларга қараганда, “Шоҳи-зинда”ни бир неча марта тавоф қилиш ҳажга бориб келганчалик савобли экан. Қиссадаги ҳикояда Офоқ хўжа шу мақсадда Машрабни Самарқандга юборган. Яна бир сабаб шуки, Самарқанд-Даҳбед Офоқ хўжа аждодлари макон этган замин эканлигидадир. Бу лавҳада пирнинг ота–боболари руҳидан мадад сўраши ҳам назарда тутилаётган бўлиши мумкин.

## Рум ва Арабистон сафарининг бадиий талқини

Адабиётшуносликда ҳозиргача Машрабнинг Намангандан чиқиб Балх шаҳрига бориб қатл этилгунга қадар бўлган 20 йиллик умри ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ эди. Шунингдек, Машрабнинг Макка, Мадина ҳақидаги шеърлари бўла туриб, унинг ҳаж сафари хусусида манбаларда хабарлар учрамаган. Шу нуқтаи назардан шахсий кутубхонамиздаги “Девонаи Машраб” нусхасида мавжуд бўлган янги маълумотларни қисқартиришлар билан эълон қиламиз.

“ (Хоразмдаги воқеалар баёни – Э. М.) Алқисса ҳазрат эшон шоҳ Машраб бул ғазални ўқиғондин кейин қаландарлар айдиларки: “Эй девона, қайдин келиб ва қайга борадурсиз, бу ерга не сабаб келдингиз”. Анда ҳазрат эшон шоҳ Машраб айдиларки: “Эй биродарлар ман нияти ҳаж деб чиқиб эрдим, кўнглимга андиша қилдимки, такъяи қаландаронга борай,

шоядки боратурғон киши бўлса” деб келиб эрдим... Айтибдурларки “пайғамбари Худо расулуллоҳ алайҳи вассалам аввал рафиқ яъни йўлдош топгин, андин кейин йўлга киргил”, деб ҳазрат эшон шоҳ Машраб йўлга кириб равон бўлдилар. Шул юргонларича ўзларини дарё лабига кўрдиларки, киштибон ҳама халойиқни кемага солиб дарёдин ўткорур. Ҳазрат шоҳ Машраб айдиларки: “Эй кемачи, мани ҳам кемангга солиб дарёдин ўткорғил, ман дуо қилайки, кеманг ғарқ бўлмасун”. Анда кемачи айдики: “Эй девона манга танга бергил, ман сани дарёдин ўткорай, бўлмаса кейинроқ турғил” деб иллат қилди. Анда ҳазрат эшон шоҳ Машрабни аччиғлари келиб йўлбарс терисидин бўлғон бир пўстинлари бор эрди, ғазаб бирла ул пўстакни дарёни юзига ташладилар. Анда ҳазрат эшон шоҳ Машраб бул ғазални ўқудилар (ғазал).

Алкисса ҳазрат эшон шоҳ Машраб пўстакни устига миниб кемачини кемасидин ўтуб кеттилар, дарёни ўртасида эрдиларки, ҳайҳот баногоҳ бир боди мухолиф пайдо бўлди, кемани учира берди, балки кема ғарқ бўларга яқин етди. Ҳама халойиқ қўрқуб заҳра ёрилмоқ ва Худога муножот қилмоқ ва кемачилардин “Ё девона шоҳ Машраб!” деб ғавғо чиқди. Эшон шоҳ Машраб қарабдилар, тамом халойиқ музтар бўлуб ўлмоққа яқин бўлуб турдилар. Эшон шоҳ Машрабни раҳмлари келиб, замони баолам гирди бод шамолни таскин бериб буларни саломат ўткордилар. Тамом халойиқлар кемачини сўкуб айб қилдилар ва бир нечалари ҳазрат эшон шоҳ Машрабга назр ва ниёз бердилар... Анда ҳазрат эшон шоҳ Машраб айдиларки: “Эй биродарлар, қадимдандурки киштибон, дарвозабон ва харосбон ва тарозибон буларни ҳамалари беўй ва беоқибат”. Дарёдин ўтуб кемачилар келиб “Тавба қилдик, маъзур тутингиз қаландарим” деб йиғлаб турди. Анда ҳазрат эшон шоҳ Машраб у ерда беодобни шаънига бул ғазални ўқидилар (ғазал). Алқисса ҳазрат эшон шоҳ Машраб бул ғазални тамом қилғондин кейин савдогарлар айдиларки: “Тақсири шоҳим, қайдин келурсиз, ва қайда борурсиз”. Анда ҳазрат эшон шоҳ Машраб айдиларки: “Ман Намангондин келурман, зиёрати хонаи Каъбага борурман дедилар. Анда савдогарлар: “Тақсир

шоҳим, сиздин бизларга таъбирга бир сура эшитсак" дедилар, ҳамалари илтижо қилдилар. Анда ҳазрат эшон шоҳ Машраб савдогарларга қараб насиҳатомуз бул ғазални ўқидилар (мухаммас). Бу мухаммасни ҳазрат эшон шоҳ Машраб ўқиғондин кейин жамьи халойиқ тавфиққа келиб, шоҳ Машрабни сўзи таъсир қилиб ҳамага жунун рўй берди. Маст бўлдилар. Ҳамалари толиб ва роғиб бўлдилар. "Бизлар пир ахтариб юрибмиз, пир мана бунда турубдурлар, бизлар қаён улоқиб юрибмиз" деб ҳамалари мурид бўлмоқчи бўлдилар. Анда ҳазрат эшон шоҳ Машраб аларга қараб бул мухаммасни мастонавор ўқудилар (мухаммас).

Алқисса ҳазрат эшон шоҳ Машраб бул мухаммасни ўқуғондин кейин жаъми халойиқларни кўрдиларки, замирлари ойнадек соф бўлубдур. Аларни орасида бир муллойи миннати бор эрди, ул мулло ҳазрат эшон шоҳ Машрабни оёғларига йиқилдилар анда ҳазрат эшон шоҳ Машраб домлага қараб бул ғазални ўқидилар (ғазал). Деб шоҳ Машраб бул ғазални ўқиғондин сўнг тамом ўлтурғонларга беҳудлик рўй берди. Ҳамалари эшон шоҳ Машрабни оёқларига бош қўйиб зор-зор йиғладилар. Анда ҳазрат эшон шоҳ Машраб айдиларки: "Эй биродарлар, ман ошиқу толибман, манда ҳеч нарса йўқдур, акнун бир муршид топинглар, сулукларини тамом қилинглар. Худой таолони муҳаббатини кўнглингизга жо қилинглар, шоядки ғофил дилингиз очилса, эшон эрмасада бир маҳзи хуш бирла мурид бўлғондин суддур..". Алар айдиларки: "Тақсир подшоҳим, сиздин ўзга биз гумроҳларга ким бордур, бизларни раҳбаримиз ўзларидурлар" дедилар. Зероки, ҳазрат эшон шоҳ Машрабни сўзлари таъсир қилиб ўзларига айдиларки "авлиёни шоҳи мундин зиёда бўлмас". Мазмуни сухан бирла ўзларига билдуруб турдилар. Кўрдиларки кун кеч бўлубдур. Анда ҳар қайсиси айдиларки: "Агар Худо хоҳласа эрта" деб жойларига бордилар. Эшон шоҳ Машраб учун тараддуди бисёр қилдилар. Ош тайёр қилиб айдиларки: "Бу кеча зиёфат қилиб эрта ҳамаларимиз мурид бўлармиз" деб маслаҳат қилдилар. Алқисса кун кеч бўлди. Эмди ҳазрат эшон шоҳ Машрабдин сўз эшитмоқ керакдур. Ҳазрат эшон шоҳ Машраб дарёни лабига

бориб, таҳорат қилиб икки ракаат намоз адо қилиб айдиларки: “Эрта бўлса яна ғавғо мани бошимга пайдо бўлур, кун бўлмай туруб қочмоқ яхшидур” деб, “ҳу” деб йўлга кириб равон бўлдилар.

Алғараз эмди бир сўз савдогарлардин эшитинглар. Савдогарлар ош тайёр қилиб азбарои зиёфат эшон шоҳ Машраб учун, кўрсаларки эшон шоҳ Машраб йўқ, кетубдурлар. Ҳамалари “Водариғ, пири комилни қўлларимиздан бой бердук” деб афсус ва надомат қилдилар. Эмди ҳазрат эшон шоҳ Машраб жандаларини кифтиларига ташлаб борур эрдиларки Хоразм вилоятига яқин келдилар. Такъяи қаландаронга доҳил бўлдилар. Қаландарларни улуғи айдики: “Эй девона, қайдин келибдурсиз ва қайда борурсиз”. Анда ҳазрат эшон шоҳ Машраб бобой қаландарга қараб анда бул ғазални ўқудилар (ғазал). Алқисса ҳазрат эшон шоҳ Машрабни бул ғазалларини эшитиб қаландарлар маст эрдиларки: “Тақсир қаландарим, биз билмадук, сизни зиёрат ҳам қилмадук, маъзур тутарсиз”. Ҳама халойиқ тавозе бирлан эшон шоҳ Машрабни зиёрат қилдилар. Андин сўнг бу хабар атрофга ёйилди. Бу хабарни эшитганлар айдиларки: “Намангондин бир қаландари оташнафас пайдо бўлуб такъяи қаландаронга келиб тушубдур”. Тамом улуғ ва кичик ҳамалари бориб зиёрат қилдилар. Андин сўнг Аваз Иноқ ҳам келиб кўрар бўлдилар. Умаро ва фузало ва тамоми оқсақоллар келиб ҳазрат эшон шоҳ Машраб бирла бир-бир кўриштилар. Аваз Иноқ ҳам келиб зиёрат килди. Андин кейин айдики: “Эй девонажон, не сабабдин мунда келибсиз”. Анда эшон шоҳ Машраб айдиларки: “Ман ба нияти ҳаж деб чиқиб эрдим, бузрукворларни ва авлиёларни зиёрат қилиб сизнинг шаҳрингизга туштук” деди. Анда Аваз Иноқ ва тамоми оқсақоллар айдиларки: “Эй девонажон, хўш келдингиз” деб эъзоз ва икром қилдилар. Андин сўнг ҳазрат эшон шоҳ Машраб ҳазрат Паҳлавон отадин мадад тилаб тамом анбиё ва авлиёларни келтуруб бу мухаммасларини бунда мастонавор ўқудилар (мухаммас).

Алқисса ҳазрат эшон шоҳ Машраб мухаммасни ўқуғондин кейин ҳазрат эшон шоҳ Машрабга Паҳлавон отадин башорат

бўлди. Андин сўнг девона шоҳ Машраб бирла борғонларга беҳудлик рўй берди. Хоразм вилоятини улуғлари айдиларки: “Тақсир шоҳим, шул ерда бўлинг, сизга хонақоҳ солиб беролук, ҳама халойиқ ҳазратингизга толиб, ҳамаларимиз сизга дохил бўлайлик” дедилар. Анда ҳазрат шоҳ Машраб айдиларки: “Эй биродарлар, ман бунда эшон бўлғони келганим йўқман, зиёрати Маккаи муаззама қилурман деб келиб эрдим” деб анда ҳазрат эшон шоҳ Машраб Маккани шаънига бул ғазални ўқудилар (ғазал).

Алқисса ҳазрат эшон шоҳ Машраб бул ғазални ўқуғондин кейин жамеъ халойиқлар афсус ва надоматлар қилдиларки, “ҳайф шундоқ марди Худо бул шаҳардин кетодурлар, агар шунда бўлса эрдулар”. Ҳамалари қўшилиб чиқиб неча манзил йўл юриб эшон шоҳ Машрабдин дуо олиб дуойи бўлуб қайтдилар. Девона шоҳ Машраб ёлғиз қолиб, ҳазрат Парвардигори оламга муножот қилиб сиғиниб ҳазрат Маккаи шарифга борур эрдилар. Ўз ҳасби ҳолларига қараб анда бул ғазални ўқудилар (ғазал).

Деб ҳазрат эшон шоҳ Машраб бул ғазални ўқуб борур эрдиларки етти қаландар етиб келди. Аммо ҳазрат эшон шоҳ Машраб сару побарахна, гарди роҳ юзларига ўлтурган эди. Булар етти ҳожи эканлар, ҳама либоси ҳожиёна кийган, эшон шоҳ Машрабни бу ҳол бирла кўруб саволларига жавоб бермадилар, манзур ҳам қилмадилар. Анда эшон шоҳ Машраб сўрдиларки: “Эй хожилар, ҳаж қилдингизларму?” Алар айдиларки:”Оре, тақсир ҳаж қилдук”. Эшон шоҳ Машраб айдиларки: “Агар ҳаж қилғон бўлсангиз менга ҳам тариқи зиёратни ўргатинглар, ман ҳам зиёрати ҳаж қилғоли борадурман”. Алар айдиларки: “Эй девона, сан ўз юртингдан оч қолиб келгансан, Каъбани буғдой бирла арпаси арзондур”. Анда ҳазрат эшон шоҳ Машрабни аччиғлари келиб айдиларки: “Ман буларни одам деб гапурсам, булар мундоғ жавоб берадурлар, мани саволимга жавоб бермайдурлар ва мани манзур ҳам қилмайдурлар. Булар ҳазрати хонаи Каъбани зиёрат қилиб, ҳануз буларни ботини соф бўлғони йўқ, эркон”. Буларни андак хабардор қилиб, жоҳилларига қараб маст

мустағрак бўлуб анда шоҳ Машраб бул ғазални ўқидилар:

Пашшани фил қилғали биз халқға ҳимматдин гапур,
Ҳожи бўлсанг йўлдаги тортқан риёзатдин гапур.
Ман сани дилдан сўрарман, англағил, эй бехабар,
Тилни дилга мустақим айлаб, ибодатдин гапур.
Ҳар киши суратга мағрур бўлса ул муртад кетар,
Бўлмағил суратга мағрур бизга сийратдин гапур.
Каъбани кўрдунг Худо кўрдунгму обид айт манга,
Робиадек нола ургил хасти жаннатдин гапур.
Етти дарёни ютубман ман ҳануз лаб ташнаман,
Ташналарни ёд қилган авлоди ҳазратдин гапур.
Жавла гандумни нархин сўрса деҳқонига айт,
Толиби Ҳақ учраса ўтган зиёратдин гапур.
То худо амр этмаса ҳеч кимга кор этмас бало,
Сан агар оқилдурсан, ваҳму қиёматдин гапур...

Деб ҳазрат эшон шоҳ Машраб бул ғазални ўқуғондин сўнг бу етти ҳожилар бул бежо айтганларидан изза тортиб пушаймон бўлуб ҳамалари келиб эшон шоҳ Машраб бирла кўришдилар. Маъзурчилик қилиб аён феълларидан тавба қилдилар. Ваҳоланки айтганни сўкуб айб қилдилар. Ул ҳожиларни бир улуғи бор эрди. Отини хўжа Сафо дер эрдилар. Ўзи етти маротаба ҳаж қилғон эрди. Хўжа Сафо айтдиларки: “Тақсири девонам, бул бежо айтган кишини ҳам гуноҳидан ўтунгки, бул билмасликдин ва танимасликдин айтибдур, ҳар нимарса бўлса йўл ҳамроҳидур”. Анда ҳазрат эшон шоҳ Машраб кўрдиларки қатрон янглиғ бўлубдур. Эшон шоҳ Машраб зоҳир кўзини юмуб ботин кўзлари бирлан кўрдиларки ул беодоб гавҳари имондин айрилиб беимон бўлубдур. Девона шоҳ Машраб раҳми келиб, “қилғон гуноҳидан ўттум” деб айтдилар. Алқисса тамом ҳожиларни баҳри очилиб хушвақт бўлуб айдиларки: “ Тақсир шоҳим, сизни сўзларингиз бизларга таъсир қилди, акнун сўз бизлардандур, агар равзаи шарифга борсангиз, бу каминаларни ҳам дуода ёд қилгайсиз, албатта. Тариқи зиёрат будурки аввал борурсиз эҳромга. “Лаббайка ал лоҳумма лабайка, лабайка ла шарика лака лаббайка, иннал ҳамда ван ниъматалака вал мулка, ла шарика лак” айта-айта кетарсиз, лекин кам қилмагайсиз, агар зиёда қилсангиз

жоиздур. Бир шарт шулки сару по барахна бўлуб белингизга лунги боғлаб кетарсиз. ...Бул мартаба бирла хонаи Каъбага борурсиз ки қаро кийган ўзи. Шундоғ азизга жонингизни фидо қилгайсиз ва “Ҳажари асвод” ни бўса қилғонда гўёки онадин янги таваллуд бўлғондек бегуноҳ бўлурсиз... Зиёрат қилар бўлғонда кўнгли шикаста қилиб йиғлаб боринг. Албатта аввал боб ҳазрат Иброҳим халилуллоҳ, иккиламчи рукни ироқ, учинчи боб зам ва тўртинчи рукн шом. Ҳар бир борганда юз илтижо ва зори ва тазарру билан боргайсиз. Ҳар мақомга икки рукндур.., агар мақоми Халилга борсангиз аввал икки ракат намоз адо қилиб дуо қилгайсиз. Ҳама ҳожатлар шунда раво бўлур” (ғазал).

Деб ҳазрат эшон шоҳ Машраб бул ғазални ўқуғондин кейин Рум ( ҳозирги Туркия ҳудуди – Э. М.) шаҳрига еттилар, кўрдиларки кўп хожалар кетиб борурлар, ул ер ҳам Арабистон эрди, ким тева миниб ва ким ароба миниб ва ким кажова миниб ва ким эшак миниб ва ким пиёда ажаб ҳангома бирла борурлар. Бир неча йўл боргучилар ҳазрат эшон шоҳ Машрабни кўруб сўрдиларки: “Эй девона, қайда борурсан”. Ҳазрат эшон шоҳ Машраб айдиларки: “Ман ҳам азбарои зиёрати ҳаж борурман”. Алар айдиларки: “Қайдин чиқдинг?”. Эшон шоҳ Машраб айдиларки: “Намангондин келарман..”. Андин кейин ҳазрат эшон шоҳ Машраб жамеъ хожалар бирла сиҳат ва саломат бориб Рум шаҳрига кирдилар. Андин кейин халифаи Румга хабар еткурдиларки: “Тақсир подшоҳим, Турон заминдин кўп кишилар ҳаж қилғони учун шаҳарга кирдилар. Амри олийлари нима бўладур?”Анда халифа айдиларки: “Олиб даргоҳга келтурингларки аларни кўролук”. Подшоҳдин расул бориб буларни олиб бордилар. Тамом ҳожилар даргоҳи олийга бориб, подшоҳни дуо қилдилар. Андин кейин ҳар вилоятдин васила ва тухфа учун ҳар нарса олиб келиб эрдилар. Ул нарсаларни подшоҳни назаридан ўткориб дуо қилдилар. Подшоҳ буларни қайси юртдин ва қайси диёрдин келгонларини савол қилдилар. Ҳожилар бир бир жавоб қилдилар. Андин сўнг навбат ҳазрат эшон шоҳ Машрабга етди. Подшоҳ эшон шоҳ Машрабдин сўрдиларки: “Эй девонажон, сиз

қайси шаҳардин келурсиз, отингиз недур" деб сўрадилар. Анда ҳазрат шоҳ Машраб халифаи Румга жавоб бермоқ учун дасти алиф лом қилиб подшоҳга қараб ишқи туғён қилиб мастонавор маст бўлуб бул ғазални ўқидилар (ғазал). Алқисса ҳазрати эшон шоҳ Машраб бул ғазални ўқуғондин кейин ўзларини билдуруб подшоҳга жавоб бердилар. Подшоҳ бул сўзни эшитиб завқи авж қилиб, аркони давлатларига қараб "ўзгаларни туҳфасидин бул девона сўзин ўткорди" дедилар. Андин сўнг подшоҳ хожиларни такъяи қаландаронга яқин қилдилар. ...Шом бўлди, ҳама ҳожилар йўл ранжи тортқон учун ётдилар. Анда ҳазрат эшон шоҳ Машраб туруб таҳорат қилиб икки ракат намоз ўкуб Худой ўн саккиз минг оламга муножот қилиб ўтурдилар. Ярим кеча бўлғонда эшон шоҳ Машрабни кўзларини андак уйқу олиб кетиб бошларини ерга қўйиуб, ўлтурғон ерларига ним бедор ва ним хоб бўлуб банагоҳ бир оқ нур осмондин айланиб келди. Ул нур девона шоҳ Машрабни кўнгилларига зоҳир бўлди, уйқудин сесканиб кўзларини очиб қарасалар ҳеч нимарса йўқ. Охируламр бул файзни айтуруб ахтармоқ учун шикаста хотир булуб зор-зор йиғлаб бетоқат бўлуб анда мустағрак бўлуб бул ғазални ўқудилар (ғазал)...

Алқисса эшон шоҳ Машраб бул мухаммасни ўқуғондин кейин тамом халойиққа жунун рўй берди. Ҳама масту мустағрак бўлуб қолдилар. Такьяни улуғи айдиким: "Кишики Худога азбаройи ҳаж деб содиқ ихлос бирла ошиқ бўлса, девона шоҳ Машрабдайин бўлса керак, мудом масти мустағрақ, ишқи ҳақ, бу йўлда ҳар ким они суҳбатини кўрса имони баҳра олади. Сиз лофи бандалик урарсиз, девона шоҳ Машрабдек бўлунгларки андин бўйи Иброҳим Адҳам келадур", дедилар. Анда ҳазрат эшон шоҳ Машраб сўрдиларки: "Ийди қурбон яқин келдиму?" Бобо айдиларки: "Бир нимарса узоқроқдур". Анда ҳазрат шоҳ Машраб тоқатлари тоқ бўлуб бетоқат бўлуб хонаи Каъбани соғиниб Худой таолога муножот қилиб, зор-зор йиғлаб бул мухаммасни ўкудилар (мухаммас).

Деб ҳазрат эшон шоҳ Машраб бул мухаммасни ўкуғондин кейин ҳожилар шоҳ Машрабдин дуо тиладилар. Андин эшон шоҳ Машраб хожаларни ҳаққига дуо қилдиларки: "Оре,

сизларни ранжи роҳларингиз зое бўлмасин ва сизларни тафсилингиздан мени ҳам зиёли қилғай, Оллоҳу акбар", деб бориб бир гўшада боз макон тутиб ётдилар.

Алқисса бир неча муддатдин кейин хабар келдики, Намангон вилоятидин ҳаж қилғони кўп киши келибдурлар. Ҳама халойиқ истиқболларига чиқдилар. Эшон шоҳ Машраб ҳам хожилар бирла пешвоз чиқдилар. Эшон шоҳ Машраб бирла бир-бир кўрушиб сўрашдилар, гўёки Машраб ўлик эрдилар, буларни кўриб тирилдилар. Хушвақт бўлуб ҳазрат эшон шоҳ Машраб анда хожаларга қараб ул ғазални ўкудилар:

Наманган шаҳридин дўстлар мени ёронларим келди,
Ота бирла онамни билгувчи меҳмонларим келди...

Деб эшон шоҳ Машраб бул ғазални ўқуғондин сўнг, ҳама халойиқ билдиларки девона шоҳ Машрабни ҳам хешу ақрабоси бор эркон. Алғараз шаҳарга кирдилар ва подшоҳга маълум қилдилар, неча муддатдин кейин ийди қурбон бўлди. Ҳама халойиқ ҳар вилоятдин бир нечалари Арофатдин ва бир нечалари куҳи Минодин, ҳар атроф ва акнофдин эҳром боғлаб шарт ва шароитларини бажо келтуруб бордилар...

Алқисса ҳазрат шоҳ Машраб ҳам ҳазрат расули Худодин саллалайҳу алайҳи вассаламдин мадад тилаб дуо қилдилар. Ҳар ким ўз ҳолига йиғлаб эрдилар. Эшон шоҳ Машраб ҳам ўз ҳолларига йиғлаб эрдилар, шул вақт ғойибдин нидо келдики: "Машрабни ҳажини қабул қилдим". Андин сўнг бир оқ тева ғойибдин пайдо бўлди, келиб майдонга чўкди, фотиҳани тамом килғондин кейин ҳазрат эшон шоҳ Машраб соҳиби дуо бўлдилар. Тамом халойиқ қўлларини кўтариб зори ва тазарру бирла "омин" дедилар (ғазал). Сўнг нидо келдики: "Ман сани жаннати қилдим". Ҳазрат шоҳ Машраб айдиларки: "Эй бори Худоё, ҳама бандаларинг умид бирла келибдур, яна ноумид қилма". Боз нидо келдиким: "Ҳамани гуноҳини бағишладим" (ғазал).

Алқисса тамом шарт-шароитларни бажо қилиб равзаи шариф ҳазрат Муҳаммад мустафо саллалайҳу алайҳи вассаламга бордилар. Анда дохил бўлдилар. Онҳазратни

қабрларини оёғи учларига бош кўйдилар. Чунон йиғладиларки беҳуд бўлуб йиқилдилар. Воқеъда онҳазрат саллалайҳу алайҳи вассалам эшон шоҳ Машраб бирла кўришдилар. Анда айдиларки: “Эй девонажон, бизга нима келтурдинг?” Девона шоҳ Машраб айдиларки: “Тақсир подшоҳим, девона, гадо бўлсам сизга нима келтурай”. Ҳазрат табассум килиб айдиларки: “Эй девона, бир мустазоди алифнома ўқуғил” деб амир қилдилар. Ҳазрат шоҳ Машраб бир вақт кўзларини очдиларки, ғарқи нур бўлубдурлар.

Алқисса ҳазрат эшон шоҳ Машраб бул мусаддасни ўқиғондин сўнг зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб боз завқ ва муҳаббатлари зиёда бўлуб, дасти алиф лом қилиб равзаи муборак ҳазрати расули оламга қараб эрдилар. Ҳазрати расули акрам саллалайху алайҳи вассаламдин овоз келдики: “Эй Машраб, сан шаҳид бўлуб даражаи аълога етарсан” дедилар. Шул вақтда шоҳ Машраб равзаи он ҳазратдин даражаи шаҳодат топгонларини эшитиб, хурсанд булуб шукри вожиб ул вужудни бажо келтуруб зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб масту мустағрак бўлуб ва Худой ўн саккиз минг оламга зори ва тазарру қилиб бул мухаммасни ўкудилар (мухаммас), (мухаммас).

Алқисса ҳазрат шоҳ Машраб бул мухаммасни ўқуғондин сўнг боз шури жунунлари зиёда бўлуб, масту беихтиёр бўлуб, зор-зор абри навбаҳор йиғлаб равзаи Фотима ал-набиюндин бир неча чарх уриб Худой таолоға зори ва тазарру қилиб бул мухаммасни ўқудилар (мухаммас). Шоҳ Машраб сўнг равзаи Фотима ал-набиюндин бир неча чарх уруб зиёрат қилғондин сўнг равзаи шарифдин чиқиб дашти Карболо тарафига қараб равона бўлдилар. Аммо шул бора туруб равзаи шаҳидони Карболога етушиб шаҳидони Карболони зиёрат қилиб ва ҳама шаҳидларни зиёрат қилиб, алардин мадад тилаб равзаи мутабаррук ҳазрати имом Хусайн разиоллоҳга қараб зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб боз бул мухаммасни ўқудилар (мухаммас).

Карболода бир неча кун истиқомат қилдилар. Аммо бир неча хожиларки, эшон шоҳ Машрабга ҳамроҳ эрдилар. Алар

шоҳ Машрабга арз, қилдиларки: “Тақсир подшоҳим, бизларга энди рухсат беринг, бизлар акнун кетармиз” дедилар. Эшон шоҳ Машраб аларга рухсат бердилар. Алар ҳар қайси тарафга қараб кетдилар. Шул вақтда шоҳ Машраб пирлари, ҳазрати қутб-ар-орифин Офоқ хўжам подшоҳни соғиниб, орада кўрмок, учун бетоқат ва бeором бўлуб зор-зор чун абри навбаҳор йиғлаб бул мухаммасни ўқудилар (мухаммас).

Ҳазрат Офоқ хўжам подшоҳим эшон шоҳ Машрабга айдилар-ки: “Эй болам шоҳ Машраб, зиёрати Байтуллоҳ қилиб келдингизму?” дедилар. Ул ҳам Машраб ҳазрат Офоқ хўжам подшоҳим пирларидин бу сўзни эшитиб айдиларки: “Зиёрати Байтуллоҳ қилдим” деб шоҳ Машраб ҳазрат Офоқ хўжам подшоҳимга жавоб бердилар (ғазал).

Алқисса ҳазрат шоҳ Машраб бул ғазални ўқуғондин сўнг ҳазрат Офоқ хўжам подшоҳим бир неча илтифотлар қилиб айдиларки: “Эй болам Машраб, ҳар ким сени топди эрса Алини топди” дедилар (ғазал). Бир неча илтифот ва марҳамат қилиб айдиларки: “Муродингга етуштинг, эмди тонгла қиёмат қойим бўлғонда иншоллоҳ таоло рафиқимсан” дедилар”.

Бу ҳикоялар адабиётшуносликда мавжуд Машраб ҳаёти йўли билан боғлиқ иккита муаммони ҳал қилиши мумкин:

1. Маълумки, Машрабнинг Шом, Ироқ каби жой номлари келтирилган айрим шеърлари бор бўлса-да, бироқ унинг Маккани зиёрат қилгани ҳақида ҳанузгача аниқ маълумот йўқ. Ҳозир ҳам “Машраб бир умр Каъбани зиёрат қилишни орзу қилган, аммо унинг бу ниятлари амалга ошмади” мазмунидаги фикрлар машрабшуносликда ҳукмрондир. Агар кимдир “Машраб Арабистонга борган” деса ва бунга далил келтиролмаса, бу фақатгина фараз бўлади, холос, чунки уни исботлайдиган бирор аниқ маълумот ёки матн ҳали келтирилмаган. Мавжуд “Девонаи Машраб” нусхаларининг барчасида шоирнинг ҳаж қилганлиги ҳақида бирон маълумот берилмайди. Биз юқорида келтирилган ҳикояларга асосланиб, Машраб Арабистонда бўлган ва Маккада ҳаж зиёратини амалга оширган, деган қатъий фикрни илгари сурамиз. Фикримизнинг

далили иккинчи масала билан боғлиқ.

2. Машраб шогирди Пирмаст Сеторий билан 1691 йили 20 йиллик узоқ сафарга отланган.[1] Бироқ, бу сафар ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. **“...Машрабни Наманганни тарк этгандан то Балх шаҳрига боргунча 20 йиллик ҳаёти воқеалари қиссаларга киритилмай қолган”.**[2] Машраб ҳақида маълумот берувчи “Мунтаҳаб ут-таворих” асарида ҳаж сафарига бағишланган ушбу жумладан, бошқа маълумот йўқ: *“(Машраб) аз Намангон иродаи Байтуллоҳ карда ба Балх расид”.*[3] Машраб ҳаёти билан боғлиқ бўшлиқни тўлдиришда юқоридаги ҳикоялардан бемалол манба сифатида фойдаланса бўлади. Бунда Машраб шеърларидаги маълумотлар ҳам эътиборга молик:

Излаб юрурман Шому Ироқи,
Топмадим асло ёрнинг сўроқи...[4]

Ишқибозлар ичра бағри доғиман,
Хинду, Шому, Руму, Чин бормоқ эдим.[5]

Деканда неча йиллар истиқомат айладим, турдим,
Тамомий расми кофирларни кўрдим, Исфаҳон кеттим.
Мадинани тавоф айлаб, яна ул Оби Зам-замни,
Келиб сизларға учрабман, дуо олиб амон кеттим...[6]

---

[1] *Бобораҳим Машраб.* Меҳрибоним қайдасан: Ғазаллар, мухаммаслар.(Нашрга тайёрловчи ва сўнгсўз муаллифи: Ж. Юсуфов),– Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1990. – 359-б.

[2] Ўша асар. 1990. – 357-б.

[3] *Фитрат А.* Машраб //Илмий фикр. – 1930.-№1.

[4] *Бобораҳим Машраб.* Меҳрибоним қайдасан. – Т., 1990. – 271-б.

[5] Ўша асар. 304-б.

[6] *Машраб.* Девон. (Тадқиқ қилувчи, қўлёзма ва босма манбаълардан жамлаб нашрга тайёрловчи, луғатлар ҳамда изоҳлар муаллифи: Жалолиддин Юсуфий). – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 163-б.

## Янги маълумотлар асосида Машраб ҳаёт йўлига аниқлик киритиш

Валибобо ўғли Раҳимбобо Машраб 1640 (ҳижрий 1050) йилда Наманган шаҳрида бўзчи оиласида туғилди. Ушбу жумладан англашилишича, у олий насаблар авлоди эмас: “Асли насабим сўрасанг бир қора қулни ўғлиман”.[1] 1647 йилда етти ёшли Раҳимбобони ота-онаси маҳалладаги бошланғич мактабга беришади. Билимгоҳда ўқиб юрган Раҳимбобо ўзининг иқтидори билан тенгдошларидан кескин ажрала бошлайди, ёш бўлишига қарамай дарс берувчи домлога ҳам мураккаб саволлар бериб шошириб қўядиган, устози сабоқларига қаноат қилмай, ўзини қизиқтирган саволларига жавоб топиш ниятида аллома каби фикрлайдиган бўла боради. Раҳимбобонинг тушунчалари ҳеч бир тенгдошининг хаёлига ҳам келмайди, унинг кўриниши, гап сўзлари оддий одамларни ҳайратга келтира бошлайди. Раҳимбобога кучли устоз лозим деб топилиб ота-оналари уни 1655 йили наманганлик таниқли мулло Бозор Охун тарбиясига берадилар. Раҳимбобо шу пир қошида таҳсил ола бошлайди. Янги ўқувчининг оташнок ва ажабтовур ҳулқини англаган Бозор Охун уни бошқа шогирдларидан ўзига яқин олади, Раҳимбобо ҳам устозига ўрток каби муносабатда бўлади, Бозор Охунга бағишлаб шеърлар ёзади. Кейинчалик, 1668 йилда Раҳимбобо форс тилида Бозор Охун вафотига бағишлаб “*Булбул бирафт аз боғи илм*” мисраси билан таърих ёзган.

Машраб наманганлик шайх Бозор Охун мактабида маълум сабоқлар олди, лекин бу билимлар билан фавқулодда иқтидор эгаси бўлган Раҳимбобо қониқмади, таълимни давом эттириш учун яна янги устозга муҳтожлик сезди. Раҳимбобонинг Наманганда олган илк билимлари шариат аҳкомларига доир бўлиб, бунда мусулмонлик қоидалари, фарз ва суннатлари каби масалалар ўрганилди. Машраб ёш бўлишига қарамай, комиллик касб қилиш учун тариқатга, яъни дунёни, борлиқни ва

[1] *Машраб.* Девон. – Т., 2006. – 174-б.

Тангрини англашга олиб борувчи босқичга ўтишга зарурат сезди. Бу босқични эгаллаганлар мутасаввуфлар деб аталиб, улар оддий муслим кишилардан, ҳатто сўфийлардан руҳий дунёсининг устунлиги билан ажралиб туришган. 1662 йили 22 ёшли Машраб Қашқар сафаридан олдин Самарқандга биринчи бор келиб кетади.

Машраб устози Бозор Охуннинг маслаҳати билан 1662 йили Қашқарга ўз даврининг таниқли шайхи Офоқ хўжа ҳузурига йўл олади. Бу сафар учун Машраб даставвал Ўшга бориб ўша ердан Олой водийсидаги Шарт деб номланувчи довондан ўтади ва Ёркент хонлигига, хусусан Қашқар шаҳрига етиб боради.

## Ёркент ва туркистонликлар муносабати

Ўзбекистон ва Хитой ўлкалари орасида жуда қадимдан ўзаро муносабатларга мос келадиган қўшничилик алоқалари ўрнатилган.Манбаларнинг гувоҳлик беришича, қадимги ва дастлабки ўрта аср даврларида туронликлар савдо-сотиқ ва товар айирбошлаш муносабатларини йўлга қўйиш учун энг мақбул йўл - Хитой билан алоқа ўрнатиш деб билишган.

Туронликлар милодгача бўлган III асрда Еттисув, Шарқий Туркистон, Жунғория, Чанъан, Турфон, Хўтан каби шаҳар ва ўлкаларда савдо – иқтисодий муносабатларни ўрнатишган. VII асрнинг бошларида Марказий Осиё иқтисодий ва маданий ривожланиш босқичларини бошидан ўтказди. Византияга олиб кетиладиган ипак матолар ва заргарлар ишлатадиган олтин ёмбилар йўлда («Буюк Ипак йўли»да-Э.М.) қисман Хўжандда, Бухорода, Самарқандда, Тошкентда, Қашқарда, Кучарда, Турфонда, Дунхуанда ва Шарқий Туркистоннинг бошқа шаҳарларида муқим бўлиб қоларди. [1]

Турон-Хитой савдо йўли айрим қадимги адабий манбаларда ҳам келтирилади. Жумладан, «Манас» достонида Буюк Ипак йўлининг йўналишида бўлган шаҳарлар қуйидаги тизимда келтирилган: Оқ-Бешим, Олой, Олтой, Ола Кўл, Анжиян, Арпа, Артиш-Балиқ (Балх), Бадахшон, Баркул,

[1] *Гумилев Л. Н.* Древние тюрки. – М., 1967. – с.152-153.

Барисқан, Губий-Шаму (Гоби чўли), Дархан, Жаркент (Ёркент), Или, Қора-Ғулжа, Қашқар, Қоратегин, Қара-Шаҳар, Марал-Боши, Лоп ( Лобнор), Орхон, Марғилон, Самарқанд, Талас, Тошкент, Тибет, Чотир Кўл, Чўй, Турфан, Фарғона, Итил (Волга), Эртиш.

Қадимги Хитой билан нафақат моддий масалаларда, балки маънавий дунёқарашларда ҳам муштарак томонларни кўриш мумкин. Бу ҳақда профессор Ш. Сирожиддиновнинг кузатувларида шундай дейилган: «Мовароуннаҳрнинг жуғрофий қадимий цивилизациялар чорраҳасида жойлашгани бу ўлкада қадимги Ҳинд, Эрон, Ироқ ва Хитой халқлари фалсафий қарашларининг бир маконда умумийлашуви ва уйғунлашувига яхши замин яратган. »[1]

Ушбу келтирилган маълумотлар асосида Ўзбекистон ва Хитой халқлари ўртасидаги маънавий – фалсафий, маданий – маърифий, савдо-иқтисодий муносабатлар қадимги даврлардан бери мавжуд бўлган деган хулосага олиб келади. Машрабнинг Қашқарга қилган сафарининг негизида нафақат пир маконига бўлган интилиш, балки эллар ўртасидаги муштарак алоқалар, қадимги анъаналар, Буюк Ипак йўлининг ҳаракатдаги ҳолати ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаган.

XIX асрнинг иккинчи ўн йиллигидан бошлаб Хитой ҳудудидаги Шарқий Туркистон ўтмишига оид ёзма битикларнинг жиддий тадқиқотлари амалга оширилди. Бундай изланишларда Рус шарқшунослари билан бирга Хитой, Япон, шунингдек, ғарбий европалик олимлар иштирок этишди.

Албатта европаликлар яратган кўпчилик асарлар ўзларида тадқиқотчиларнинг субъектив қарашлари, ҳомийларининг истак ва манфаатларини акс эттириши турган гап. Бироқ, бундан қатъий назар, бу манбалардаги тарихий омиллар бизнинг тарих, маданият, адабиётимиз учун аҳамият касб этар экан, фикримизча, улардан меъёрида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

---

[1] *Сирожиддинов Ш.* Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари/ Монография. – Т.: Янги аср авлоди, 2011. –3-б.

Синцзянга дастлабки экспедиция россияликлар томонидан жўнатилган эди. Рус географик жамияти томонидан қўлга киритилган хитой, турк ва санскрит тилларидаги манбаларни ўрганиб чиққан академик Василий Васильевич Радлов (ҳақиқий исми: гер. Friedrich Wilhelm) (Берлин, 17.01.1837 Москва, 12.05.1918) бу қўлёзмалар ҳақида Россия Фанлар академиясида илмий маъруза билан чиқиш қилади ва Шарқий Туркистонга экспедиция уюштиришни таклиф қилади. Бу истак инобатга олинади. Экспедиция раҳбари этиб Дмитрий Александрович Клеменц (14.12.1847 – 8.01.1914) тайинланади, унинг хотини ва Михаил Степанович Андреев (Тошкент, 24.09.1873 – 1948) аъзолари сифатида тайинланади. Экспедиция санъат ва ёзувнинг кўплаб ёдгорликлари, археологик ашёларларни академияга келтирди.[1] Шундан сўнг рус шарқшунослари томонидан бундай экспедициялар яна бир неча маротаба уюштирилди ва ўрганилган ҳудудда яшаган халқларнинг тарихи, ижтимоий – сиёсий ҳаёти, маънавий-маданий қарашлари акс этган қатор монументал тадқиқотлар вужудга келди. Бу каби асарлар Раҳимбобо Машрабнинг Ёркент хонлигида яшаган ва ундан олдинги даври ҳақида маълум хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Машраб ва Офоқ хўжа ўртасидаги асл муносабатга, пирнинг шахсиятига чин баҳони беришда ўша давр Қашқар ва унинг атрофидаги тарихий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий, адабий муҳитнинг қай даражада бўлганлигини билмасдан сўз юритиб бўлмайди. Раҳимбобо Машраб умрининг бир қисми, асосан етук шоир ва мутасаввуф, “бобо” ёки “шоҳ” қаландар сифатида шаклланган, ижтимоий ҳаётда маълум бир позицияни эгаллаган вақтга, яъни Қашқар ва унинг атрофида фаолият олиб борган даврига тўғри келади.

Машрабнинг Марказий Осиё ҳудудидаги фаолияти маълум даражада ўрганилган. Шу сабабли биз унинг адабиётшунослар назаридан нисбатан четда қолаётган ҳозирда Хитой Халқ Республикаси Синцзян автоном районига қарайдиган маконда-

---

[1] *Қаранг:* Nachrichten uber die von der Kaiserlichen Akademie der Wissenchaften zu St. Petersburg im Jahre 1898 ausgerustete Expedition nach Turfan. H. I. St. – Pbg., 1899.

ги фаолиятига таъсир қилган тарихий, ижтимоий, маданий омилларга эътибор қаратишни лозим топдик.

Бу каби масалаларга ойдинлик киритиш учун эса Муҳаммад Содиқ Қашқарийнинг 1182/ 1768–69 йилларда ёзилган “Тазкираи хўжагон”[1] тазкирасида, Мир Халаддин Котиб Ёркендийнинг 1143/1730–31 йилларда яратилган Ҳидоятнома”[2], аноним бўлган ва тахминан 1696 йилдан кейин ёзилган “Тарихи Қашқар”, Зайниддин Муҳаммад Эмин Садр Қашқарийнинг “Асар ул-Футух”[3], 1842 йилда Муҳаммад Ҳакимхон Тўра томонидан ёзилган “Мунтаҳаб ут-таворих”[4], Қўқон хони Худоёрхоннинг муншиси бўлган Мирза Олим Мушрифийнинг “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин”[5], Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг «Тарихи Азизий»[6], Муҳаммад Ҳайдар Мирзо (1499 – 1533)нинг 1541–46 йилларда ёзилган “Тарихи Рашидий”[7], Шоҳ Маҳмуд мирзо Фозил Чўраснинг 1107/1696 – йиллар ижод қилинган «Анис ат-толибин” ва “Тарихи Рашидий-Зайил”, Мулла Муса Сайрамий (1836 – 1917)нинг “Тарихи аминия”[8] ва “Тарихи Ҳамидий” каби асарларидаги маълумотларга суяниш мақсадга мувофиқ.

---

[1] *Муҳаммад Содиқ Қашқарий.* Тазкираи Хўжагон (Тазкираи Азизон) Қўлёзма, туркий. ЎзР ФА ШИ. инв. № 701.

[2] *Мир Халаддин Котиб Ёркендий.* Ҳидоятнома. Рос. ФА ШИ. инв.№ 2565 Саҳ сони: 560. Саҳ:12а, 42б, 70б, 76б, 98б, 109а, 110а.

[3] *Зайниддин Муҳаммад Эмин Садр Қашқарий.* Асарул Футух. – Қўлёзма, Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик Институти ( кейинги манбалар – Қўлёзма, ЎзР ФА ШИ) инв. № 753.

[4] *Муҳаммад Ҳакимхон тура.* Мунтаҳабат таворих – Қўлёзма,ЎзР ФА ШИ, инв. № 594; яна: Muhammad Hakimkhan. Muntakhab al-tawarikh. Vol. II. / Edited by Yayoi Kawahara & Koichi Haneda. – Tokyo: 2006. – 718 p.

[5] *Мирзо Олим Мушриф.* Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин - Қўлёзма,ЎзР ФА ШИ, инв.№ 1314; *яна: Мирзо Олим Мушриф.* Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин./ Нашрга тайёрл. А. Матғозиев, М.Усмонова. – Т., 1995. – Б. 128.

[6] *Муҳаммад Азиз Марғилоний.* Тарихи Азизий. –ЎзР ФА ШИ, инв. № 11108.

[7] *Муҳаммад Ҳайдар Мирзо.* Тарихи Рашидий. – Т.: 2010. – 719 б.

[8] *Тарих-Эминие.* История владетелей Кашгарии, сочинение Муллы Мусы, бен Мулла Айса, изданная Н.Н. Пантусовым. – Казань: 1905. – 320 с., *яна: Муса Сайрамий.* Тарихи аминия. – ХХР, Урумчи: Миллатлар нашрияти, 1989. – 434 б.

«Тарихи Қашқар» асаридан Василий Владимирович Бартольд[1] (1869-1930), Мартин Хартманн[2] (9.12.1851 – 5.12.1918), Лазарь Исаевич Думан[3] (1907 – 1979), Мирқосим Усманов[4] (31.05.1934 – 11.10.2010), Чокан Чингисович Валиханов[5] (1835 – 1865) кабилар ўз ишларида кенг фойдаланишган. Асарнинг аталиши нисбий бўлиб, матнда бу ном йўқ. Муаллифи унинг таржимаи ҳоли каби номаълум. Бироқ, «Тарихи Қашқар» Қашқарда XVIII асрнинг ўрталарида ёзилган бўлиши эҳтимоли катта, битик эгасининг шу кент вакили бўлганлигига шубҳа йўқ. Асар мураккаб бўлмаган чиғатой адабий тилида ёзилган бўлиб, унда Қашқар диалекти элементлари ҳам учраб туради. Р товуши сўзнинг охири ва ўртасида тушиб қолиш ҳоллари сезилади.

«Тарихи Қашқар» – Мўғулистон[6] ва Мамлакати Мўғулиянинг тарихи. Асар эллик икки бобдан иборат бўлиб, бобнинг марказида маълум бир хоннинг ҳукмронлик даври ёки фаолиятидан бирор парча келтирилиб, воқеалар тафсилоти шунинг атрофида кечади. Асар хўжалар ва ҳукмрон доирага мансуб бўлган Олимшоҳбек ҳақидаги боблар билан тугалланади. Муаллиф ўзининг ғоясига содиқ қолиб баёнлар

---

[1] *W. Barthold.* Caghatai Literature.: «Turks» мақоласида. El, VOl. IV, fasc. O, Leyden-London, 1931, p. 917; *яна:В.В.Бартольд.* Очерк истории Семиречья. Соч., II, часть 1. М., 1963, стр. 94; *яна: В.В.Бартольд*. Киргизы. *Ўша манба*, стр. 516; *яна: В.В.Бартольд*. История турецко монгольских народов. Соч., V, стр. 215; *яна: В.В.Бартольд*. Отчет о командировке в Туркестан (1902 г.), стр. 236.

[2] *Martin Hartmann*. Ein Heiligenstaat im Islam. Das Ende der Caghataiden und die Herrschaft der Chogas in Kasgarien. Der Islamische Orient, VI-X. Berlin, 1905.

[3] *Л. И. Думан.* Аграрная политика Цинского (Маньчжурского) правительства в Синьцзяне в конце XVIII в. М. – Л., 1936., с. 76

[4] *Усманов. М. А.* К вопросу о роли русской исторической науки в изучении Синьцзяна (XIX в.). «Труды Московского института востоковедения», вып. № 6. Изд-во МИВ, [М.], 1951, с. 182.

[5] *Валиханов Ч.* О состоянии Алтышара или шести восточных городов китайской провинции Нан-лу (Малой Бухарии) в 1858-1859 гг. // Зап. РГО. – Спб, 1861.-Кн. 3.

[6] Мўғулистон ёки Мўғулия деганда ҳозирги Монголияни тушунмаслик керак. Тўғлуқ Темур давлатининг аҳолиси асосан туркий қавмлардан иборат эди. Уларга уйғурлар, найманлар, орлотлар, қора хитойлар (киданлар), барлослар, қиётлар, қўнғирот, дўғлотлар кабилар мансуб эди.

марказига бирон бир хўжани эмас, балки феодал ҳокимни олиб чиқади ва асарнинг ғоявий йўналишига путур етказмайди. Китобнинг тугалланишига яқин чиғатой ҳукмдорларининг ўзаро биродаркўшлик урушлари, эшонлар билан тўқнашувлари, ички ва ташқи душманлар билан курашлари, ҳокимиятнинг инқирозга юз тутиши кабилар ҳақида сўз юритилади. Келтирилишича, жунғорлар орасидаги хўжалар билан бирга аллақандай Темур деган йигит бўлган ва у ижтимоий ҳаётда фаол қатнашган.

«Тарихи Қашқар» асарининг баёни дастлаб катта жуғрофий ҳудуддаги воқеаларнинг тасвирига бағишланади. Воқеалар Қашқария, Еттисув, Ўрта Осиё, Помир, Кашмир, Тибетнинг жунғорлар томонидан босиб олиниш воқеалари тафсилоти билан бошланиб, асарнинг охирида фақатгина Ёркент билан боғлиқ тарих  хусусида сўз юритилади. Асар интиҳо сари яқинлашгач, муаллиф ўзидан йироқда бўлаётган ҳодисалардан бироз чекингандек бўлади. Биринчи ўринда муаллиф учун унинг атрофида бўлаётган воқеалар муҳим аҳамият касб этади. Маълумотларнинг танқислиги ҳам воқеалар баёнининг торайиишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Асар амир Оламшоҳбек эшикоғанинг, сўнгра Ёркент ҳокимининг таърифи билан якун топади. "Тарихи Қашқар" асарининг сўнгида ҳокимга атаб ёзилган шеърлар келтирилади.

"Тарихи Қашқар"нинг тили "Тарихи аминия" тили билан муштарак. В. В. Бартольднинг келтиришича, "Тарихи Қашқар" соф ва оддий туркий тилда ёзилган."[1] Асарнинг илк намунасини В. В. Бартольд аниқлаган ва бу ҳақда у шундай деган: "Фақатгина бахтли тасодиф туфайли, Тошкентда Осиё музейи учун Қашқар тарихига оид номи ва муаллиф исми ёзилмаган бошқа бир асарни қўлга киритишга муваффақ бўлдим..."[2] Асарнинг уч нусхаси мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси Россия Фанлар академияси Осиё халқлари Институти Санкт – Петербург бўлимида сақланади.

---

[1] *W. Barthold*. Caghatai Literature. «Turks» мақоласида. El, VOl. IV, fasc. O, Leyden-London, 1931, p. 418

[2] *В. Бартольд*. Отчет о командировке в Туркестан , 1902 г., с. 236.

## *Мўғулистон хонлиги*

Чиғатой улусининг хони Қозонхон (1342 – 1346)нинг ўлимидан кейин улус икки мустақил давлатга Турон (Мовароуннаҳр) ва Мўғулистонга бўлинди.

Туғлуқ Темурхон (1329 – 1362/3). 1347 – 1362/3 йиллар орасида Мўғулистоннинг биринчи хони бўлди. Мўғулистонда хонлик қилган ҳукмдорлар қуйидагилар:

Туғлуқ Темурхон –Мўғулистоннинг биринчи хони 1347 – 1362, Илёсхўжа–1362/3–1365/6 йиллар, Хизрхўжа–1365/6–1399 йиллар, Шоми Жаҳонхон-1399 – 1408 йиллар, Муҳаммадхон I–1408–1416 йиллар, Шер Муҳаммадхон –1416, 1421–1424/5 йиллар, Нақши Жаҳонхон –1416 – 1418 йиллар, Султон Увайсхон-1418 – 1421, 1425 – 1428 йиллар, Эсон Буғахон–1429 – 1462 йиллар, Дўст Муҳаммадхон–1462 – 1468 йиллар, Кебек Султон ўғлон–Турфан хони 1468 – 1473 йиллар, Юнусхон–Мўғулистон хони–1468 – 1487 йиллар, Султон Маҳмудхон I-1487 – 1508 йиллар, Султон Аҳмадхон I (Олачахон) –1485 – 1504 йиллар, Мансурхон–Султон Аҳмадхон ўғли Турфон хони–1501 – 1543 йиллар, Мўғулистоннинг улуғ хони–1504. Шоҳхон–Мансурхоннинг ўғли Турфон хони–1543 – 1570 йиллар. Муҳаммадхон II – Мансурхоннинг ўғли. Турфон хони –1570 – 70 йиллар.

“Тарихи Рашидий” асарида Муҳаммад Ҳайдар Мўғулистон чегарасини қуйидагича белгилайди: “Мўғулистон деб аталадиган маконнинг худуди энига ва узунлигига етти–саккиз ойлик йўлни ташкил этади. Унинг шарқий чегараси қалмоқлар юрти Барскўл, Эмил ва Эртишка бориб тақалади. Шимол томонда Кўкча тенгиз, Бумлиш ва Қоратолга туташган, ғарбдан Туркистон ва Тошканд билан чегарадош, жанубдан Фарғона, Қашқар, Оқсув, Чалиш ва Турфон билан чегарадош. Мана шу тўртта чегара худудларидан бу банда фақат жанубини кўрдим.Тошканддан Андижонгача ўн кунлик, Андижондан Қашқаргача йигирма кунлик, у ердан Оқсувгача ўн беш кунлик... Бутун шарқий худуд от билан ўртача юрганда уч

ойлик йўл бўлиб, тўқсонта бекатдан иборат”.[1]

“Бобурнома” ва “Тарихи Рашидий” асарларига суянадиган бўлсак, Туғлуқ Темур Дувохоннинг ўғли Эсан Буғахоннинг ўғли бўлган. Ўша давр анъанасига кўра, ҳукмдор фақат Чингизхон авлодига мансуб бўлиши керак эди. Дўғлотларнинг бошлиғи, амир Пўлатчи[2] Чиғатой улусидан мустақил бўлган, бироқ Чингизхон авлоди вакили ёрдамида Мўғулистон давлатини тузиш режаси билан чиқади. Бу ўринга 18 ёшга кирмаган Туғлуқ Темур танланади. 1346 йили Пўлатчи Туғлуқ Темурни Ғулжадан Оқсувга келтиради ва 1347 йили уни мустақил Мўғулистоннинг номинал хони этиб кўтаради. Бунинг эвазига Туғлуқ Темур Чингизхоннинг қоидасига кўра, Пўлатчига тўққиз имтиёзни тасдиқлайдиган фармон чиқаради. Биз асаридан фойдаланаётган тарихчи, дўғлотлар вакили Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг ўзи Бобурга аммавачча, дўғлотларнинг ери-Манглай Субени 1514 йилда босиб олиб мустақил Ёркент (Мўғулия) хонлигига асос солган Султон Саидга амакивачча бўлади. Султон Саидхоннинг вафотидан кейин унинг вориси Абдурашидхон I (1533 – 1559) хонликдаги дўғлотлар ҳукмронлигига чек қўяди ва охирги улусбеги, тарихчи Мирзо Ҳайдарнинг амакиси Саид Муҳаммад Мирзони қатл эттиради.

Амир Қозоғоннинг куёви бўлган Туғлуқ Темур Хисрав Боёнқўли билан биргаликда фитна уюштириб, 1358 йили шикор вақтида Амир Қозоғонни ўлдирган. 1360 ва 1361 йиллардаги юришларидан сўнг Мовароуннаҳрни ҳам қўлга киритган. Шундан сўнг бироз муддат, Амир Темур хон билан алоқага киришиб Кешнинг ҳокими бўлган. Мўғулистондаги исённи бостириш мақсадида Туғлуқ Темур Туронни тарк қилган ва Самарқандни ўғли Илёс хўжага берган. Кейинчалик Амир Темурнинг фаолиятидаги «Лой жанги» шу хонга қарши бўлган эди.

---

[1] *Муҳаммад Ҳайдар Мирзо.* Тарихи Рашидий. (Нашрга тайёрловчилар: Ваҳоб Раҳмонов, Янглиш Эгамова). – Т.: Шарқ, 2010. 509 - б.

[2] Ваҳоб Раҳмонов ва Янглиш Эгамова нашридаги “Тарихи Рашидий”да у ғалат тарзда Буложи деб келтирилган. Тарихи Рашидий.– Т.: 2010. - 59 - б.

Туғлуқ Темур 1363 йилининг қишида ўз ажали билан вафот этган ва Или водийсидаги Олмалиқ шаҳри ёнида дафн этилган. Мақбара 2001 йилда Хитой Халқ Республикаси томонидан қўриқланадиган ёдгорликлар рўйхатига киритилган.

Муҳаммад Ҳайдар асарини Туғлуқ Темур зикридан бошлайди : “Туғлуқ Темурхондан кейин ҳеч бир хонга у даража улуғ мартаба, у қадар кўп фатҳ-зафар, у қадар улуғлик ва салтанат насиб бўлмаган... Мўғул хонларининг бу кунлардаги вакили Абдурашидхондир. Бу “Тарих” унинг исмига ва унинг қилган ишларига бағишлаб битилди.”[1]

Туғлуқ Темурнинг аждодлари шажарасини Муҳаммад Ҳайдар қуйидагича келтиради: “Туғлуқ Темурхон Эсан Буғахоннинг ўғлидир. Мана, Эсан Буғахоннинг шажараси: Эсан Буғахон ибн Дувохон, ибн Бароқхон ибн Қаро Ису ибн Мотукан ибн Чиғатой ибн Чингизхон ибн Йасукой ибн Биртон ибн Кобил ибн Тумана ибн Бойқунғур ибн Қайду ибн Думанин ибн Буқо ибн Бузанжирхон, у Аланқува Кўрклукхоннинг ўғли эди. Аланқува жуда пок аёл бўлган.”[2]

Туғлуқ Темурнинг авлодлари: қизлари: Ёдгор ва Тоған; ўғиллари: Илёс хўжа – Мовароуннаҳрдаги ворис (1362 – 1363 й.й.), Мўғулистон хони (1362/3 – 1366 й. атроф.); Хизр хўжа – Мўғулистон хони (1366 – 1399); Давлат хўжа, Зулқарнайн.

Туғлуқ Темурнинг ўғли Илёс хўжа ҳукмронлиги даврида (1362 – 1365) Мўғулистонда феодал тарқоқлик даври бошланади. Оқибатда мамлакатдан бир қанча кичик ҳудудлар ажралиб чиқишади: Еттисувда дўғлотларнинг амири Қамариддин ҳукмронликни ўз қўлига олди, Илида ва Торбағатойда Енга тўра мустақил ҳокимиятни бошқарадиган бўлди. Қанғли ва қарлуқлар эса ҳеч кимга тобеъ бўлмасдан ҳаёт кечиришар эдилар.

1368 йили Ҳизр хўжа Турфонни босиб олиб, Турфон Идуқутлигини батамом тугатади.

XIV асрнинг 70-80 йилларида Амир Темур Мўғулистонга қарши ўнлаб ҳарбий юришларини амалга оширади. 1371 йилда

---

[1] *Муҳаммад Ҳайдар Мирзо.* Тарихи Рашидий. Т., 2010. – 54 - б.

[2] Ўша асар. 58 - б.

Мўғулистоннинг Иссиққўл яқинидаги Саккиз–Эгачагача бориб, кўплаб асирлар ва бойликларни қўлга киритиб қайтади. 1377 йили Қамариддин Амир Темур қўшинлари томонидан икки марта тор – мор этилади. Қамариддин соҳибқирондан ниҳоятда қўрқар эди. “Тарихи Рашидий”да шундай келтирилади: “...Шу орада Амир Темур лашкар тортиб келаётгани ҳақида хабар келади. Қамариддин на отда ўтиришга, на жиловни тутишга мадори бўлмайди. Одамлари уни тўқайга элтиб, иккита чўри ва бир неча кунга етадиган озиқ-овқат билан қолдиришади. Қолган одамлари қочиб кетишади. Кейинчалик уни тўқайдан қанча қидиришмасин, унинг ҳам, чўриларининг ҳам на ўлигини, на тиригини топишолмайди. Одамлар унинг ёмонликларини унута бошлашади» [1].

80 йилларга келиб Мўғулистон ва Оқ Ўрда ҳукмдорлари Амир Темурга қарши сиёсий иттифоқ туздилар. Бунга жавобан Темур 1389 йилдан бошлаб Оқ Ўрда ва Олтин Ўрдага қақшатқич зарба берди. Амир Темурнинг бундай юришларига чидаш бермаган Мўғулистон бўлакларга бўлиниб кетди. Ноилож қолган Ҳизр хўжа ўзини самарқандлик ҳукмдорнинг вассали, деб тан олишга мажбур бўлади. XV асрнинг биринчи ярмида хонликнинг бўлиниши давом этди. Темурийлар Еттисув ва Қашқарга бўлган даъволари билан хонни доимо диққатда ушлаб туришди. Хон ўзининг пойтахтини Олмалиқдан Турфан шаҳрига кўчиришга мажбур бўлди.

Хон ҳокимияти Ҳизр хўжанинг ўғли Муҳаммадхон I даврида (1408 – 1416) кучайди. Мўғулистон темурийлардан мустақилликка эришиб, Талас дарёси атрофидаги ерлар қайтариб олинди. Бир муддатга бიродаркўшлик урушлари тинди.

[1] *Муҳаммад Ҳайдар Мирзо.* Тарихи Рашидий. – Т., 2010. – 65-б.

## *Ёркент хонлиги*

Ёркент хонлиги бир юз олтмиш йилдан ортиқ умр кўрди. Туғлуқ Темур авлоди бўлган султон Саидхон Абул-Фатҳ 1514 йилнинг май-июнь ойларида қўшини билан дўғлотлар амири Мирзо Абу Бакр устидан ғалаба қозониб, Ёркентни эгаллайди ва шу билан Мўғулистондан мустақил бўлган Ёркент хонлигига асос солади. Бу хонликни Мамлакати Мўғулиё деб ҳам аташган. Ёркентда хонлик қилган туғлуқтемурийлар:

Султон Саидхон – Султон Аҳмадхоннинг ўғли, Мўғулиёнинг асосчиси (1514 – 1533). Абдурашидхон I – Султон Саидхоннинг ўғли, 1533 – 1569 йиллар Мўғулиёнинг хони. Абдукаримхон – Абдурашидхон I нинг ўғли, 1569 – 1591 йиллар Мўғулиёнинг хони. Муҳаммадхон III - Абдурашидхон I нинг ўғли, 1592 – 1610 йиллар Мўғулиёнинг хони. Шужжаъаддин Аҳмадхон – Муҳаммадхон III нинг ўғли, 1610 – 1618 йиллар Мўғулиёнинг хони. Қурайшхон II – Юнус султоннинг ўғли, 1618 йили Мўғулиёнинг хони. Абдулатифхон I (Апақхон)–Шужжаъаддин Аҳмадхон ўғли, 1618 – 1630 йиллар Мўғулиёнинг хони. Султон Аҳмад II (Фуладхон)–Зиёуддин Аҳмад Султон (Темур султон) нинг ўғли, 1630 – 1632 ва 1635 – 1638 йиллар Мўғулиёнинг хони. Султон Маҳмудхон II (Қиличхон)–Зиёуддин Аҳмад Султон (Темур султон) нинг ўғли, 1632 – 1635 йиллар Мўғулиёнинг хони. Абдуллахон-Абдураҳимхоннинг ўғли, 1638 – 1668 йиллар Мўғулиёнинг хони. Йўлбарсхон–Абдуллахоннинг ўғли, 1637 – 1665 йиллар Қашқар султони, 1665 – 1667 йиллар Хўтан султони, 1668 – 1669 йиллар Мўғулиёнинг хони. Абул Муҳаммадхон–Абдураҳимхоннинг ўғли, 1637 – 1655 йиллар Чалиш султони. Иброҳимхон–Абдураҳимхоннинг ўғли, 1637 – 1641 йиллар Хўтан султони, 1655 йил Чалиш султони. Султон Саид Бобохон – Абдураҳимхоннинг ўғли, 1637 йил Хами султони. Нуриддинхон – Абдуллахоннинг ўғли, 1641 – 1650 йиллар Хўтан султони, 1650 – 1667 йиллар Оқсув султони. Убайдуллахон – Жўлбарсхон ўғли, 1661 – 1665 йиллар Хўтан султони. Абдулатифхон II – Жўлбарсхон ўғли, 1669 – 1670 йиллар Мўғулиёнинг хони. Исмоилхон – Абдураҳимхоннинг

ўғли, 1667 – 1670 йиллар Оқсув султони, 1670 – 1679 йиллар Мўғулиёнинг хони. Офоқ хўжа томонидан тахтдан ағдарилган. Абдурашидхон II – 1680 – 1681 йиллар Мўғулиёнинг хони. Муҳаммад Эминхон – Султон Саид Бобохон ўғли, 1681 – 1692 йиллар Мўғулиёнинг хони. Муҳаммад Мўминхон (Оқбошхон) – 1692 – 1706 йиллар Мўғулиёнинг хони.

Султон Саидхоннинг янги давлатга асос солганини унинг оғаси Мўғулистон хони Мансурхон хам тан олади. Гарчи Мамлакати Мўғулиёни амалда Саидхон бошқарса-да, у акаси ҳурматига ҳукуматнинг расмий хони деб Мансурхонни эълон қилади.

Султон Саидхон отаси Султон Аҳмадхоннинг ўн саккиз ўғли ва уч қизи бўлган. Улар қуйидагилар:

Ўғиллар: 1. Мансурхон. 2. Искандар султон. 3. Султон Саид. 4. Бобожоқ султон. 5. Шайх Муҳаммад султон. 6. Халил султон. 7. Эмин Хожа султон. 8. Чин Темур султон. 9. Юсун Темур султон. 10. Тўхта Буға султон. Қолган саккиз ўғил гўдаклик даврида вафот этишган.

Қизлар: 1. Лаъл Шод хоним. 2. Моҳим хоним. 3. «Тарихи Рашидий» муаллифи–Муҳаммад Ҳайдар аёли. 4. Ҳадича Султон бегим.

Султон Саидхоннинг тақдири кўп жиҳатдан қариндоши Бобур подшоҳникига ўхшаш кечди. Унинг ҳам ёшлик йиллари жангу жадал ичида ўтди. Отаси Султон Аҳмадхон ва унинг акаси Султон Маҳмудхон билан Шайбонийхон (Шоҳибекхон) га қарши курашларда иштирок этди.

Шайбонийхон Фарғонада Аҳмад Танбал ва Ахси ҳокими Шайх Боязид устидан ғалабага эришгач, унинг қошига келтирилган Султон Саидхонни ўз фарзандидек қабул қилади ва уни ўзи билан Самарқандга олиб кетади. Шайбонийхоннинг Хоразмга қилган юриши чоғида Султон Саидхон Ўзганд орқали Еттикандга амакиси Султон Маҳмуд ёнига қочиб кетади. Сўнг Бобурнинг ёнига боришга қарор қилади ва Қобулга отланади, уч йил Бобурнинг ҳизматида бўлади. Бу вақтда Шайбонийхон Марвда Шоҳ Исмоил томонидан енгилди. Султон Саидхон Бобур подшоҳ билан Қундузга боради ва Бобур подшоҳ каби

Туркистонда зафар топмагач, бахтини ўзга диёрдан исташга киришади.

1514 йили беш минглик қўшинга бошчилик қилган Саидхон Чотиркўл ёнидаги Торугарт довонидан ўтиб, амакиваччаси «Тарихи Рашидий» муаллифи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар дўғлот билан биргаликда дўғлотларнинг ери Манглай Субега[1] бостириб киришади. Дўғлотлар амири Мирзо Абу Бакр устидан ғалаба қозониб Қашқар, Ёркент, Янги Ҳисор, Хўтан, Оқсув каби шаҳарларни бирин-кетин эгаллайди ва келтирганимиздек Ёркент хонлигига асос солади.

Тангритоғ (Тянь-Шань) тоғ тизмасининг жанубидан жой олган бу ҳудуд кейинчалик Қашқария, Олтишаҳар, пискентлик Яқуббек ҳукмронлиги даврида (1867 – 1878 й.й.) Еттишаҳар, рус манбаларида эса XIX асрга қадар Кичик Бухоро деб аталган. 1829 – йили Никита Яковлевич Бичурин (Архимандрит Иакинф) (1777 – 1853й.й.) бу ҳудудни Шарқий Туркистон деб аташ фикрини олға сурди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида рус шарқшуноси Василий Васильевич Григорьев (1816 – 1881 й.й.) “Ғарбий Туркистон” ва “Шарқий Туркистон” терминини 1873 йили нашр бўлган К. Риттернинг “Деҳкончилик. Россия билан тўташ жойлашган Осиё мамлакатлари географияси” номли китобига ёзган “Қўшимчалар”[2] рисоласида ишлатади ва бу атаманинг рус илмида кенг ёйилишига сабабчи бўлади. Айнан В.В.Григорьев дунё илмида биринчи марта Шарқий Туркистоннинг тарихини

---

[1] Манглай Субе - (*дўғлотлар лаҳжасида «Илғор қисм» ёки «Жануб томон» маъносини англатади. “Тарихи Рашидий”нинг В. Раҳмонов ва Я. Эгамова таржимасидаги китобда уни «Қуёшли томон» тарзида таржима қилишган*) шарқи Кусан ва Торбугур, ғарби Сомғар ва Фарғонанинг чекка тумани Жоқисман, шимоли Иссиққўл, жануби Чарчон, Сариқ Уйғур ҳудудлари билан чегарадош эди.

[2] *Григорьев. В. В.* Дополнения. ( *К кн.: К. Риттер. Землеведение. География стран Азии, находящихся в непоредстенных сношениях с Россиею.*) Вып. 2. СПб., 1873., *яна: Риттер К.* Землеведение. География стран Азии, находящихся в непосредственных сношениях с Россией. Восточный или Китайский Туркестан. Перевёл с присовокуплением критических примечаний В. В. Григорьев. Вып. 1. Перевод и примечания, СПб. 1869 (примечания В. В. Григорьева – с.287 – 546)

батафсил ёзиб чиқди. Гарчи бу китоб оддийгина “Қўшимчалар” деб номланса-да, асар 525 саҳифадан иборат. Китобда Шарқий Туркистоннинг қадимги, айниқса, Ўрта асрлар ва янги тарихига оид улкан материал тўпланган. В. В. Бартольднинг тан олишича, асар нашр бўлгандан кейин ярим аср ўтсада, ўзининг аҳамиятини йўқотмади : “ ... Шарқий Туркистон ҳақида Европа тилларида яратилган ҳеч бир манба бу китоб (“Қўшимчалар”-Э. М.) чалик маълумотлар аниқлиги ва тўлалиги жиҳатидан унга тенглаша олмайди”[1]. Бартольд Шарқий Туркистонга оид қиёсий тадқиқот фақатгина Ўрта Осиё ўтмишини ўрганиб бўлингач амалга ошириш мумкин, деган нуқтаи назарни илгари сурди.[2]

Бу ҳудуд жуғрофий жиҳатдан Хитой ва Марказий Осиёни боғлаб турадиган савдо йўллари устида макон тутган. «Андижон-Қашқар (554 км), Пишпак-Қашқар (689 км), Пишпак-Алмати-Қашқар-Ғулжа (854 км), Зайсан-Сарсумба (256 км), Симай-Чунгучак (640 км), Зайсан-Чунгучак (256 км) каби олтита қуруқлик йўл вариантлари билан бирга, Или ва Қора Иртиш дарёлари орқали ўтадиган сув йўли ҳам бўлган».[3]

Ёркент хонлиги таркибига ҳозирги ХХР СУАР (Хитой Халқ Республикаси Синцзян Уйғур Автоном Райони) ҳудудига қарашли Қашқар, Ёркент, Хўтан, Учтурпан, Янгисар, Турфон, Қумул каби шаҳарлар қарар эди. Кейинчалик хонликка Талас дарёси ва “Иссиқ кўл” га туташ ерларнинг бир қисми қўшиб олинди.

Хонликдаги тузум кўп жиҳати билан Марказий Осиёда ҳукмронлик қилган Шайбоний ва Аштархонийлар давлатларига ўхшаш эди. Султон Саидхон (1487 – 1533й.й.), Абдурашидхон (1510 – 1569 й.й.) ва Абдукаримхон (тахминан 1529 – 1591й.й.) ҳукмронлик қилган даврларида хонлик ҳар томонлама мустаҳкамланди, ривож топди.

---

[1] *Бартольд В. В.* История изучения Востока в Европе и России. – Сочинения. Т. 9. – М., 1977. – с. 462.

[2] *Бартольд В. В.* Состояние и задачи изучения истории Туркестана. Т.9., 1977. с. 521.

[3] *Тоҳир Қаҳҳор.* Ҳур Туркистон учун. –Т.: Чўлпон, 1994. – 12-б.

Султон Абдурашидхон[1] – Султон Саидхоннинг тўнғич ўғли, отасининг вафотидан кейин Ёркент тахтини эгаллайди. Абдурашидхон 1510 йили Фарғонада туғилди. Болалик ва ўсмирлик йиллари Фарғонада, кейинчалик Қобулда Бобуршоҳнинг саройида ўтди. 1514 йилда Ёркент хонлиги ташкил бўлгач, отаси султон Сайидхон билан биргаликда Ёркентга келади. Дастлаб йигирма ёшли Абдурашидхон хонлик ҳудудига қаровчи Еттисой тумани бош вазири сифатида фаолият олиб борди. Бироқ, ёш бўлишига қарамасдан у илмнинг турли соҳаларини қисқа муддатда ўзлаштириб олди. Тарихчи Мулло Мусо Сайрамий Абдурашидхонни шундай таърифлаган: "у зиёли хон эди, олдига қўйган мақсадига эришишга қатъий ҳаракат қиларди; шоир ва мусиқа илмининг устози, туркий ва форс шеъриятининг билимдони эди, юнон мусиқаси билан яқиндан таниш бўлган ва "Ишратангиз" мақом[2]ини яратган.

1533 йили Абдурашидхон отаси Саидхоннинг тахтини эгаллади. Ўша йили Саидхон Тибетга қилган юришидан қайтиш чоғида Давлатбегим деган жойдаги Қорақурум довонида нафас қисишдан вафот этди"[3].

Абдурашидхоннинг тўққиз ўғли ва икки қизи бўлган.

Тўнғич ўғли Абдулатиф султон отасининг даврида Оқсув ҳокими бўлган. Қозоқ-қирғиз босқини даврида 29 ёшида вафот этган. Иккинчи ўғли Абдукарим султон (тахминан 1529–1591й.й.). Отасининг вафотидан кейин Ёркент хонлигида муҳим ўрин тутади. У тахтни эгаллагандан кейин отасининг сиёсатини муваффақият билан давом эттирди. Қозоқ ва қирғиз босқинларига қарши кураш олиб борди, шайбонийлар билан алоқани ҳар томонлама мустаҳкамлашга алоҳида эътибор

---

[1] «Тарихи Рашидий»да унинг номини Бобур подшоҳ қуйгани келтирилган: «Хон хабарни Подшоҳга билдирди, у « *Унга Абдурашид деб исм қўй, чунки бу Султон Саид исми билан оҳангдош» деб маслаҳат берди. Шундай қилиб шавкатли «Абдурашидхон» исмини Бобур подшоҳ қуйди, бу ҳақиқатдан ҳам Худо ярлақаган исм бўлди ва у отасининг вориси бўлди*». (Тарихи Рашидий. – Т:. 2010. 209-б.)

[2] Уйғурлар мақомни муқом (ئۇيغۇر ئون ئىككى مۇقامى ) дейишади.

[3]Ясинжан Садиқ Чуғулан. Малика Аманнисахан.–Урумчи (乌鲁木齐),2003.– 36-42 б.

берди. Қоратоғликлар томонидан уюштирилган турли бузғунчиликлар туфайли хон сўфий муршид Маҳдуми Аъзамнинг ўғли Хўжа Муҳаммад Исоқ  Вали ва унинг сафдошларини мамлакатдан четга чиқариб юборди. Учинчи ўғли Муҳаммад султон, акаси Абдукарим султондан сўнг хон бўлган. Тўртинчи ўғли Султон Иброҳим султон ( ёки Адҳам султон), тахаллуси Сўфий султон. 1572–1588 йиллар Қашқар, 1559 йилдан Янги Ҳисор ҳокими бўлган. Бешинчи ўғли Қурайш султон I. Абдулкарим султон даврида итоатсизлик билан бош кўтарган исёнчи сифатида ном қолдирган. Олтинчи ўғли Юнус султон. 1591 йили Қарғалиқ вилояти  ҳокими бўлган. Унинг ўғли Шарафиддин султон 1614 йили Темур султондан кейин ўзини хон деб эълон қилган, бироқ исён туфайли мағлубиятга учраган. Кейинги ўғли Қурайшхон II 1618 йили Шужжоуддин Аҳмадхон вафотидан кейин 9 кун Мўғулияда хонлик қилган. Шунингдек, Абдурашидхоннинг Боқи Муҳаммад султон, Абусаид султон, Абдураҳим султон номли ўғиллари бўлган.

Абдурашидхоннинг қизлари: Хожи хоним ва Бадеул Жалол хоним.

«Тарихи Рашидий»нинг муаллифи Муҳаммад Ҳайдар кўрагон мирзо Ёркент хонлигида яшаб ижод қилди. Унинг етук ижодкор бўлиб етишишида Султон Саидхоннинг айниқса хизмати катта бўлди. Бу ҳақда Муҳаммад Ҳайдар шундай дейди: « Бу фақирнинг онаси шундай бир неча аждодгача ҳаммаларининг онаси хоқонларнинг аммаларидир ва ота тарафдан ҳам ушбу нисбат бордур. Шунчалик бўлишига қарамай мен фақир ўн уч ёшда аянчли етимликда Султон Саидхоннинг хизматларига етдим… Гарчи хоннинг ўғилларидан менга ва туғишганларимга нисбатан энг даҳшатли ёмонликлар содир этилган бўлса-да, буларни менга хон томонидан кўрсатилган марҳаматлар билан қиёслаб ўша ёмонликлардан кўз юмиб, бу тарихни унинг ўғли шарафига қўйдим. У буни қабул қиладими-йўқми, бари-бир, бу мендан унга, ундан эса халққа ёдгор бўлиб қолади.»[1]

[1] *Муҳаммад Ҳайдар Мирзо.* Тарихи Рашидий. – Т., 2010. – 56 - б.

## *Юсуф Қодирхон Ёркендий*

Хонликда амирларнинг икки гуруҳи фаолият олиб боришар эди. Биринчи гуруҳни Султон Саидхоннинг дўсти – Юсуф Қодирхон Ёркендий ва унинг маслакдошлари, иккинчисини – фитначи Мирзо Али Тоғай ва унинг атрофидагилар бошқарар эди. Султон Саидхон вафот этгач, Биринчи гуруҳ шаҳзода Абдурашиднинг Оқсувдан келгунига қадар хонликда тинчликни сақлашга ҳаракат қилган бўлса, иккинчиси ҳокимиятдаги амалларни эгаллаб олиш учун биринчи гуруҳдагиларга қарши турли фисқу фасод гапларни тарқатишди. Айнан шу иғвогарлар зимдан Абдурашидга Юсуф Қодирхон гуруҳининг турли «айб»ларини «фош» қилувчи туҳмат хатини юборишади.

Ёркент тахтини эгаллаган Абдурашидхон Юсуф Қодирхон ва Муҳаммад Ҳайдар тарафидаги кўплаб бегуноҳ амирларни ўлимга буюрди. Муҳаммад Ҳайдар Бадахшонга қочади. Туҳматчилар саройдаги юқори мансабларни эгаллайдилар. Бу ҳақда «Тарихи Рашидий»да шундай келтирилади: «Ҳаммадан ҳайратланарлиси шуки, Рашид султонни алдаган ана шу иккиюзламачиларнинг мартабаларини оширди. Қисқаси, Мирзо Али Тоғайни амакимнинг ўрнига тайинлаб, Қашқарга юборишди. У Қашқарга бориб, бир зум ҳам кечиктирмай амакимнинг зурриётларини қириб ташлашга киришди».[1] Абдурашидхоннинг ўзи майхурликка берилади. Фитначиларнинг кирдикорлари маълум бўлгач, Мирзо Тоғай қочиб кетди. Қолган фитначиларни боғлашиб Абдурашидхоннинг олдига олиб келишганда, султон уларнинг қонидан кечиб, ҳайдаб юборди.

Юртининг келажаги учун қайғурган Юсуф Қодирхон ўзининг илғор фаолияти билан аста-секин яна Абдурашидхон назарига тушади ва Бош вазир вазифасига тайинланди. Бу шахснинг Ёркент хонлиги тарихида хизмати ниҳоятда катта. Унинг ободончилик, маърифатпарварлик ва илм ривожига қилган ҳомийликларини Алишер Навоийнинг Ҳиротдаги

---

[1] *Муҳаммад Ҳайдар Мирзо.* Тарихи Рашидий. – Т., 2010. – 214 - б.

фаолиятида қиёслаш мумкин. Хон айнан унинг таъсирида ўзининг айбларини англаган ва отаси бошлаган ислоҳотларни давом эттирган.

Юсуф Қодирхон Ёркент хонлиги даврида яшаб ижод қилган давлат арбоби бўлиш билан бирга машҳур уйғур олими, шоири ва мусиқашуноси бўлган. У Аёзий, Мавлоно Ҳулқий, Нафисий, Мирзо Мирак Чалиший каби шоир ва мусиқашунослар билан миллий маданият ривожига муносиб ҳисса қўшди. Юсуф Қодирхоннинг ўзи «Девони Қодирхон» номли девон тартиб берган. Алишер Навоийнинг ғазалларига мусиқа басталаб «Висол» деб номланувчи мақомларни ижод қилди. Унинг овози ниҳоятда ширали бўлиб, хушовоз хонанда ва созанда сифатида ҳам танилган. Унинг Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидан кўплаб шогирдлари бўлган. Аманнисанинг устози ва мураббийи Юсуф Қодирхон Абдурашидхон вафотидан икки йил ўтгач, 1571 йили вафот этади.[1]

Ўша даврда Ёркент хонлигида қуйидаги адиблар яшаб ижод қилишган: Ҳанифий, Ҳўпиқий, Мулла Отиф, Бобо хўжа Охун Хўтандий, Охун Мулла Шоҳ хўжа, Мулла Ҳабиб, Муҳаммад Эмин Зеҳний, Мирза Шоҳ хўжа, Мулла Жуний хўжа, Мулла Фозил.

Улар қатори бу даврда таниқли шоир ва мутаффакир Муҳаммад бинни Абдулла Харобатий (1638 – 1730 й.й.) яшаб ижод қилди. У Оқсув шаҳридаги мадрасаи олияда мударрислик қилиш билан бирга имом ва муршид сифатида ҳам фаолият олиб борди.

Абдурашидхон нафақат султонлик қилди, балки Бобуршоҳ ва Ҳусайн Бойқарога тақлидан ижодкор сифатида ҳам ажойиб асарлар битди.

[1] *Мулла Исматулла Можизий*. Таварихи мусиқиюн. – Пекин, 1982. –58-59 б. (уйғур тилида).

## *Аманнисахон*

Хитой ҳудудидаги туркий адабиёт ва санъатнинг ривожида Нафисий тахаллуси билан шеърлар ёзган Аманнисахоннинг ўрни катта бўлди.

Ёркент хонлиги тикланиш даврида яшаб ижод қилган Аманнисахон шоир, сиёсатчи, олим, мусиқашунос ва хушовоз ҳофиз бўлган. Халқ орасида у ҳақида кўплаб ривоятлар яратилган. Унинг фаолияти тадқиқига бағишланган биринчи манба Мулла Исматулла бинни Мулла Негматулла Можизийнинг «Таварих мусиқюн»[1] асари ҳисобланади.

Аманнисахон 1534 йили Таклимакон даштида Тарим дарёсининг қирғоғидан жой олган Мокит туманида ўтин сотувчи Маҳмуд оиласида дунёга келди. Онаси Гулжамила уй бекаси бўлган.

Аманнисахон  саккиз ёшга кирганда онаси вафот этади. Қизининг тунд кайфиятини кўтариш учун Маҳмуд кечалари унга уйғур муқомлари ҳақида сўзлар, шеърлар ёдлатар, тамбур ва сеторда мусиқа чалишга рағбатлантирар эди. Аманнисахон қишлоқ мактабида иқтидорли домла қўлида ўқиган кўринади. Чунки ўн уч ёшга етган Аманнисахон шоир ва бастакор сифатида атрофга танила бошлаган эди.  Унинг ҳаттотлиги ҳам тенгқурлари ҳавасини келтирарди, қизиқ жиҳати шунда эдики, бу ёзувлардаги ҳарфлар кулиб тургандек тасаввур уйғотарди.

«Таварихи мусиқиюн» муаллифи Ёркент хонлиги ёш шаҳзодаси Абдурашидхон билан Аманнисанинг дастлабки учрашуви ва уларнинг кейинги тақдири ҳақида қуйидаги мазмунда маълумот келтирган:

Овни яхши кўрган шаҳзода соқчилари билан Тарим дарёси қирғоғидаги ўрмонга бориб ов қилади. Абдурашидхон одатига кўра кечалари деҳқонча кийиниб, оддий кишиларнинг амалдорларга бўлган муносабатини билиб олиш учун яқиндаги қишлоқларни кезиб чиқишга одатланган эди.

Овдан сўнг султон хос соқчиси Акрам билан бир  камбағалнинг уйига бориб, тунашга рухсат сўрайди. Маълум бўлишича уй эгаси

[1] Қаранг: *Мулла Исматулла Можизий.* Таварихи мусиқиюн. – Пекин,1982. - 68-65 б.

Маҳмуд ўтинчи деган киши экан. Қўноқ уй бурчагида турган қимматбаҳо тамбурни кўриб соҳибдан куй чалиб беришни илтимос қилади.

Маҳмуд уни чала олмаслигини айтиб узр сўрабди ва бу тамбурни қизининг илтимосига кўра сотиб олганлигини тушунтирибди. Шунда меҳмон мезбоннинг қизи Аманнисахонга мурожаат қилибди. Қиз «Панжгоҳ»ни ўзининг басталаган шеъри жўрлигида шундай қойилмақом ижро этибдики, қўноқ ҳайрону лол қолибди. Шаҳзода сўрабди: «Нафисий деган шоирнинг шеърини куйга солиб куйладингиз, ким бўлди бу Нафисий дегани? Мен ундай шоирни ҳеч эшитмаган эканман». Қиз жавоб берибди: «Нафисий – менинг тахаллусим». Бу жавоб шаҳзодани янада ҳайратга солибди.Ўн тўрт ёшли қиз наҳотки шундай шеърларни ижод қилиши мумкин?

Шаҳзода илтимосига кўра ёш шоира бир қанча шеърлари ёзилган жимжима китобчасини кўрсатибди. Ундаги сатрлар ажойиб бир тизим билан чиройли ҳуснихатда ёзилган экан. Мулла Исматулла Можизий келтиришича, Аманнисахоннинг хати унинг гўзаллиги билан рақобатлашадиган даражада бўлган. Шаҳзода қизнинг шоирлигига ва хат муаллифи масаласида шубҳалангандек бўлибди ва қиздан унинг гувоҳлигида шеър тўқишни сўрабди. Ишончсизлик ориятига теккан қиз аразлагани ҳолда қуйидаги байтни қоғозга туширди:

«Худо, бу банда манга толимга гумонлик кўзда қаради,
Гўё бу уйда бугун оқшом мен учун бир тикан унди».

Султон кулиб жавобида Аманнисахонга тан берганини ва унинг устидан кулмаслигини айтибди. Қўноқлар хайр-хуш қилиб, мезбон уйини тарк этишди. Можизийнинг келтиришича, тегин (шаҳзода) ва қиз бир-бирларини дастлаб кўрганларидаёқ ёқтириб қолишган экан.

Бироздан кейин бошига тож ва устига хон кийимини ёпиниб, ўзи билан ўнта қўй, кўплаб ипак ва атлас матоларни олиб, қирқ аъёни билан Маҳмуд ўтинчи хонадонига Абдурашидхон совчиликка ташриф буюрибди. Воқеани англаган Маҳмуд «Аманнисанинг ўзи ҳал қилсин, рози норизолигини, шунингдек, қалиннинг миқдорини ҳам» – дебди.

Қиз ўша йигитни кўриб кувониб рози бўлибди. Жавобида қалин учун сотилмаслигини, муҳаббат билан эрга тегишини билдирибди. Аманнисахон султондан фақат бир нарсани, сувсизликдан қийналаётган қишлоқдошлари учун анҳор қаздириб беришни илтимос қилди.

Тўйдан кейин султон Абдурашидхон ва малика Аманнисахон биргаликда 20 йил бахтли ҳаёт кечиришди. Ёш малика олий насаб бўлмаганлиги учун саройдаги айрим аъёнлар - хоннинг онаси, чўнг хотини, айрим амир ва хўжалар томонидан ғайри дўстона тарзда қабул қилинди.[1] Қизиқ томони шуки, Абдурашидхоннинг онаси ҳам асли аслзодалардан эмас эди. Бу ҳақда «Тарихи Рашидий»да шундай дейилган: «Абдурашидхоннинг онаси оддий одамлар авлоди бўлиб, хоннинг хизматини қилсин, деб уни хонга олиб беришади...»[2]

Айниқса, айрим диний арбоблар хон оиласининг ёш маликага бўлган менсимаслик қарашларини тўлиқ қўллаб-қувватлашар эдилар. Улар мусиқачиларнинг кунсайин саройни эгаллаб олаётганлигига, боқимандалигига, санъаткорларга кўп маблағ сарфланаётганлигига, ёш маликанинг шариат қонунларини бузаётганлигига, очиқ юз билан муқомчилар қатори қўшиқ айтаётганига урғу беришар эдилар.

Илм-фан, санъат ва шеърият кушандалари султон Абдурашидхоннинг қатъий қаршилигига учрашди. Султон томонидан чиқарилган фармон ва яратиб берилган шароит туфайли малика илм-фан, санъат ва шеърият билан шуғулланди, «Девони Нафисий», «Қалблар шарҳи»; ёш қиз - аёллар одоби ва хулқига бағишланган «Аҳлоқи Жамила» рисоласи шулар жумласидандир.

Саройда ёшларнинг муқомларни ижро қилувчи ва ўрганувчи гуруҳлари фаолият олиб борди. Аманнисахоннинг ўзи шогирдлари ҳамкорлигида муқомлар ижросида фаол қатнашди. Иқтидорли қизлар учун ҳаттотликнинг нозик сирлари, ҳуснихатнинг тизимларига оид дарслар ташкил этилди. Ушбу санъатни эгаллаган моҳир уста қизлар маликанинг кўрсат-

---

[1] *Ясинжан Садик Чуғулан*. Малика Аманнисахан. – Урумчи, 2003. – 91-101 б.

[2] *Муҳаммад Ҳайдар Мирзо*. Тарихи Рашидий. – Т., 2010. – 208 – б.

масига кўра адабиётга, илм-санъатга бағишланган ноёб қўлёзма асарларни кўчирдилар. Аманнисахоннинг ўзи эса тунлари бедор нафис ва бетакрор хати билан хожаси султон Абдурашидхоннинг, Аёзийнинг, устози Юсуф Қодирхон асарларини шахсан китобат қилди.

Аманнисахон 1567 йили 34 ёшида фарзанд кўрар чоғида жон берди. Бола тирик қолди. Унинг вафоти халқи учун, илм ва санъат учун катта йўқотиш бўлди. Абдурашидхон севикли маҳбубаси вафотини кўтаролмади, мажнун сифат бўлиб, икки йилдан сўнг 1569 йилда фироқ азобида дунёни тарк этди.





## Аманнисахон қиёфаси талқинлари

Асосан Абдурашидхон давридан бошлаб Қашқар, Ёркент, Хўтан, Оқсув вилоятлари тоғ ва металл саноати марказларига айланишади. Ипак ва пахта газламаси саноати ривожланади. Хўтан нефритни қайта ишлаш тармоғи ва гиламлари билан шуҳрат қозонди, заргарлик буюмларини нафис дид билан ясашда Қашқар ва Ёркент усталарига етадиганлари йўқ эди. Савдо ва товар-пул муносабатларининг ривожланиши оқибатида олтин, кумуш ва мис тангалар-дирҳамлар зарб этилди.

Хитойнинг марказий ўлкалари, Афғонистон, Марказий Осиё, Эрон, Россиянинг шимолий ҳудуди, Ҳиндистон ва араб давлатлари билан фаол савдо муносабатлари йўлга қуйилди.



## Аманнисахон мақбараси

Ёркент хонлигида фан ва маданият катта суръат билан ривожланди. Қашқар, Ёркент каби шаҳарлар илм ва маърифат ўчоғларига айланди. Айниқса, Қашқар бу жиҳатдан шуҳрат топди. Шаҳарда XIII асрнинг иккинчи ярмида унинг асосчиси 1289 йилда вафот этган Масъудбек номи билан аталган Масъудия мадрасаси фаолият кўрсатди. Қашқардаги "Ҳоқония" мадрасаси ва Ёркентдаги "Хон кутубхона", "Хонлик мадраса", Муҳаммадхон (1000 – 1018/1591 – 1609 й.й.) томонидан қурилган яна бир мадраса кабиларнинг шуҳрати қўшни мамлакатларга ҳам ёйилди. Ёркентнинг ўзида ўнга яқин мадраса фаолият олиб борди, улардан мамлакат ва чет элда машҳур бўлган "Рашидия" мадрасаси бош олийгоҳ мақомига эга бўлди. 1874 йилда амалда фаолият кўрсатаётган мадрасаларнинг сони 29 тага етди.

Мадрасаларда география, математика, фалсафа, медицина, шариат ва диншунослик, араб, форс, урду, туркий, хитой тиллари, ҳаттотлик ва матншуносликка оид фанлар ўқитилар, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Фаридиддин Аттор каби мутафаккирларнинг асарлари ўрганилар эди. Бунда Марказий Осиёдан борган диний арбоб(хўжа)лар ва улар авлодларининг ҳам муносиб ҳиссалари бўлган. Бироқ кейингилардан айримларининг ҳокимиятга, сиёсатга аралашишлари эл қисмати учун аянчли ҳолатларга олиб келганлиги ҳам тарихдан маълум.

## Машраб, Офоқ хўжа ва Далай Лама V муносабатларига доир

Ўтмишда кўпчилик диний арбоблар, тасаввуф намоёндалари эл маънавияти равнақи йўлида самарали фаолият олиб борганлар. Бу жиҳатдан айниқса, Нажмиддин Кубро, Баҳоваддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрори Валий, Маҳдуми Аъзам Косоний кабиларнинг хизматлари улуғ бўлди. Уларнинг етук издошлари, авлодлари ҳам буюк аждодларининг Ҳақ ва халқ йўлидаги эзгу ишларини муносиб давом эттирдилар. Бироқ диний арбоб, муршид деб ном чиқарганларнинг барчасини бир даражада билиш, уларга тенг муносабатда бўлишда эҳтиёт шарт кўринади. Жумладан, Офоқ хўжа масаласида ҳам. Дарҳақиқат, Машрабга устоз деб билинган ва иккисининг ўртасида пайдо бўлган келишмовчиликнинг бош сабабчиси сифатида талқин қилинган Офоқ хўжа аслида ким бўлган? Айрим тадқиқотчилар бу эшон тўғрисида фикр билдиришганда, уни “Замонасининг энг улуғ авлиёларидан бири”, “Диннинг уфқи, осмони”, “Қутби олам хожаси” деб улуғлашдики, “Девонаи Машраб” қиссасида Офоқ хўжа дарҳақиқат, шундай таърифланган. Ўтмиш манбаларида диний арбобнинг бадиий сиймо сифатидаги талқини ўзгача бўлиши мумкин эмас эди. Офоқ хўжа диний арбоб сифатидаги вазифасини рисоладагидек уддалаганки, бу ҳақда адабиётларда етарлича фикрлар билдирилди. Шу аснода бу шахснинг ёритилмаган жиҳатларига эътибор қаратишни лозим топдик. Келтирилаётган фикрларда ҳам балки камчиликлар бордир, бироқ Қашқарда олиб борган фаолиятимиз, ўрганилган тарихий-адабий манбалардаги маълумотлар қуйидагича хулосалар ясашга изн беради:

Маҳдуми Аъзам Косонийнинг (Ҳақиқий исмлари - Сайид Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Хожагий Косоний. «Маҳдум» сўзининг луғавий маъноси – Хазрат, Хожа; «Аъзам» сўзи – буюк, улуғ маъноларини билдиради.) вафотларидан (1542 йил) кейин тўнғич ўғли Имоми Калон (Эшон Калон, хўжайи Даҳбидий) ва кенжа ўғил хўжа Муҳаммад Исоқ Вали Шарқий Туркистоннинг асосий диний арбобига айланиб, уларнинг ҳар бири алоҳида бир диний тариқатни яратишган. Маҳдуми Аъзамнинг кичик бекаси, Хўжа Муҳаммад Исоқ Валининг

оналари асли қашқарлик бўлиб, қорахонлилар давлатининг асосчиси, Қашқар ва Еттисув орасида яшаган кўчманчи туркийлар орасида исломнинг ёйилишида муҳим ўрин тутган Султон Сотуқ Буғрохон ғозий (942 – 955 й.й.) нинг авлоди бўлган. Айнан шу ҳолат Маҳдуми Аъзам Косоний авлодларининг Ёркент хонлигида муқим қарор топишига асос бўлди. Имоми Калон бошчилик қилган оқтоғликлар жамоаси (тариқатнинг яна бир номи “ Ишқия”) ва Исҳоқ Вали асослаган қоратоғликлар йўналиши (тариқатнинг бошқа бир номи “Исҳоқия”) вакиллари ўртасида дастлаб диний масалаларда ўзаро зиддиятлар пайдо бўлди ва бу қарама-қаршиликлар ҳатто уларнинг учинчи авлод вакиллари даврида ҳам давом этди. Тариқатларнинг бундай номланиши географик жиҳат билан ҳам боғлиқ. Дарҳақиқат, Ёркентни ўраб турган тоғлар – Қоратоғ, Қашқар атрофидаги тоғлар Оқтоғ деб номланган. XIX аср рус шарқшуноси Чўқон Валихановнинг келтиришича, бу тариқатлар ривожланиб, Олтишаҳар эли икки муросасиз душман қутбга ажралиб бўлингач, энди кун тартибидаги диний келишмовчиликларга, сиёсий ҳукмронлик даъволари ҳам қўшилди. Жунғорлар кўмагида диний ҳокимиятни эгаллаган оқтоғликлар раҳбари Офоқ хўжа даврида бу зиддиятлар янада кескинлашди.[1]

Офоқ хўжа (уйғурларда – Апақ хожа)нинг ҳақиқий исми Ҳидоятуллоҳ хўжа ибн Муҳаммад Юсуф. Ўтмишда Шарқий Туркистонга келган мусулмон дини пешволарини асосан “эшон”, “хўжа”, “сайид”, “тўра” каби қўшимча номлар билан аташар эдилар. Улар моҳиятан синоним ҳисобланади. Маъноси “олий жаноб”, “диний арбоб”нинг мазмунига тенг. Бу номларнинг биринчиси ва иккинчиси – форсча, учинчиси – арабча, тўртинчиси – туркийча.

Ҳидоятуллоҳ хўжа 1625 йили Қумул шаҳрида таваллуд топади, 12 ёшида отаси Муҳаммад Юсуф билан Қашқар шаҳрига кўчиб келади. Секин-аста XVII асрнинг иккинчи

---

[1] Қаранг: *Валиханов Ч.* О состоянии Алтышара или шести восточных городов Китайской провинции Нан-Лу (Малой Бухарии) в 1858 – 1859 годах . А.-А., 1985. с. – 127.

ярмида йирик эшон сифатида шуҳрат қозонади. Маҳаллий халқ Ҳидоятуллоҳ эшонни айниқса, буюк бобоси ёди ҳурматига уни тавоф қиларлик даражада эъзозлашар, ночор вазиятга тушиб қолишганда "Ё, пирим", ёки "Ё Баҳоуддини Балогардон» дейиш ўрнига шу пирнинг номини айтиб мадад. Офоқ хўжанинг диний арбоб сифатида Ёркент хонлигида нақшбандия тариқатини ёйишда албатта хизматлари бўлган.

Вақт ўтгани сайин Ҳидоятуллоҳ хўжада ҳукмронликка интилиш туйғуси пайдо бўлди. Оқтоғликлар муршиди дастлаб қўл остидагиларга, аста-секин амир - амалдорларга ва ниҳоят хоннинг ўзига ҳам таъсир ўтказа бошладики бунинг самараси ўлароқ фавқулодда катта ҳуқуқларни ва моддий бойликларни қўлга киритди. Отаси Муҳаммад Юсуфдан қолган Қашқардаги 40 дан ортиқ мевали боғдан ташқари энди Ҳидоятуллоҳ хўжанинг мачитига 43.470 гектар унумдор ерлар, 50га яқин жуфт тегирмонли қўрғонлар, 15 дала ҳовли кабилар вақф қилиб берилди.



**"Оқтоғлик" ва "қоратоғлик"ларнинг бадиий тасвири**

XVII асрнинг асосан 60 йилларидан сўнг яъни, диний ҳокимиятни (норасмий сиёсий ҳокимиятни ҳам, чунки ҳеч бир сиёсий қарор унинг ижозатисиз қабул қилинмасди) эгаллагандан сўнг Ҳидоятуллоҳ хўжанинг муридлари сони тез суръатлар билан ўсди. У томон нафақат маҳаллий ерлардан, балки Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларидан муридлар оқиб кела бошлади. Пирнинг талаби билан оқтоғлик шогирдлар бошқалардан ажралиб туриш мақсадида бошларига (қирғиз қалпоқлари андозани шу бош кийимдан олган кўринади, дарҳақиқат, оқтоғликлар орасида қирғизларнинг нисбати айниқса катта эди) оқ қалпоқ кийишлари лозим эди.

Хуллас, Наманагандан эшон зиёратига зўр иштиёқ билан отланаётган Машраб ғойибдаги пирига атаб шу мазмунда бир қатор шеърлар ёзади:

Қани Офоқ хўжам, пирим бу жоним айласам қурбон,
Ки топмай хоки пойини юрубман волаю ҳайрон...[1]

Раҳимбобо Офоқ хўжа манзилига 1663 йилда, совуқ тушиб қолган вақтлари келади. Дастлабки савол-жавоблардан сўнг пир бўлажак шогирд шеърларини эшитиб ҳайратга келади ва унга Машраб[2] тахаллусини беради. Раҳимбобо устозининг пири комиллигига тўла ишонч билан унга бағишлаб шеърлар ёзади. Бир – икки йиллик таҳсилдан кейин Машраб иккинчи марта Самарқанд зиёратини амалга оширади. Машраб Самарқандга келгач "Шоҳи Зинда", "Гўри Амир" каби мақбараларни зиёрат қилади, сўнг Даҳбеддаги Офоқ хўжанинг аждодлари, жумладан, чўнг бобоси Маҳдуми Аъзам қабрларини тавоф айлайди. Бу ҳақда Машраб бир шеърида шундай дейди:

Неча бир кун Даҳбед ичра истиқомат айласак,[3]
Хўжаи Офоқ[4] ни ҳар дам зиёрат айласак,
Қўл бериб, хизмат қилиб, гаҳ базми суҳбат айласак,
Рухсат олиб боз алардин роҳ азимат айласак,
Маъдани илму адолат деб Бухор истар кўнгил...

Самарқанд сафари якунлангач, Машраб Бухоро тарафга юзланади ва йўлда Каттақўрғонга ўтади. Буни шоирнинг шу мухаммасидаги қуйидаги банди асослайди:

Йиғласак қилган гуноҳга чашмадек узлат тутуб,
Гоҳ сайри тоғ айлаб, лола янглиғ доғ ўлиб,
Юрса тоҳир сув бўлур, мурдор ҳар ерда туруб,
Топмасак Сўфий изини Каттақўрғонда юруб,
Қўши Оллоёр деб азми Ҳисор истар кўнгул...[5]

---

[1] Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 467-б.

[2] Табиат, хулқ , ичимлик, мазҳаб каби маъноларни билдиради.

[3] «айласак» истаги сўз ўйини сифатида «айла сак» буйруғини, яъни «айла ит» маъносини ҳам англатади. Бу ҳолатда шоир ўзининг "ғаддор" нафсига мурожаат қилиб, уни Ҳақ йўлга ундаётган бўлади.

[4] Маҳдуми Аъзам қабрлари ва руҳонияти назарда тутилмоқда.

[5] Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 421-422 - б.

Каттақўрғонда Сўфи Оллоёр билан дастлабки учрашуви рўй беради. Бир ривоятда келтирилишича, Машраб Сўфи Оллоёрнинг манзилига етганда пахса девор ўраётган бир кишига дуч келади. “Ассалому алайкум, тақсир, ташрифимиздан мақсад Сўфи Оллоёр керак эди, бир кўрсак”, деган эканлар. Пахсачи ишни тўхтатибди ва Машрабга қараб “Ўша кўр сак (кўр ит – Э.М.) биз бўламиз” деб сўз ўйини қилиб жавоб берибди[1]... Зиёратларни амалга оширган Машраб яна пир ёнига қайтиб боради. Афтидан, қайтишда Тошкентга, жумладан, Занги ота мақбараси зиёратига ўтади, у ерлик диний арбоблар билан суҳбатда бўлади. Қиссада келтирилган маълумотга ишонсак, Машраб тошкентлик бузруквор шайх Нуриддин билан унинг ҳаётининг сўнгги дамларида учрашади ва эшоннинг вафотидан кейинги маъракасида иштирок этади. Ушбу диний арбобнинг Машраб фаолиятининг бир қисмини ёритишдаги аҳамияти нуқтаи назаридан унинг аслида бўлган-бўлмаганлигини аниқлаш зарурати борга ўхшайди.

Юртини зиёрат қилиб келгандан кейин Машраб Қашқарда етукликка эришган толиб сифатида танилади. Бироз вақтдан кейин устоз шогирд муносабатларидаги илиқлик совий бошлайди. Наманган мактабини битирган, Самарқанд ва Бухоронинг етук уламолари суҳбатини олган Раҳимбобо Қашқарда айрим диний “уламо”ларнинг худбинона фаолиятига, пиру муридлик муносабатларининг издан чиқиб кетганлигига гувоҳ бўлади. Энг ёмони, бундай “арбоб”лар фаолияти дин ниқоби остида амалга оширилардики, содда эл сазойи бўлишликдан қўрқиб, уларнинг амрларига сўзсиз итоат қилишар эди. Бироқ

Илоҳо, Машрабингни йўл юрарда аҳли иймон қил,
Сайиду хожаву ҳам дарвеш қилма, мусулмон қил…[2]
Шуҳрат айлаб ким алардек худнамоларни кўрунг,
Зоҳири сувратпараст ноошноларни кўрунг.
Йўлни билмас уммийларнинг кўзига ориф бўлуб,
Ўзи манзилга етолмай нобиноларни кўрунг.

[1] Дарҳақиқат Сўфи Оллоёрнинг кўзи бироз ожиз бўлган, “Сабот ул ожизин” асарининг номланишида ҳам бунга шаъма бор.

[2] Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 372-б.

Барчага айлар насиҳат ўзини доно этиб,
Йўлда қолған бекасу бераҳнамоларни кўрунг.
Куфру иймонни билолмаслар, каромат айлабон,
Тоату тақво билан соҳибриёларни кўрунг.
Ўзини айбин ёпиб, халқ айбини ифшо қилиб,
Зоҳиру ботинда мундоғ норасоларни кўрунг.
Ҳар киши сўрса насабдин, дам урарлар нафс учун,
Ботини-фиръавну зоҳир авлиёларни кўрунг.
Лоф урарлар орифи якдиламан деб халқ аро,
Халқни гумроҳ қилиб, юзи қароларни кўрунг.
Зоҳирида сўфийман деб тарки дунё айлаган,
Ботини дунёга мойил бахт қароларни кўрунг.
Ўзининг авлодини халқ ичида ифшо қилиб,
Танда йўқ маъно, қуруқ номи сароларни кўрунг.
Шуҳратим офат бўлур деб Машрабинг қўл олмади,
Кўзда ёшим қатраси дурри бақоларни кўринг.[1]

Ёки:

Сан, эй зоҳид, бориб меҳробға қил нозук адолиғни,
Жаҳонда кўрмадим ҳаргиз киши сандек риёлиғни.
Залолатпешалиғни аҳли дунлар сандин ўргангай,
Мунофиқ, бадписандлиғ ҳам таъмагир, рўсиёлиғни.
Риё тоат қилиб кундузлари ўзни дебон муршид,
Кечадин тонг қадар қилғунг ўзингдек юз қаролиғни.
Аё Машраб, деди зоҳид, гуноҳинг беҳисоб эрмиш,
Агар афв айласа Саттор, кечар сонсиз гунолиғни - [2]

дейишга журъат эта олган Машрабнинг ҳақ сўздан тап тортмаслиги, динни рўкач қилиб хоҳлаган номаъқулчиликка қўл ураётган, элнинг сўнгги чақасига қадар юлиб парча нонга зор қилаётган, Қашқарнинг ёш сулув қизлари билан ҳарамини янгилаётган сохта “пир”ларнинг риёкорликлари ва фитналарига қарши исёни охир-оқибат Ҳидоятуллоҳ хўжа ва Машраб ўртасида зиддиятни пайдо қилди.

Ҳидоятуллоҳ хўжа канизакларидан бири билан учрашган Машрабни қаттиқ жазолайди. “Девонаи Машраб” қиссасида келтирилишича, Раҳимбобонинг бўйин томири куйдирилган (Шу сабабли Машрабнинг айрим замондошлари уни “раги

[1] Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 74-б.
[2] Ўша асар. 96-б.

гардан (бўйин томири)” деб аташган – Э.М.) ва саройдан қувилган. Аслида бу чора Ҳалложни айбдор қилиш учун зоҳидлар унинг “Анал Ҳақ” иборасига “ёпишиб” олгандек, Машрабнинг “гуноҳкор” деб топилиши учун бу висол унинг “Ҳақ сўздан тап тортмас”лигини жазолаш учун ўйлаб топилган бир баҳона эди, холос.

Айрим ҳурматли тадқиқотчилар Ҳидоятуллоҳ хўжа томонидан Машрабга нисбатан қўлланилган жазони қиссаларда келтирилганидек каромат деб билишди. Бу хил жазо билан инсон валий бўлиб қолаверса... Инсоф қилиб айтганда, Ҳидоятуллоҳ эшоннинг пир сифатида бўлса-да, Машрабга нисбатан бу хил жазонинг қўллашига ҳеч қандай маънавий ҳуқуқи йўқ эди. Машрабнинг қиз билан учрашиши ислом таълимоти бўйича ҳам айб эмас. Ўша давр тақозосига кўра эса ношаърий висолнинг гувоҳлари бўлиши ва унга тайинланадиган жазо турининг шариат аҳкомларига мувофиқ белгиланиши лозим, бундан эса Ҳидоятуллоҳ хўжадек диний арбобнинг бехабар бўлиши асло мумкин эмас эди. Ҳидоятуллоҳ хўжа пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг кишининг яхши ёки ёмон ҳаракатларига баҳо берувчи, уни рағбатлантирадиган ёки жазолайдиган ҳукмларидан, суннатларидан чекиниши, ўзининг ташаббуси билан ғайри инсоний жазони ўйлаб топиши унга ҳеч ҳам фазилат бўлолмайди, қолаверса ушбу эшоннинг дунё неъматлари, лаззатлари ва бойликларидан пархез қилмаганлиги дарҳақиқат, унинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатади. Шу нуқтаи назардан Абдурауф Фитратнинг 1930 йилда “Илмий фикр” ойномасида нашр бўлган “Машраб” номли мақоласидаги ушбу фикрлар ҳам диққатга молик: “Офоқ хўжа Қашқар халқини яхшиғина алдай олғон, ўзи учун жуда катта давлат таъмин қилғон эди. Ташқарида унинг хизматида бир кўп муридлардан бошқа сотиб олинғон, ҳадя қилинган бир кўб қуллар, ичкарида эса унинг “хизмати”га тайёр бир кўб чўрилар бор эдилар”.[1]

Ҳидоятуллоҳ хўжага ғоявий рақиб бўлган бошқа бир эшонлар гуруҳи - қоратоғликлар ҳам бу вақтда ўз атрофига

[1] *А. Фитрат.* Машраб //Илмий фикр.-1930.-№1.

муридларни йиға бошлашди. Оқтоғликлар Қашқар яқинидаги Артуш шаҳрида, қоратоғликлар Ёркент тарафда жам бўлишди. Бу диний арбоблар ўзларининг нуқтаи назарларидан олға сураётган маънавий камолотдан ташқари Ёркент хонлигида ҳукмронликни ҳам қўлга киритишни мақсад қилиб олдиларки, бу кураш гоҳ ошкоро, гоҳ пинҳона амалга оширила бошлади. Бир элат, бир динга сиғинадиган эл икки қарама-қарши тоифага бўлиниб, рақиб гуруҳдагилар муросасиз душман деб эълон қилинди, натижада кўплаб бегуноҳ кишиларнинг қони тўкилди. Ёркентда ижтимоий тараққиёт ўрнига парокандалик, биродаркўшлик, иқтисодий таназзул ва маънавий тушкунлик авж олди.

Ҳидоятуллоҳ хўжа Ёркент хони Исмоилхон (ҳукмронлиги даври 1670 – 1679 й.й.) диққатининг сусайганидан ва халқ орасида ўзининг таъсир доираси кенгайлигидан фойдаланиб, хонлик тахтини эгаллаш ҳаракатига тушади. Диний муршиддан бундай ишни кутмаган Исмоилхон 1671 йили Ҳидоятуллоҳ хўжани мамлакат ҳудудидан чиқариб юборади. Ёркент хонлигини тарк этган эшон бир вақтлари нақшбандия тариқатини ёйиш мақсадида сафар уюштирган отаси Муҳаммад Юсуф сингари Хитойнинг Ганьсу вилоятига ва Цинхай (Кўкунор) кўли атрофига бориб Хуэй (дунган), Дунсян, Солор эллари орасида сўфийлик ғояларини тарғиб қилади. Сўнгра Ҳидоятуллоҳ хўжа у ердан Кашмирга, у орқали Тибетга ўтади.

Ўша вақтда Тибет Жунғория хонлигига қараган бўлиб, бу хонлик ўз ҳукмронлиги даврида (1635-1757 й.й.) Ёркент хонлиги тақдирида муҳим ўрин тутди. Жунғория хонлигига мансуб ойротлар  Россия, Туркистон, Хитой билан фаол ташқи сиёсатни олиб борган. Ойрот қабиласи таркибига торгоут, дэрбэт, чўрас, хошоут, хойт уруғлари кирар эди. 1204 йили ойротлар найманлар ва қора хитой(кидан)ларнинг кўчиши ҳисобига Чингизхон давлати аҳолиси таркибига киришди. Унгача ойротлар Сибир ва Шимолий Мўғулистоннинг тоғли совуқ ўлкаларида яшашган ва «ўрмон одамлари» сифатида танилган. Ойротлар умуммўғул қўшинига 4 туман (40 минг) аскар бериши мажбур саналган.

Бир юз йигирма икки йил яшаган Жунғор хонлигида ўн хунтайжидан амалда тўққизтаси ҳукмронлик қилган.

Жунғория тахтига эга чиқиш учун даъвогар икки асосий шартга мувофиқ келиши керак бўлган:

1. Чўрас сулоласи вакили.
2. Сулоланинг асосчиси Эрдона – Ботур хунтайжининг авлоди.

Жунғориянинг сўнгги хони Амур Сананнинг бу икки шартга тўлиқ мос келмаганлиги унинг қатъий ҳукмронлик қила олмаганлиги сабабларидан биридир. Жунғориянинг гуллаб-яшнаш даври Эрдона-Ботур, Ғалдон, Чавон-Рабдан ва Ғалдон-Чарана ҳукмронлик йилларига тўғри келади.

Тибетда Ҳидоятуллоҳ эшон Далай Лама V (Нагван Лопсан Гьямсо) (1617 – 1682 й.й.) билан учрашади, буддавийлар роҳиби билан Шарқий Туркистон ҳокимиятини эгаллаш учун сиёсий иттифоқ тузади. Далай Ламанинг асл мақсади Тарим ясси текислигида ламаизм таъсирини ошириш эди. Шу мақсадда Далай Лама Жунғория хонлиги шаҳзодаси, унинг энг содиқ муридларидан бўлган Ғалдонга мактуб ёзиб, Ёркентдаги ҳокимиятни эгаллаш учун Ҳидоятуллоҳ хўжага ёрдам беришни тайинлайди.

Ҳидоятуллоҳ хўжа Ғалдон қўним топган Или (Ғулжа)га отланади. Далай Ламанинг ёрлиғи урилган мактуб билан борган шайхни кўрган Ғалдон ниҳоятда қувонади. Чунки Ёркент хонлигини босиб олиш, ғайри динларни ўз итоатига олиш унинг азалий орзуси бўлиб, хонликнинг ҳарбий салоҳияти, Шарқий Туркистондаги илм-маърифат, маданият ва маънавиятнинг Жунғория давлатига нисбатан анча юксак эканлиги уни шаштидан қайтариб турар эди.

Эшонлар орасида ҳокимият учун талашишлар оқибатида юзага келган низолар туфайли Ёркент хонлигида рўй берган бўлиниш четдаги ғайридин ёв учун айни муддао бўлди. Ғалдон ўзи учун яратилган қулай фурсатни бой бермади. Шаҳзода дастлаб Ҳидоятуллоҳ хўжани буддавий мўғулларнинг фахрли

унвони «Абақ» билан сийлайди ва уни ***Абақ хўжа*** деб атайди.[1] Ҳидоятуллоҳ хўжанинг жунғорлар томонидан эъзозланиши ва ғайри исломий унвонга эга бўлиши, буддавийлар томонида туриб, ватандошларига қарши кураш олиб бориши табиийки унга обрў келтирмас эди. Англашиладики, кейинчалик "Абақ" унвони арабча "Офоқ"қа ўзгартирилган ва унга "уфқ" яъни "қутби олам хожаси" маъносини нисбат беришган.

Офоқ хўжанинг ташаббуси билан 1679 йили жунғорларнинг Ёркент хонлиги устига босқинчилик юриши бошланади. Ватан шаъни учун ёки Офоқ хўжа тимсолидаги дин учун курашда иккиланган эл қайси тарафда бўлишини билмай аросатда қолади. Ғалдон оқтоғлик эшонлар кўмагида Ёркент хонлигини босиб олади. Исмоилхон қўлга олинади ва Или водийсига олиб кетилади.

Ёркентда "ғайри динлар" устидан қозонилган ғалаба шарафига Далай Лама V Ғалдонга Бошоқту ("Тангри ёрлақаган" – Э. М.) номини бериб, хон унвонига фатво чиқаради. Ғалдон Жунғор ҳукмдорлари ичидан биринчи марта хон унвонли ҳукмдор бўлди. Шундан сўнг Ёркентда ҳукмронлик қилганлар Жунғор ҳукмдорларининг вассали сифатида фаолият олиб боришган.[2]

1681 йили Офоқ хўжа иккинчи марта Ғалдон Бошоқтухондан ёрдам сурайди. Бу сафар Жунғория хони исёнчи хонликни шафқатсиз жазолаш учун катта (айрим манбаларда 60 минглик) қўшин билан Ёркент хонлиги устига ёпирилиб келади. Муҳаммад Эминхон ва бошқа ватан ҳимоячилари ғайридин босқинчиларга қарши ботирларча курашадилар, бироқ хоинлик туфайли руҳияти шикастланган эл ўзини ўнглаб ололмайди, Ёркент хонлиги тенгсиз, келажагига нуқта қуйилган жангда батамом енгилади. Муҳаммад Эминхон оғир ярадор бўлиб хос соқчилари билан Олой тоғига қадар чекинади, бироқ ўша

---

[1] Аба, абақ, абақа қадимги турк – мўғул (ойрот) қабилалари орасида отанинг акаси (амаки), шунингдек, улуғ оға, ёр маъноларини англатган. Аба (она), Абақа (бека) исми кейинчалик хотин - қизларга ҳам қўлланила бошланган. Наманганда ҳозир ҳам шевада баъзан онани " аба" деб аташ ҳоллари мавжуд.

[2] *Кычанов Е.И.* Повествование об ойратском Галдане Бошокту-хане. Новосибирск: Наука,1980. с.235; *яна: Рыжов К. В.* Все монархи мира. Мусульманский Восток. 15-20 вв. М.: Вече, 2004. с. 500

ерлик оқтоғликлар тарафидаги қирғизлар қўлида вафот этади.

Исёнчи Ёркент хонлиги жунғорлар тарафидан даҳшатли тарзда жазоланди. Бошкент таланиб, ўт ичида қолди, эл хонавайрон бўлди. Бу босқин туфайли 167 йил (1514 – 1681) яшаган Ёркент хонлиги батамом йўқ бўлди.

Хуллас, 1681 йили Жунғория тасарруфидаги қўғирчоқ ҳукумат тепасини иккинчи марта Офоқ хўжа бошчилигидаги оқтоғлик эшонлар эгаллашди. Бироздан кейин бу ҳукумат Дониёл хўжа раҳбарлигидаги қоратоғлик эшонлар қўлига ўтди. Офоқ хўжа 1105 паланг йилида ражаб ойининг аввалидаги пайшанба куни (1 ёки 8 март куни) 1694 йили Қашқарда вафот этди.

Ёркентни эгаллаган Ғалдон Бошоқтунинг "иштаҳа"си очилиб, энди у нигоҳини сирли Туркистонга қаратади. 1694 йил Ўшни талаган Бошоқту Андижон устига юриш қилади. Ўзбек ва қирғиз элатлари биргаликда бир жону тан бўлиб босқинчиларга қақшатқич зарба беради, уларнинг қатъий қаршилигига тура олмаган Бошоқту қўшини юртига қадар улоқтириб ташланади. Бошоқту 1695 йилда яна бир карра Андижонга бостириб келади, бироқ бу сафар ҳам енгилиб шу билан узил-кесил Туркистондан умидини узади.

Хитойда ўз ҳукмронлигини ўрнатган манжур феодаллари билан зиддиятлар Ғалдон Бошоқтухон ва Ғалдон Чаране даврида ойротлар ва манжурлар ўртасида шиддатли тўқнашув ва аёвсиз жанглар бошланиб кетди.

1690 – 1697 йиллар давомида Бошоқту Цин императори Сюаньга қарши уруш олиб боради. Бошоқту фаолиятининг сўнгги 20 йиллик ҳарбий стратегиясини хуфиёна тарзда пухта ўрганган Цин империяси унинг жасурлигини, бироқ май ва аёллар унинг энг нозик нуқтаси эканлигини, тантилиги ва ўрлиги қоришиб, ҳаддан зиёд ўжар ҳулқ эгасига айланганини билиб олишади ва бундан устомонлик билан фойдаланишади. Бир неча тўқнашувдан кейин Цин империяси ва Ғалдон қўшинлари охирги, ҳал қилувчи жанг учун бир-бирига рўбару келгач, икки томон маълум муддат сокин қолишади. Ғалдон душманнинг ўзидан ҳайиқаётибди, деб тушунади, кибрга

берилиб олтинга тенг вақтни бой беради. Вақтдан фойдаланган Цин қўшини илғорлари уни ён тарафлардан ўраб олади. Ғалдон ғафлатда қолади.

Жанг бошлангач, жунғор хони қўшини уч томондан қуршовга олинади. Саросимада қолган ойротлар қирғин остида қоладилар. Яраланган Бошоқту жанг майдонидан олиб чиқилади. Аламли мағлубият уни ич-ичидан кемиради. Руҳан синган хон (айрим манбаларда унинг заҳар ичиб жонига қасд қилганлиги келтирилади), 1697 йил 3 май куни вафот этади.

Офоқ хўжа набираси Бурҳониддин укаси Жаҳон билан биргаликда атрофига оқтоғликларни йиғиб, бобоси қилган катта хатони тўғрилашга ва жунғорлардан мустақил хонликни яна қайта тиклашга кураш бошлаб юборади. Уни бу вақтда Цин сулоласи манжурлари ҳам қўллайдилар. Ойротлар устига уч марта ( 1755 – 1757 й.й.) юриш қилиниб, Амур Санан ҳукмронлигидаги ойротлар хонлигини батамом тугатилди. Ёркент хонлиги қисмати энди унинг кушандаси бўлган ойрот хонлигининг бошига тушди. Бироқ Бурҳониддин хўжа ўзига душман, деб билган Абдуллоҳ хўжа бошчилигида қоратоғликлар ҳукмронлигига ўтган Қашқар ва Ёркент устига қўшин тортади. Ҳокимият қоратоғликлардан оқтоғликлар қўлига ўтади. Кўплаб қоратоғликлар Қўқон хонлиги ҳудудига бош олиб кетишади.

Бурҳониддин манжурлар ёрдамида катта ҳудудли ҳокимият тузишга эришади ҳам. Бироқ Цин империясининг товон тўлаб туриш ҳақидаги талабига эшонлар қарши чиқишиб хатога йўл қуйишади, халқни манжурларга қарши қайрашади. Вазиятдан фойдаланган ойротлар қолган-қутган кучларини тўплаб, Чжао Хуэ ва Ярхашан бошчилигидаги қўшинни Ёркент босқинига сафарбар этишади. Улар 1757 – 1758 йиллар орасида Ёркент устига бир неча марта бостириб келишади. Оқибатда Бурҳониддин 1758 йилда қўлга олиниб, укаси Жаҳон хўжа билан биргаликда қатл этилади.

# Жунғория хонлари

| Асл исми, туғилган йиллари | Хонликдаги унвони | Ҳукмронлик йиллари | Қариндошлиги | Сулола |
|---|---|---|---|---|
| Хуто – Хочин-1580 | **Эрдона-Ботур хунтайжи** | 1635-1653 | Қарақулининг ўғли | Чўрас |
| Санга - 1638 | **Чачан-хунтайжи** | 1654-1670 | Эрдона-Ботурнинг ўғли | Чўрас |
| Ғалдон - 1645 | **Бошоқтухон** | 1671-1697 | Эрдона-Ботур ўғли | Чўрас |
| Чавон-Рабдон - 1663 | **Эрдона-Жоригту-хунтайжи** | 1697-1727 | Санга ўғли | Чўрас |
| Ғалдон Чаран - 1693 | **Эрдона-Батур-хунтайжи** | 1727-1745 | Чавон-Рабдон ўғли | Чўрас |
| Чавон Дўржи - 1733 | **Ажа-Намжилхон** | 1745-1750 | Ғалдон –Чаран ўғли | Чўрас |
| Лама-Дўржи - 1726 | **Эрдона-Лама-Ботур-хунтайжи** | 1750-1753 | Ғалдон –Чаран ўғли | Чўрас |
| Дабачи - 1732 | **Дабачи-хунтайжи** | 1753-1755 | Эрдона-Ботур чевараси | Чўрас |
| Немеха-Жиргал | | 1755 | | Чўрас |
| Амур Санан - 1722 | **Амур Санан-хунтайжи** | 1755-1757 | Эрдона-Ботур чевараси | Чаған тўғ хойт |

## Қашқарнинг мағрур қизи

Ҳидоятуллоҳ хўжа дафн этилган “Офоқ хўжа” мақбарасининг яна бир номи “Ипархон” (*китобда обиданинг ва Ипархоннинг суратлари келтирилган*). Мақбарадаги марказий бинода Офоқ хўжанинг авлоди бўлган Жаҳон хўжанинг беваси, кейинчалик Император Цяньлуннинг канизаги Ипархон (Сяньфей) ҳам дафн этилган. Ҳукумат томонидан тарихий ёдгорлик сифатида қадрланиб, зиёратгоҳга айлантирилган мазкур нақшинкор мақбара Қашқар шаҳрининг марказидан 5 км. шимол томонда Кўқон қўрғонида Олтин деб номланувчи маҳаллада жойлашган. Мақбара 1640 йилда қурилиб, унинг ичида  Маҳдуми Аъзамнинг Шарқий Туркистонда яшаган 5 авлодига мансуб бўлган 72 кишининг қабри мавжуд. Мақбарага дастлаб Офоқ хўжанинг отаси Муҳаммад Юсуф хўжа дафн этилган.

Меъморий обида 1870 – 1877 йилларда Пискент беки Ёқуббек Бадавлатнинг Еттишаҳар давлатида ҳукмронлик қилган йиллари қайта таъмирланган ва ҳозирги кўринишга келтирилган.

Мақбара бир қанча биноларнинг бирикмасидан таркиб топган. Қабрлар жой олган асосий бинодан ташқари, у таълим – таҳсил олинадиган яна бир йирик бинодан, бош масжид, кириш дарвозаларга яқин бўлган кичик масжид ва минорадан иборат. Унинг олд қисмида тиниқ сувли ҳовуз ва мевали боғ ўрин олган. Мақбара бош биноси диаметри 17 метр, баландлиги 29 метр, манглай қисмининг узунлиги 39 метр ўлчамларда.

Ёрга садоқат тимсолига айланган Ипархон эл орасида шунчалик машҳур бўлганки, у ҳақида нафақат маҳаллий адиблар, балки овруполик ижодкорлар ҳам кўплаб китоблар, роман ва достонлар, филмлар яратишган, унинг сурати эса гўзаллик тимсолига айланган. Ипархон ўз халқининг фидойиси, маданият, адабиёт, санъат ҳомийси сифатида бемисл обрўга эга бўлган. У аслзода бўлишига қарамай қўшиқлар хониш этар, рақс тушишни яхши кўрарди. Айрим манбаларда келтирилишича, Ипархон жанг санъатининг *У-шу* тури билан жиддий шуғулланган.

Маълумотларга қараганда Ипархон 1734 йил 15 сентябрда Ёркентда таваллуд топган. 1788 йили 19 апрель куни Пекинда император Цяньлун саройида вафот этган. Унинг отаси Али хўжа Офоқ хўжанинг укаси Мўмин хўжанинг эвараси бўлган.

Ипархон ҳақида ижод қилинган бадиий асарларнинг мухтасар баёни шундан иборатки, Жаҳон хўжанинг беваси Ипархоннинг гўзаллиги, айниқса, ундан доимо таралиб турган гулларнинг ифори Цин императори Цяньлун (қайтмас, улуғ) номи билан ҳукмронлик қилган (1736 – 1795 й.й.) *Айсиньгёро Хунли* (хит. 爱新觉罗 弘历; 25.11.1711 – 7.02.1799 й.й.) нинг хаёлини ўғирлаган. Ипархонга ғойибона ошиқ бўлган император уни ўзининг Пекиндаги саройига келтиради. Шахсан Цяньлуннинг талабига кўра, Ипархонга хитойча Сяньфэй (ифор таратадиган) номини беришиб, саройдагилар унинг қавмига ва урф одатларига катта ҳурмат ва эътибор билан қарайдиган бўлишади.



**Цяньлун**
**爱新觉罗 弘历**

Ёш маҳбубасининг табассумига зор бўлган император суюклисининг кўнглини олиш учун унинг деразаси олдида она-юрти Қашқар ва Амир Темур пойтахти сифатида Хитойда машҳур бўлган Самарқанд мадраса-лари, муҳити акс этган, ҳатто бозорлари ва туркийча ҳаммоми бўлган "Ван цзя лоу" номини олган кичик шаҳарчанинг нусхасини яратади. Манбаларда келтирилиши-ча, XX аср бошларида ҳам Пекин-нинг Чаньань кўчасида бу мажмуани кўриш мумкин бўлган. Бу ҳам етмагандек, император ўша вақтда саройига ташриф буюрган миланлик миссионер мусаввир Жузеппе Кастильонега ёғли буёқларда Сяньфей юрти манзараларини чизишни буюради. Бу улкан суратлар ғилдиракларга ўрна-тилиб, манзаралар тасвирини жонлантириш учун навбати билан

ҳаракатланар эди. Ипархон эртадан кечгача шу суратларга боқиб кунларни ўтказади.

Ипархон кўпчилик қавмдошларига хос Алишер Навоий, Раҳимбобо Машраб, хожаси Жаҳон хўжа Арший шеърияти шайдоси эди. Ушбу шоирларнинг сара шеърларини тўплаб, ўзи учун мажмуа китобат қилган эди. Ипархон Пекинга олиб кетилаётганда доимий йўлдоши бўлган ўша мажмуа қўлёзмасидан бўлак ҳеч нарсани ўзи билан олмади. Бу мажмуа маликани сўнгги кунларгача тарк қилмади. Унинг вафотидан сўнг бу китоб Император томонидан Ипархон учун таом тайёрлашга тайинланган қавмдоши бўлган Нурмуҳаммад исмли уста ошпазда қолди.

1781 йил 5 январь куни Цяньлун зиёфат чақириб унда Нурмуҳаммадга қўноқларни туркий тамоқ(таом)лар билан сийлашни буюради. Ошпаз икки хил миллий қайла тайёрлаб, олқишларга сазовор бўлади. 1788 йили январь ойида бўлиб ўтган зиёфатда маликалар ўз ошпазларига иссиқ овқат тайёрлатишган ва Цяньлунга тортиқ қилишган. Нурмуҳаммад императорнинг энг суйган таоми бўлган ўзбекча палов билан қўй гўштидан чучвара тайёрлаган. Императорга айнан шу тотли тамоқлар ёққан ва у яна Нурмуҳаммадни мукофотлаган. Бу вақтда Ипархон касалланган эди.

Ипархоннинг соғлиги оғирлашиб, дарди кучайиб бораётганлигидан безовта бўлган Цяньлун шахсан ўзи бир неча марта унинг ҳолидан хабар олгани Ипархон ётоғига боради, турли тансиқ мевалар билан суюклисини сийлайди. 1788 йил 15 апрель куни император касал ётган Ипархоннинг ёнига келиб, уни апельсинлар билан сийлайди, бу уларнинг сўнгги учрашуви бўлди, орадан тўрт кун ўтгач, малика вафот этди.

Гарчи Цяньлун Ипархон учун барча шароитларни яратиб берган, унинг истакларини бажо келтирган бўлса ҳам, кичик малика барибир император саройида ўзини жуда ғариб сезди. Соғинч адойи тамом қилган, сийратсиз суратга айланган ва бегона муҳитга кўника олмаган Ипархон 1788 йили 19 апрель куни вафот этади. Императорнинг буйруғига биноан унинг жасадини 120 хизматчи Қашқарга келтириб, Офоқ хўжа мақбарасига дафн этишади. Ипархоннинг жасадини олиб кел-

ган таҳти равон ҳанузгача мақбарага кириш жойининг чап тарафида турибди. Яна бир қарашга кўра Ипархоннинг жасадини Хебей вилоятида, Зунхуа туманидаги Шарқий қабристонга Чин аслзодаларига хос равишда дафн қилишган. Ипархон вафотининг таъсирими ёки бошқа сабаб биланми 1796 йили февраль Цяньлун тахтидан воз кечади ва умрининг қолган тўрт йилини ўзлатда ўтказади.

Қозоқ адабиётининг классиги Собит Муқонов Ипархон ҳақида «Жұпархан» достонини ва «Қашқар қызы» драмасини яратган.

Хитойда Лан Шинин номи билан танилган Милан фарзанди, рассом Жузеппе Кастильоне мўйқаламига мансуб бўлган Ипархоннинг қиёфаси акс этган суратлар бизнинг кунларгача сақланиб келинган. Бу тасвирларда Ипархон ҳам оддий кўринишда, ҳам ҳарбийлар кийимида намоён бўлган.

Китобда келтирилган Ипархоннинг ҳарбий совутдаги сурати Лондондаги Британия музейи экспонатлари орасидан жой олган бўлиб, унинг гўзаллиги ва тарихи европалик мухлисларнинг доимо ҳурмат ва эътирофига сазовор бўлиб келмоқда.

Яна Машраб билан боғлиқ воқеалар тафсилотига қайтамиз.

Тахминан 1669 йил Машраб паришонхотир ҳолда пир саройини тарк этади. Бироқ Офоқ хўжага канизак бўлиб хизмат қилган, сўнгра ундан махфий тарзда Машраб билан ишқий ришталар боғлаган, ажралишгач, қолган умрини эшон канизаклари қаторида ўтказган қиз ёди буюк қаландар қалбида бир умр сақланиб қолди.

Машраб ва Офоқ хўжа даргоҳидаги қиз ўртасидаги муносабатга бироз ойдинлик киритиш керакка ўхшайди. Машраб Қашқарга тариқат илмини ўрганиш учун борган. Унинг хаёли илм ва адабиёт билан, фаолияти эса қиссаларда келтирилганидек, пир даргоҳидаги турли юмушларни бажариш билан ўтган. Машрабнинг у ерда қиз билан, қолаверса, пирининг канизаги билан ишқий муносабатга ўз ихтиёри билан киришиши мантиққа зид. Агар қиссадаги лавҳага ишонадиган бўлсак, иккисининг ўртасидаги муносабатнинг келиб чиқишига қиз ташаббус кўрсатган: *“Ул канизак*

*равоқдин бошини чиқариб, нозу карашма билан дедики: “:Эй Машраб, то етти йилдирки, сени доғи ишқинг мани сийнамга жой олибдур. Букун менинг бирла бир ерда ўлтурмасанг қиёматда мани қўлим санинг этагингда бўлғай”. Шоҳ Машраб кўрдиларки, бир нозанин моҳталъат жилва қилиб турубдур”.*

Машрабнинг қуйидаги байтида ҳам шунга ишора бор:

Васвас айлабдур лаъин Офоқ хўжам маҳбубини,
Қилмасам андин жудо, ман йиғламай ким йиғласун?[1]

Машраб “васвас” бўлган қизнинг истагига қарши боришга ботинолмаган кўринади. Бу ерда канизак қизнинг санъаткорона “нозу қарашма” ва илтижосидан қатъий назар Машраб висолга ҳирс билан эмас, пок ният билан ёндашган.

Шу ерда Қашқар ва унинг атрофида яшовчи мусулмон динига, сунний мазҳабига амал қилувчи уйғур хотин-қизларининг ўзига хос айрим жиҳатларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Ўтмишда уйғур аёлларининг орасидан ўз халқи равнақи, илм-маърифат ривожига муносиб ҳисса қўшган кўплаб ижодкорлар, арбоблар етишиб чиққан. Улар орасида айниқса, – Аманнисахон, Ипархонга ўхшаш ижодкорлар халқ орасида ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлиб, улар ҳақида турли даража ва мазмундаги асарлар ижод қилинган.

Уйғур аёллари ўз эътиқодларига содиқ, вафодор дўст ва меҳрибон оила бекаси сифатида ҳурматга сазовордир. Оилавий муҳит, табиий шароит ёки тарихий жараёнларнинг таъсирими уларнинг кўпчилиги гўзал сурат ва сийратлари билан ажралиб туришади.

Ўтмиш манбаларнинг ҳам гувоҳлик беришича, уйғур қизлари санъатга; мусиқага ва айниқса, рақсга алоҳида муносабатда бўлишган, бу каби машғулотларни эгалланиши шарт бўлган вазифа, деб билишган. Ҳозирда ҳам уйғур қизлари ва қисман йигитлари орасида «Ўт усули», «Тахса усули», «Санам усули», «Сайла усули» каби рақс санъати

[1] Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 223-б.

намуналари ижроси сақланиб қолинган.Таниқли этнограф Н. Пантусовнинг келтиришича: Барча ўртаосиёликларни филармонияга мойил эллар, деб айтса бўлади, айниқса, таранчи ( қалмоқ тилида: “деҳқон”, ғулжаликларни шундай аташган. – Э.М.) ликлар билан қашқарликлар санъатга уста бўлишади. Қашқарда деярли барча уйда дутор мавжуд. Таранчиликларнинг ярим эркаги мусиқий асбобларни чертишни билишади, аёлларнинг эса барчаси, чунки улар... вақтни бесамар ўтказмаслик учун мусиқали рақс тушишни қойилмақом тарзда ўрганишади.[1] Машрабнинг мазкур шеърида ҳам қайсидир маънода шўх қашқар қизининг типик тимсоли тасвирлангандек:

Гулгун май ичиб лола узорим келадур,
Ҳар ён сузулуб кўзи хуморим келадур.
Тишлаб лабини, мужгон ўқини манга отибон,
Чоғлаб юрагим кўнглум олорим келадур.
Зулфини тараб бошдин-оёғ зевар этибдур,
Сунбул била гул боғу баҳорим келадур...[2]

Чўқон Валихановнинг берган маълумотича, Шарқий Туркистонликлар кўнгилхушликни ёқтиришади. Аёлларнинг юзлари очиқ, уларнинг иштирокисиз базм ва зиёфат кўнгилдагидек бўлмайди... Аёллар чиройли нахша (қўшиқ-Э.М.)лар айтишади, хиром этишади ва кўплаб офати ҳаракатларни билишади. Уларнинг рақс жараёнидаги айланишларини кўриш ниҳоятда файзли.[3] Машраб билган қиз мусиқа илмидан яхшигина хабардор, шу сабабли шоир мазкур мисраларни ижод қилган:

Сетор ила савти наво айлаганинг хўб,
Хўблар ичида маснади жоҳ айлаганинг хўб…[4]

---

[1] *Пантусов Н.* Таранчинские песни. – Записки РГО по отд. Этнографии. – Т. 17. Вып. 1. СПб.,1890. с.ХП.

[2] Девон. – Т.: Янги аср авлоди. 2006. – 265-б.

[3] *Валиханов Ч. Ч.* Собрание сочинений в пяти томах. Т. 2. – А.-А., 1962. – с. 101.

[4] Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 70- б.

Қашқардаги бу хил санъатларнинг Машрабга ҳам таъсири бўлган. Унинг хушовоз ҳофиз бўлиб, дутор, сетор, танбур каби асбобларни чертганлиги бор гап. Шоирнинг ўзи ҳам бир ғазалида бунга ишора қилган. Шуниси қизикки, Машрабнинг уйғур муқомлари номлари келтирилган мазкур шеъри Қашқар эли орасида жуда ҳам машҳурдир. Шу сабабли бу ғазалнинг уйғурча намунаси ҳанузга қадар севилиб, ижро қилиниб келинмоқда:

Сатарим тариға жан риштисидин тар ешип салсам,
Аниң ким налисидин бенәваниң көңлини алсам.
Муқом ичрә муқом чалсам, муқомни дилға жа қилсам,
Ки ул мәһбуб нәзәр қилса аниң алдида мән чалсам.
Муқом ларниң атасини “Һүсәйн”у һәм “Әҗәм” дәрләр,
Улардин юқари пәрдәки — “Баят”ини мән чалсам.
Баяти ашнаниң язида ейитсам баятиңни,
Көңулүм, бенәва болғанда билсәм мән “Нава” чалсам...[1]

Машраб пир саройини тарк қилгач, қаландарликни ихтиёр этиб Қашқар атрофидаги шаҳарларни бирин-кетин кезишга тушади. Ўша вақтда унинг шоирликдаги ва валий сифатидаги овозаси атрофга тарқалган эди. Машрабнинг Ёркентга, сўнгра Хўтанга ташриф буюрганини билган халқ унга пешвоз чиқади, обрў учун шоирга ихлос қилган амалдорлар ва бидъатчи муллалар унинг кескин ва аччиқ танқидларига учрайди.

Машраб у ердан тахминан 1670 йили Или (Ғулжа) шаҳрига ўтади. Илида уч йилдан ортиқ муддат қалмоқ (ойрот)лар ичида яшаб, уларнинг тилини ўрганади. Ўша вақтда Или атрофи ойротлар ҳукмронлигига қаровчи ҳудуд эди. У ерда ойротлардан ташқари уйғур, хан, қирғиз ва қозоқ миллати вакиллари яшар эди. Агар Машрабнинг оқтоғликлар пирининг муриди эканлигини ҳисобга олсак, унинг у ерга бориши ва маълум муддат маҳаллий эллар орасида яшаши мантиқан тўғри. Машраб ва эшоннинг ўртасидаги “илиқ” бўлмаган муносабатдан қатъий назар Қашқардаги

[1] *Муһәммәт Имин Абдушукур.* Уйғур хәлиқ классик музыкиси «Он икки муқом » һәққидә. Урумчи (乌鲁木齐), 1981. 43 - б.

ҳукумат қоратоғликлар қўлида эди. Офоқ хўжанинг ҳокимият учун курашга киришиб кетиши, унинг муридлари ҳаёти учун маълум хавф-хатар туғдира бошлаган эди. Бу вақтда Машраб сингари яна бир қанча оқтоғликлар Ғалдонга қарашли ҳудудларга йўл олишган. Шу воқеаларнинг бадиий талқини "Девонаи Машраб"дан жой олибдими, демак бу асарнинг дастлабки нусхасининг ижодкори Қашқар ва Ёркентда содир бўлаётган воқеалардан, ижтимоий ҳаётдан анчагина хабардор бўлганлигини тасдиқлайди. Бундан Машрабнинг Илига бориши мантиқан воқеалар ривожига мос тушишини билса бўлади. Муаллиф ким бўлса-да, у Машраб билан бирга, ёнма-ён юрган, келтирган маълумотлари шунчаки бадиий тўқима эмаслиги, тарихий воқеалар баёни халқ китоблари руҳияти талабидан келиб чиқиб акс этганлигини англаш мумкин.

Машраб Илида отаси қалмоқ, онаси қирғиз қиз билан танишади. Қизнинг исми асли Абоқ. Ушбу шеър фикримизнинг исботидир:

Сўрдимки, надур отинг, бигуфто: Абоқ
Яъники онам қирғизу, отам қалмоқ...[1]

Қалмоқ қизлари орасида "Девона Машраб"да келтирилганидек, Офоқ исми қўлланилмаган. Абоқ ўша ерлик қалмоқлар ҳукмдори Хунтайжининг қизи экан. Қизнинг оиласи мусулмон динига мансуб эмаслигини ҳам воқеалар ривожи ойротлар орасида бўлаётганлигини кўрсатади.

Машрабнинг айрим шеърлари борки, улар асосида ушбу қалмоқ қизи ҳақиқатда бўлганлиги ва ошиқ Машраб ҳаётида сезиларли ўрин эгаллаганига шубҳа қолдирмайди. Ўзига яраша чиройи сабаб Машраб уни қуйидагича таърифлайди:

Шаҳло кўзини жоду демак айни хатодур,
Тангри уни ўз майлича кофир яратибдур... [2]

Тарсобаччани кўрдуму дин кетди қўлумдин,
"Қил сажда", - дебон бўйнима зуннор тақа қолди...[3]

---

[1] Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 56-б.
[2] Ўша асар. 51-б.
[3] Ўша асар. 52-б.

Имонини бир ишвасига сотти бу Машраб, -
Тарсобаччани деб,
Зуннор солиб бўлди бараҳман ила Шаддод, -
На куфру на иймон.[1]




Машраб ва Абоқ ўртасидаги муносабат уч йилдан ортиқ вақт давом этади. Дастлабки дўстона муносабатлар кейинчалик муҳаббатга айланган. Машраб бу ердаги қалмоқларга мусулмон дини аҳкомларини эҳтимол, ўргатган. Яна бир эҳтимолга кўра, Машраб Хунтайжининг истаги билан қизни ўз никоҳига ҳам олган. Икки ёш маълум маънода бирга бахтиёрликда ҳам бўлишган[2].

"Қисса"да келтирилгандек, Машраб у ерда туя ёки бошқа чорва молларини боққан бўлиши ҳам мумкин. Чунки, Или водийсида катта яйловлар бор. Ғулжадан Урумчига боришда катта бир довондан ўтилади. У ерда йўл устидаги энг баланд тоғда зилол сувли Сайрам кўли мавжуд. Унинг атрофида чорва билан шуғулланувчи қирғизларнинг кўплаб ўтовлари ҳали ҳам бор. " Ғулжа атрофида, тоғларда ва дарёларнинг соҳилларида кўплаб қалмоқ ва қирғизлар кўчманчилик қилиб юришган"[3]. Машраб шу айнан шу жойларда Абоқ билан бирга бўлган.

Нимадир сабаб бўлиб улар ажрашадилар. Машраб Абоқ дардида қаттиқ ўртаниб юрган. У ҳақдаги хотира, ҳижрон

---

[1] Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 341- б.

[2] ХХР уйғурлари орасида мавжуд бир ривоятда бу қиз Машрабдан фарзанд кўрган ва бу ўғилга Темирбек деб ном берган. Темирбек паҳлавон бўлиб етишади, кўпгина душманларини мағлуб қилиб, бек даражасига эришади. Абоқ эса Машрабдан кейин турмуш қилмай умрини танҳо, тоат-ибодат билан ўтказади.

[3] *Аристов Н. А.* О Кульдже. – ТС. Т. 60. СПб. 1873.с. 206-208.

азоблари шоирга анча вақт тинчлик бермаган. Бу туйғулар Машрабнинг мазкур шеърида ўз ифодасини топган:

Ғамза кофир, ишва жоду, жилва қолмоқим қани?
Кўзи яғмо, кифриги ўқ жола қалпоқим қани?
Тири мужгон ғамзаси кўп ёр учун девонаман,
Асли қалмоқ зоди қирғиз, лола пайпоғим қани?
Ғунчаи гуллар очилмай заъфарон қилди хазон,
Дод этар гул ғунчасиға ёсумансоқим қани?
Доғу-доғ устидадур бағрим қизил қон ашкдин,
Сиймтан рухсорим, тан нуқра бурғоқим қани?
Ёр, Машраб, ишқ ўтини қуйди жоним узраким,
Чўҳ-чўҳ этди кўнглум оташпора чақмоқим қани?

Ёки:

Чеҳраси гулзор қалмоқ дилбаримдур илгари,
Қайрилиб ҳар ён турубон кетти зебо қошлари,
Тири тез бирла менга айлар ишорат кўзлари,
Чун табассум бирла айлар бўлса лаби қирмизлари,
Ушбу хандон лаъли ичра жавҳаристон гавҳари.
Актофиға шода боғлаб гавҳару маржондин,
Фуфаку кимхобу зарбафт осилиб ҳар ёндин,
Уди анбар кўйдурур чун равғани бодомдин,
Ухласа бошиға бахмал бистари ҳар ёндин,
Чун йилон, боз айлабон оғуш этодур қўллари.

Оқ баданға лолаи раъно қабо гулгун кийиб,
Қирқ кокул ҳар тарафға, ошиқин бисмил қилиб,
Ул ҳаёл бўстонига ким ранг-баранг гуллар қўниб,
Кўзлари чақмоқидин бул мулки дил ўтда ёниб,
Баски шамшири жафо устига тушди жавҳари…

Ушбу дунё ишратининг ибтидоси носазо,[1]
Носазонинг интиҳоси ҳосили бўлди бало.

Машраб шеърларидан маҳбубасининг маълум бир кўринишлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. *«Сиймтан рухсорим, тан нуқра бурғоқим қани?”* мисралари Машраб ёрининг оқиш рангда бўлганлигини англатади. Шоирнинг бошқа бир шеъридаги *«Сузук кўзлу, сариғ садбарг юзунгни,*

[1] Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 397- б.

*дилрабо, кўрсам”* [1] ёки *“Ёрнинг ойдек юзи қизилу оқ”*[2] мисралари ҳам ёрнинг юзи сариқ-оқишдан ёки қизил-оқишдан келганлиги, кўзининг эса “сузук” бўлганлиги маҳбуба қиёфасини яратишда айрим унсурлар сифатида аҳамият касб этади.

Ёри билан бўлган айрилиқдан ўртанган, Ёркент хонлигидаги нотинч ижтимоий вазиятдан, оқтоғлик ва қоратоғлик эшонлар ўртасидаги келишмовчиликлардан безиллаган Машраб уйига, Она-юрти Наманганга отланади.

Машраб 1673 йили, Ўш ва Андижон вилоятлари орқали Наманганга қайтиб келади. Онаси Салимабиби ва синглиси билан учрашади:

Жамолинг кўргали келдим, аё эй меҳрибон онам,
Манинг учун адо бўлған юрагу бағри қон онам...
Мани бир жоду кўзлук бул жаҳон ичра хароб этди,
Қади сарву санавбар, қошлари мисли камон, онам...
Илоҳо, авф қилғайсан бу Машрабнинг гуноҳини,
Туфайли онаи зорим, ғарибу нотавон онам.[3]

Бироқ биргаликдаги ҳаётлари узоққа чўзилмади. «Маккам, Мадинам» деб бошларига кўтариб юрган оналари тез орада вафот этади. Волидасини ниҳоятда яхши кўрган Машраб қирқ кун онаси қабрида тиловат қилади. Оташқалб шоирга Ватандаги ҳаёт онасиз татимади, мотам маросимларини адо қилиб бўлган Машраб яна Наманандан бош олиб чиқиб кетди. Қайси бир сабаб билан Ҳиндистонга ўтади. Ривоятда айтилишича Машраб пири билан Ҳиндистонда учрашган ва фил билан бўлган тўқнашувда филнинг хартумига тепиб қочирган. Бу учрашув 1678 йилдан олдинроқ кечган кўринади, яъни Ёркент хони Исмоилхон Офоқ хўжани ҳокимиятдан четлатиб, юртидан чиқариб юборгандан кейин, пирнинг Тибет ва Кашмирга борганда бу учрашув рўй берган. Устозу шогирднинг ушбу учрашуви ва бунда фил билан содир бўлган тўқнашув ҳақида Мажзубнинг “Тазкираи авлиё” асарида ҳам келтирилади: *“Касе гуфтки, девонаро дар тахти фил*

---

[1] Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.– 129- б.
[2] Ўша асар. 450 - б.
[3] Ўша асар. 127- б.

*андохтаанд. Филро яке сили задааст, фил чунон гурехтаки, ҳаргиз маро ҳам нишидааст. Хўжам подшоҳ гуфтаандки, фил як сак аст, Машраб шер аст, назди шер сак чи қувват дорад".*

Ҳиндистондан қайтган Машраб ўн йиллар атрофида Марказий Осиё шаҳарларини кезиб илм ва маърифат касб этади. Унинг улуғ ниятларидан бири ҳаж сафари эди. Маккага боришдан олдин Раҳимбобо учинчи марта Самарқандга келади. Имом ал-Бухорий мақбараси ва бошқа муқаддас жойларни зиёрат қилади. Сўнгра Арабистон томон йўл олади.

Биз ишимизда эълон қилинган Машраб ҳақидаги янги маълумотлар асосида унинг ҳаж сафарини қуйидагича тиклаш мумкин.

Машраб ҳаж килиш ниятида ўз сафарини осон ва қулай йўл, яъни савдо йўлини танлаб олган. Шу мақсадда Самарқанддан чиқиб Бухорога, у ердан Хоразмга боради. Қиссачи Машрабнинг дарё бўйига келгани ва у ерда кемасига қўймаган киштибон билан боғлиқ воқеани келтиради. Машрабни писанд қилмаган кемачи унга қўпол муносабатда бўлиб, кемага чиқиш учун "танга" сўрайди. Машраб унинг кемасига чиқмай, пўстагини сувга ташлаб, устига ўтиради ва дарёда сўзиб кетади. Шуни таъкидлаш керакки, пўстак тасаввуфда маълум маъно англатади. Яъни, пирнинг пўстакда ўтириш даражасига етиши, унинг тариқатда юксак мақомга эришганлигини билдирган. Машрабнинг кароматларини кўрган савдогарлар уни ўзларига пир қилишмоқчи бўлганда, Машраб бунга рози бўлмай тунда у ерни тарк этади.

Хоразмдаги табаррук жойларни, жумладан, паҳлавон Маҳмуд қабрини зиёрат қилади. Нажмиддин Кубро таълимоти билан танишади. Қиссачининг Хоразм, Рум ва Арабистонга бағишланган лавҳаларида Машрабнинг нисбатан мўътадил хулқли, Ёркент, Бухоро эшонлари билан баҳсда кўрсатган анча шартаки фаолиятига якун ясаган бир кайвоний кўринишда тасвирлайди. Хоразм ва келтирилган юртлардаги диний маданият, муршид ва мурид, руҳият ва моддият ўртасидаги муносабатлар анча тартибли бўлганлиги бунинг сабабидир.

Машраб, афтидан, воҳада анча туриб қолган. Хоразм

мусиқаси ва маданияти билан яхшигина танишган. У билан ҳоким гуруҳлардан Аваз Иноқ ва унинг аъёнлари келиб учрашишади. Машрабни қолишга этган даъватларига шоир ҳаж сафарига отланганини айтиб, йўлини давом этади. Биз билган Аваз Иноқ (1750 – 1804 й.й.) Машрабдан юз кейин яшаб Хива хонлигида ҳукмронлик (1790 – 1804 й.й.) қилган қўнғиротлик-ларнинг вакили. Демак, қиссадаги Аваз Иноқ ким бўлганлиги, унинг XVIII асрда яшаган отдошига алоқаси бор йўқлиги масаласи ҳам ўз жавобини кутмоқда.

Машраб шеърларида ўғуз, жумладан, Хоразм воҳаси лаҳжаси унсурларининг мавжудлиги, шунингдек, Хоразм миллий мусиқасида (сувора, лазги) Машраб шеърларининг ўзига хос ўрни фикримизни тасдиқлайди. Ушбу мисралар хоразмлик уста санъаткорлар томонидан юксак маҳорат ила ижро этилади:

Ишқингда ёнмас ошиқ девона бўлмағунча,
Шамъингга куймагай ул парвона бўлмағунча,
Боғлаб белин бу йўлда мардона бўлмағунча,
Бошға олиб маломат афсона бўлмағунча,
Севмас садафни сарроф дурдона бўлмағунча...[1]

Эл суйган ҳофиз Ортиқ Отажонов қуйидаги мисраларни куйлаганда таъсирланиб кўзига ёш олганларни кўрганмиз:

Бориб айтинг, азизим – кўзларимга тўтиё келсун,
Манинг кулбамни равшан қилғали ул пурзиё келсун,
Солиб бўйниға зулфи анбарин мушки Хито келсун,
Мани бедаступони кўргали ул подшо келсун,
Умидим борки, ранжурини излаб ҳар сабо келсун…

"Вафодорим!" дедим охир дамимда бевафо бўлди.
Билолмайман не айб кўрдики, ул мандин жудо бўлди...[2]

---

[1] Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 362- б.
[2] Ўша асар. 463 - б.

## Озарбайжон, Туркия ва Арабистон сафари

Машраб Хоразмда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига бориб савдо-сотиқ қилувчи савдогарларга эргашиб Каспий денгизи орқали Озарбайжонга, у ердан Туркияга ўтган. Озарбайжонда Имодиддин Насимий адабий мероси ва ҳуруфийлик таълимоти билан яқиндан танишади. Машраб айнан Насимий таъсирида Жалолиддин Юсупов китобида аҳамият берган[1] "Ҳуруфи ҳижо", "Ҳуруфи далолат", "Алиф – лом" бадиий санъатларини ижодий ўзлаштиради ва унинг таъсирида асарлар яратади. Насимий каби инсон юзида ҳарфлардан тимсоллар яратди:

Қофу нун – кўзу лабинг, мадд алифу мадд – қошинг,
Рўйи асторинг бошингдин оёғинг Қуръон қиз.[2]

***Имодиддин Насимий*** фаолияти билан танишган Машраб унинг шеърларига вазни ва радифлари ўхшаш қуйидагича мисралар, назиралар битган:

Dilbera, men senden ayru ?mru can?neylerem?
Tacu textu mulku malu xaniman?neylerem?...
Dilber aydɪ,ey Nesimi, sabir ol, qɪlma fe?an,
Men bu gun sebr eylesem, danla fe?an?neylerem?

***Имодиддин Насимий***

Бу тани ҳокинию руҳи равонни на килай?
Булмаса қошимда жонона, бу жаҳонни на килай?.
Бир Худолин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо,
Гул агар бўлса қўлумда, ул тиконни на қилай?![3]

***Раҳимбобо Машраб***

Məndə s??ar iki cahan, mən bu cahana s??mazam!
G?vhəri-laməkan mənəm, k?vn? məkana s??mazam!
Ər? ilə fər?? kafu nun, məndə bulundu c?mlə ?un,
Kəs s?z?n? və əbsəm ol, ?ərh? bəyanə s??mazam.
K?vn? məkandɪ ayətim, zatinədir bidayətim,

---

[1] *Бобораҳим Машраб.* Мехрибоним қайдасан. –Т., 1990. – 24-28 - б.
[2] Ўша асар. 35 -б.
[3] Ўша асар. 62-б.

Sən bu ni?anda bil məni, bil ki, ni?anə s??mazam.
Kimsə g?man?zənnilə olmad?həqqilə bili?,
Həqqi bilən bilir ki, mən zənn? g?manə s??mazam.
Surətə bax? məniyi s?rət i?ində tan?kim,
Cismilə can mənəm, vəli, cismilə canə s??mazam.
Həm sədəfəm, həm inciyəm, hə?r? sirat əsənciyəm,
Bunca q?ma?? rəxt ilə mən bu d?kanə s??mazam.
Gənci-nihan mənəm, mən u?, eyni-əyan mənəm, mən u?
G?vhəri-kan mənəm, mən u? bəhrəv? kanə s??mazam.
Gər?i-m?hiti-əzəməm, ad?m Adəmdir, adəməm,
Tur ilə k?n-fəkan mənəm, mən bu məkana s??mazam.
Can ilə həm cahan mənəm, dəhrilə həm zaman mənəm,
G?r bu lətifəyi ki, mən, dəhr? zəmanə s??mazam.
Ənc?m ilə fələk mənəm, vəhy ilə həm mələk mənəm,
? ək dilini və əbsəm ol, mən bu lisanə s??mazam.
Zərrə mənəm, g?nə? mənəm, ?ar ilə pənc? ?e? mənəm,
Surəti g?r bəyanilə, ??nki bəyanə s??mazam.
Zatiləyəm sifat ilə, g?l?əkərəm nəbat ilə,
Qədriləyəm bərat ilə, p?stə dəhanə s??mazam.
?əhd ilə həm ?əkər mənəm, ?əms mənəm, qəmər mənəm,
Ruhi-rəvan ba???laram, ruhi-rəvanə s??mazam.
Tir mənəm, kəman mənəm, pir mənəm, cavan mənəm,
D?vləti-cavidan mənəm, ayinədanə s??mazam.
Gər?i bu g?n Nəsimiyəm, ha?imiyəm, qurey?iyəm,
Məndən uludur ayətim, ayətə, ?anə s??mazam.

***Имодиддин Насимий***

Ажаб мажнун эрурман дашт ила саҳроға сиғмамдур,
Дилим дарёйи нурдур, мавж уруб дунёға сиғмамдур...
Мудом мискин эрурман чун ғуломинг – Машрабингдурман,
Мани бечора бу дунё билан уқбоға сиғмамдур.[1]

***Раҳимбобо Машраб***

Canimi yandirdi shovqun, ey nigarim qandasan?!
Gozlerim nuru, iki alemde varim qandasan?!..
Chun Nesimidir bugun eyyami eshqin serveri,
Ey shekerleb, yari shirin ruzigarim qandasan?!

***Имодиддин Насимий***

[1] Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 276-б.

 


## Насимий сиймосининг талқинлари

Эй манинг нозик ниҳол ороми жоним, қайдасан?
Бул кўнгул бўстонида ғунча даҳоним, қайдасан?..[1]
Эй сафобахши баҳорим, бўстоним, қайдасан?
Нури дийдам, мушфиқим, ороми жоним, қайдасан?..[2]

***Раҳимбобо Машраб***

Туркияда Машраб адабий муҳит билан танишди. Шу ерда “Маснавий”ни қайта ўрганди, шеърларидан таъсирланиб Мавлавий руҳида ушбу мисоллар каби мисралар битди:

Чарх занон гирди мох доим гардон манам,
Сарди мастони ҳақдар ҳама даврон манам. [3]

***Жалолиддин Румий***

Вақт талаввундин ўтубман муждаи тамкин манам,
Кайфиятни излаган ҳолоки тажридин манам,
Нақши давлат муҳрини нафсимга бости чун ажал,
Шамс Табризий манам, гоҳи Жалолиддин манам...[4]

***Раҳимбобо Машраб***

---

[1] Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 206-б.
[2] Ўша асар. 457-б.
[3] *Фитрат.* А. Машраб //Илмий фикр.-1930.-№1.
[4] Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 132-б.

***Жалолиддин Румий*** Шарқнинг энг буюк алломаларидан бўлган. Бежиз ЮНЕСКОнинг Бош Ассамблеяси қарори билан 2007 йил Жалолиддин Румий йили, деб эътироф этилмаган. Жалолиддин Румий, Мавлоно Румий, Мавлавий номлари билан машҳур бўлган беназир шоир ва бетакрор мутафаккир бўлган. Уни Кант, Спиноза, Ҳегел каби файласуфлар билан қиёслайдилар. Аммо Румий ҳеч кимга ўхшамайди, у муаззам Шарқ тафаккурининг мўъжизали бир ҳайкалидирким, унда тасаввуф тараққиёти ҳам, илму ҳикмат ва фалсафа ҳам, шеърият ва маънавият ҳам бирлашиб, олий кўринишда акс этди. Унинг олти дафтардан иборат “Маснавийи маънавий” номли асарини “форс тилидаги Қуръон” деб таъриф этадилар. Жалолиддин Румий ўзидан кейинги Шарқ шеърияти, фикрий ва маънавий тараққиётига улкан таъсир ўтказган ижодкордир. Алишер Навоий уни илоҳий ишқ куйчиси, буюкликнинг кўз илғамас чўққиси деб бежиз шарафламаган.[1] Бу ҳолат ҳам «Мабдаи нур» асарининг яратилишига сабаб бўлган.



**Румий рақси акс этган миниатюра**

Қарийб ўн беш йилдан бери “Мабдаи нур” матни устида изланиш олиб бораётган самарқандлик тадқиқотчи Жуманазар Кулонов асарни “Маснавийи маънавий” билан ҳам қиёслаб ўрганмокда. Унинг келтиришича, “Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарини қадимги форс (паҳлавий) тилидан ўзбек тилига

---

[1] *Мавлоно Жалолиддин Румий:* Таваллудининг 800 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиографик қўлланма. ( Тузувчи У. Тешабоева) -Т.: Алишер Навоий ном. Ўз.Мил. кутубхонаси нашриёти, 2007.3-б. (Электрон манба) // Кириш режими: http://new.ziyonet.uz/ru/library/ Кириш санаси ва вақти: 01. 11.2012. 14:15

ўгирган. Таржимон манбанинг мукаммал ва ноёб нусхаларига асосланганлигини эътироф этмоқ жоиз. Ушбу таржима асар эронлик машҳур мавлавийшунос олим, Муҳаммад Истеъломий томонидан етти жилдда тайёрланиб, 2000 йилда Теҳронда нашр эттирган нусха асосида амалга оширилган...Таржимон ишқий сатрлар сеҳрини бутун жозибаси билан ҳис этади. Мажнун дарди-ҳасратини англайди. Бу айниқса, аслият билан солиштирилганда яққолроқ намоён бўлади."[1]

Ўрта асрлар ислом дунёси алломасининг асарлари машҳурлиги ва нашри жиҳатидан инглиз тилли дунёсида кимсан Шекспирни ортда қолдирди. Мусулмон Шарқида эса Румий асарларига бўлган талаб Қуръон ва ҳадислардан кейинги ўринни эгаллайди. Унинг ўн беш минг байтдан таркиб топган "Маснавийи маънавий" асари Шарқ ва Ғарб халқлари орасида оддий қилиб "Маснавий" номи билан шуҳрат топди. Бундан ташқари алломанинг бизгача лирик девони "Девони Кабир" ("Улуғ девон"), "Фийҳи-мо-Фийҳи" ("Ичиндаги ичиндадир") фалсафий ва бир қанча насрий асарлари етиб келган. Ҳегелнинг тан олишича, унга диалектик усул яратишда Румий асарлари ёрдам берган.

Румийнинг отаси Баҳоуддин Муҳаммад Валад (1148—1231й.й.) шажараси ҳалифа Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади. Бироқ унинг бувиси бевосита ўша даврнинг улуғ ва ҳукмрон хонадони хоразмшоҳлар силсиласига мансубдир. Онаси Мўмина хотин Балх амири Руҳиддиннинг қизидир. Баҳоуддин Валадга хоразмшоҳ Султон ул Уламо (Олимлар султони – Э.М.) унвонини берган эди.

Жалолиддин Румий иккинчи фарзанди туғилаётганда касалланган ва шу дарддан вафот этган суюкли аёли асли самарқандлик Гавҳарбону қисматидан ниҳоятда озорланди, ёлғизланди. Ҳаёлини соғинч ўртади. Шоирнинг мазкур мисралари ҳам унинг тунини ёритган ой каби азиз бўлган ёрига аталди (ўзбекча таржимада):

---

[1] *Мусурманов Э. Кулонов Ж.* Башарият шоирининг таржимони. // Зарафшон. 15. 09. 2012.

Эй азиз дўст, кўзларим гирён мени тарк айлама,
Кетма моҳ, мендан йироқ, осмон мени тарк айлама….

Афсуски, унинг моҳи шоирни тарк этди, севинчу шодликлари бирга кетди. Орзулари кўп эди, саробга айланди!..

Бироқ Мавлавий етук шогирдлари ёнига киргач, Шамс Табризий каби дўстлари пайдо бўлгач, инсоний, ҳақиқий муҳаббатни улар билан суҳбатларда ҳис қилди. *«Етмиш икки мазҳаб бирла бирмен*!» деб ҳайқирган Румий кишиларни эътиқоди, дини бўйича ҳеч қачон ажратмаган, ҳаммага бирдек бўлган. Бир сафар Румий жазога ҳукм қилинадиган бир насроний ўғрига ўзининг ҳирқасини ёпиб, муқаррар ўлимдан олиб қолади. Исломни қабул қилган ва ҳидоятга эришган бу йигит ҳирқаси тўзиб, йиртилиб, устидан тушиб кетгунга қадар яшаган экан.

Манбаларда нақл қилинишича, Жалолиддин Румий вафот этганларида унинг жанозасига мусулмонлар билан бир қаторда православ черковининг митрополити Ота-Стефаний, яҳудийлар синагогаси раббини Ҳайаффа ўз жамолари билан қатнашганлар. Куня шаҳри тарихида ҳали бунақаси бўлмаган.

Машраб Румий фаолиятига тақлидан ушбу мисраларни ижод қилган:

Жустужў қилдим бу йўлда, токи дасту по,
Гоҳ тарсо, гоҳ мўмин, гоҳи шайхи хонақо,
Гоҳи урус, гоҳи черкас, арманийи рўсиё,
Гоҳ амиру, гоҳ фақирлар бирла бўлдум ошно,
Дар миёни куфр ила иймонда юрдум ахтариб.[1]

Жалолиддин Румийнинг бутун инсоний қадриятларни ўзида акс эттирган бу хил фаолияти шубҳасиз Раҳимбобо Машраб руҳониятига ижобий таъсир кўрсатган, шеърий услубининг шаклланишида йўриқ вазифасини ўтаган. Машраб Мавлавийга атаб бир қанча мисралар битди:

Камолим етти ўн бешга ва руҳи Мавлавийдурман,
Жалолуддин бўлубман, жумладин огоҳ бўлуб келдим…[2]

---

[1] Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 149-б.
[2] Ўша асар. 149-б.

Мавлавийнинг баҳридин олдим бу Машраб қатрае,
Қатрани дарёға қўшмоқға не бўлғай маслаҳат?[1]
Жалолиддини Румий шайхи олий айтиб ўттилар:
Бўлур шаҳбозлар улдамки туркдин пир бўлар пайдо…[2]

Қолаверса, «Маснавий»да Румий Ҳалложнинг буюк иборасига ҳам ўз муносабатини билдириб ўтадики, айнан шу хил ёндашув Машраб тафаккурида маълум ўзгаришларга сабаб бўлган, чунки унинг Қашқардаги пири Офоқ хўжа Мансур Ҳалложнинг фаолиятини тўғри шарҳлашдан ўзини тийган. «Маснавий»да шундай келтирилади: « *«Анал – Ҳақ» сўзи – Мансурнинг лабидаги нурдир, фиръавн айтаётган «Мен Ҳақман», бу – зулмдир».* Яъни Мансур Ҳаллож ибораси такаббурлик эмас, балки буюк таслимдир.



**Фузулийнинг Бокудаги ҳайкали**

Машраб ижодиётида шоир ва мутаффакир ***Муҳаммад Фузули*** (араб. فضولی; озарб. Məhəmməd Füzuli) ашъори таъсирида ёзилган шеърлар ҳам мавжуд. Фузулий 1498[3] йили Ироқнинг жанубида жойлашган Карбалода таваллуд топган. Шоирнинг ҳақиқий исми – Муҳаммад ибн Сулаймон, Фузулий – тахаллуси. Шоир Озарбайжон мумтоз адабиётининг классиги саналади. Турк ва Озарбайжон адабиётининг шаклланишида муҳим ўрин тутади. Ўзбек мумтоз шоирлари ижоди ривожига катта таъсир кўрсатган. Боғдодда адабиёт, медицина, астрономия, мантиқ, математика,

[1] Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 310- б.
[2] Ўша асар. 235- б.
[3] Бокуда 1958 йили нашр бўлган Фузулий танланма асарлари нашрида шоир 1480 йили таваллуд топган, деб келтирилган. (Физули: Избранное. — Баку: Азер.Гос. Из-во, 1958. – С. 16.)

шарқ ва юнон фалсафасини ўрганди. Фузулий 1556 йили ўлат касаллиги эпидемияси вақтида вафот этган.[1]

Шоир Озарбайжон, форс ва араб тилларида жами 16 номда асар яратган. Лирик асарларининг асосий қисмини ғазаллар ташкил қилади. Бу шеърлар айниқса, ўзбеклар орасида жуда машҳур бўлган. Туркистон эли бу ўйноқи ғазалларни ўзлариники каби қабул қилишган, ҳеч бир тилмочсиз тушуниб куйлашган. «Лайли ва Мажнун» достони Озарбайжон тилида ёзилган. Шоирнинг шунингдек, «Шикоятнома», «Собҳат ул-асмар», «Банг ва бода» каби асарлари мавжуд. Фузулийнинг «Məni candan usandirdi» сўзлари билан бошланувчи ғазали каби гўзал шеърлари Машрабни беэътибор қолдирмаган:

Məni candan usandirdi, cəfadan yar usanmazm??
Fələklər yandi ahimdən, muradin ?əmi yanmazmi?..
F?zuli rind? ?eydad?r, həmi?ə xəlqə r?svadir,
Sorun kim, bu nə sevdadir, bu sevdadan usanmazmi?

Машраб бу шеър таъсирида ўзининг машҳур ғазалини ёзган:

Не савдолар боша солдинг, бу садолар оз ўлмазму?
Ки банд эттинг аёғларни, яна бандлар ёзилмазму?...
Жунуне қўзғат, эй Машраб, булар маҳкуми таҳқиқдир,
Ки таҳқиқ сирридин фаҳм этки, зулфидек тугулмазму?[2]

Машраб Румни тарк этиб Арабистонга йўл олганда, унга ҳаж сафарини амалга оширган етти қаландар дуч келади. Қаландарлар Машрабни зоҳирдаги кўринишига, устига ўтирган чангларга қараб менсимайди. Машраб улардан зиёрат йўл-йўриқларини ўргатишни сўраганда, қаландарлар уни девона-дарвеш сифатида қабул қилишади, юртида оч қолган бўлса, Каъба зиёратида буғдой билан арпа арзонлигини айтиб унинг устидан кулишади. Машраб уларнинг бу хил муносабатидан оғринади, уларни ҳаж қилган бўлишсада, ботини соф бўлмаган, деб ҳукм қилиб, эътироз билдиради:

Жавла гандумни нархин сўрса деҳқонига айт,
Толиби Ҳақ учраса ўтган зиёратдин гапур...

[1] *Физули:* Избранное. – Баку: 1958. - С. 23.
[2] Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006. – 315- б.

Етти қаландар Машрабни танишиб, кечирим сўрашади. Шу қаландарлар ичида уларнинг улуғи хўжа Сафо бор экан. Етти марта ҳаж қилган хўжа Сафо *“бул бежо айтган кишини ҳам гуноҳидан ўтунгки” деб сўраганда, Машраб “зоҳир кўзини юмуб ботин кўзлари бирлан кўрдиларки ул беодоб гавҳари имондин айрилиб беимон бўлубдур. Девона шоҳ Машраб раҳми келиб, “қилғон гуноҳидан ўттум” деб айтдилар”.* Бу лавҳада Машрабнинг қаландарлар билан учрашиши ва уларнинг бошлиғи хўжа Сафо деган қаландар номи келтирилиши диққатга моликдир. Қиссада бу лавҳа шунчаки келтирилмаган, бу каби деталларга ойдинлик киритиш ҳам келажакда қилинадиган ишлар сирасидандир. Фикримизча, Машрабнинг ёнида “кундалик”чининг бўлгани ростга ўхшайди. Унинг ҳаж амалини эринмай қоғозга туширгани ҳам бежиз эмас: *“Тариқи зиёрат будурки аввал борурсиз эҳромга. “Лаббайка ал лоҳумма лабайка, лабайка ла шарика лака лаббайка, иннал ҳамда ван ниъматалака вал мулка, ла шарика лак” айта-айта кетарсиз, лекин кам қилмагайсиз, агар зиёда қилсангиз жоиздур. Бир шарт шулки сару по барахна бўлуб белингизга лунги боғлаб кетарсиз. ...Бул мартаба бирла хонаи Каъбага борурсиз ки қаро кийган ўзи. Шундоғ азизга жонингизни фидо қилгайсиз ва “Ҳажари асвод” ни бўса қилғонда гўёки онадин янги таваллуд бўлғондек бегуноҳ бўлурсиз... Зиёрат қилар бўлғонда кўнгли шикаста қилиб йиғлаб боринг. Албатта аввал боб ҳазрат Иброҳим халилуллоҳ, иккиламчи рукни ироқ, учинчи боб зам ва тўртинчи рукн шом. Ҳар бир борганда юз илтижо ва зори ва тазарру билан боргайсиз. Ҳар мақомга икки рукндур.., агар мақоми Халилга борсангиз аввал икки ракат намоз адо қилиб дуо қилгайсиз. Ҳама ҳожатлар шунда раво бўлур”.*

Машраб Туркия орқали Арабистонга боради ва ҳаж амалини бажаради. Маккани, Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) мақбараларини, у ердан дашти Карболога ўтиб шаҳид имомларни ва бошқа муқаддас қадамжоларни зиёрат қилади. Машраб Қурбон ҳайитини Арабистонда ўтказганлигидан ҳам англаш мумкинки, шоир у ерда анча вақт қолиб кетган.

Шоҳ Машраб шунчаки ҳаж зиёратини амалга оширмади. Мансурдек “шаҳиди аъло” бўлиш даражасига етган, руҳ сокинлигига эришган Шоҳ Машраб сўнгги сафар олдидан Она-юрти Туркистонга меҳмон бўлди. Бухорога ўтиб Баҳоуддин Нақшбанд қабрини ва бошқа табаррук жойларни зиёрат қилди. У ердаги бир тоифа муллалар ва уларнинг улуғи Мавлоно Шариф билан баҳсга киришди, муллаларнинг зоҳидона қарашларини кескин танқид қилиб, сўнг у ерни тарк этади.

Носириддин тўранинг «Туҳфат уз-зоирин» асаридаги маълумотларга қараганда Мавлоно Шариф 1617 йилда туғилиб, тахминан 1688 йили вафот этган. Бу шахс бухоролик машҳур фиқҳ олими, Кўкалдош мадрасаси мударриси сифатида ном чиқарган бўлиб, келтирилишича, Аштархонийлардан бўлган Абдулазизхон (1614 – 1683 й.й.) Мавлоно Шариф эшоннинг муриди бўлган. Абдулазизхоннинг ёши улғайган сайин баданида шол касаллиги аломатлари кўпая борган. Шу сабабли у дардига даво истаб, ғайри-табиий қувватга эга бўлган муршидга эҳтиёж сезган. Мавлоно Шарифни каромат соҳиби, деб билган Абдулазизхон унга сидқидилдан ихлос қилган. Мавлоно Шарифнинг мадраса мударриси бўлиш натижасида у «охунд» унвонига сазовор бўлган ва мадрасанинг жуда катта вақф улушига эга бўлган. В.Л.Вяткиннинг келтиришича, Мавлоно Шариф Хива хони Анушанинг 1685 – (1097 ҳижр.) йилда Бухоро ҳудудига бостириб кирганда ўзининг маслаҳатлари билан ўша вақтдаги хон Субҳонқулихон (1625 – 1702 й.й.) га маслаҳатлари билан ёрдам берган.[1]

Этнограф Ольга Александровна Сухарева (Самарқанд 15.03.1903 – Москва 22.03. 1983 й.й.) берган маълумотларига қараганда[2], 1950 йиллар Мавлоно Шарифнинг кулоҳи ва куйлаги Бухорода, унинг номи билан аталадиган мақбарада

---

[1] *В.Л.Вяткин*. Ферганский мистик Девона-и-Машраб, – «Сб. Туркестанского восточного института в честь А. Э. Шмидта», Ташкент.: 1923, стр. 30 – 32.

[2] *О.А.Сухарева*. Уникальные образцы среднеазиатской одежды XVII в. //Традиционная культура народов Передней и Средней Азии. Сборник Музея антропологии и этнографии XXVI, Ленинград, 1970. С.-105

сақланган. Хонақоҳ ва мақбарани қулатиш ишлари бошлаб юборилганда ўша ерлик шайхлар бу кийим-бошни Мавлоно Шарифнинг сўнгги авлоди Аҳрор Аҳъёровнинг рафиқасига келтириб беришади. Кўп йиллар давомида мутасаддилар Мавлоно Шариф кийимларини музейга беришга даъват қилиб, ниҳоят 1960 йили бу уст-бош Ўз.Р ФА музейига беғараз тақдим этилади. Афсуски, музей фонди қаровчиларининг масъулиятсизлиги туфайли куйлак йўқолади. Ҳозирда фақат Мавлоно Шарифнинг кулоҳи ва кийимларини музейга топшириш вақтида олинган суратлари сақланиб қолинган, холос *(сурат акс этган)*.



Мавлоно Шарифнинг куйлаги гуппичанинг олди ёпиқ, ёқасиз, узун енгларнинг кафтга яқин қисми бироз торайган кўринишда бўлган. Гуппича Бухоронинг табиий шароитига мос равишда қоғоз матодан тикилган. Кийим яланғоч баданга эмас, балки куйлак устидан кийилган. Келтирилган гуппичанинг бичими эгасининг бўйи узун бўлмаганлигини далолатлайди.

Шоҳ Машраб сўнгги манзил – Балх шаҳри тарафга отланади, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши шаҳарлари орқали Қабодиёнга ўтиб у ерда ўзбек адабиётида сўфий шоир сифатида ўрганилаётган яна бир етук аллома Сўфи Оллоёр билан учрашади. Бу адибнинг фаолияти зиддиятли тарзда кечган бўлиб, унинг адабий-маърифий мероси Марказий Осиёда, шунингдек, Сибир, Кавказ, Олтой, Шарқий Туркистондаги туркий эллар орасида уч йилдан ортиқ даврдан бери ўрганилиб келинмоқда. Ўша ерлик ўтмиш адиб мухлислари, шоир ва ёзувчилари Сўфи Оллоёр қарашларига шерик бўлиб, унинг ҳикматларини ўз асарларига парчалар ҳолида киритдилар, ўз тушунчаларига мос келадиган адабий анъаналарни ўзлаштириб, ривожлантиришди.

## Сўфи Оллоёр ва Машраб

Сўфи Оллоёр ўзбек сўфий адабиётининг энг йирик вакилларидан биридир. Шоирнинг бизгача «Маслакул муттақийн» («Тақволилар маслаги»), «Муродул орифин» («Орифлар муроди»), «Махзанул мутеъин» («Мутеъинлар хазинаси»), «Саботул ожизин» («Ожизлар саботи») каби асарлари етиб келган. Унинг адабий мероси нафақат Марказий Осиёда, балки Кавказ, Сибир, Туркия ва Хитой Халқ Республикасининг Синцзян Уйғур автоном тумани ҳудудда яшовчи эллар орасида кенг ёйилган.

Шоир асарлари айниқса, Россиянинг Волга буйи атрофида яшовчи халқлар орасида жуда машҳур бўлган. XX аср бошларига қадар Сўфи Оллоёр асарлари Қозон, Уфа атрофидаги эллар орасида қўлёзмалар шаклида тезлик билан тарқалган, татар мадрасаларида ўқув қўлланмаси сифатида хизмат қилган.

Шоирдан 150 – 200 йилдан сўнг бир қатор татар адиблар Сўфи Оллоёр ижоди билан жиддий қизиқишиб, унинг асарларига шарҳлар ёзишган. Уларнинг орасида айниқса, “Саботул ожизин”га “Рисолаи Азиза” шарҳини ёзган Тожиддин Ёлчиғул[1], шоир асарларини шарҳлашган Габдураҳмон Ўтиз Эмёний ал Бўлғорий,[2] Гали Чокарий, Салэҳиддин Салимий, шунингдек, Сўфи Оллоёр асарлари таъсирида ижод қилган Қаюм Носирий,[3] Шамсиддин Закий, Абулхайр, Мажит Ғафурий, Сайит Рамеев кабиларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Ўтиз Эмёний Сўфи Оллоёрнинг «Муродул орифин” асарини таржима қилган ва 1890 йилда Қозонда нашр

---

[1] *Тажеддин Ялчигол*. Рисалэи Газизэ / Ялчыгол Тажеддин; басмага эзерлэуче Ьэм кереш мэкалэ авторы Х.Й.Мицнегулов. — Казан: Иман, 2001. – 480 б.

[2] *Габдураҳман Ўтиз Эмёний ал-Булғорий*. Шигырьлэр, поэмалар / Тезучесе Э. Шэрипов. – Казан: Татарстан китап нэшрияты, 1986. — 397 б.

[3] *Насыйри Каюм*. Сайланма эсэрлер. Дурт томда. Т.4. /– Казан: Татарстан китап нэшрияты, 2006. – 400 б.

қилдирган. Шунингдек, Ўтиз Эмёний “Саботул ожизин” ва «Муродул орифин” асарларига араб тилида – «Шарҳи Саботул ожизин” ва “Туҳфатат толибин фи шарҳи абёти “Муродул орифин” номли шарҳлар ёзган. Салэҳиддин Салимий “Иршади азизин шарҳи Саботул ожизин”[1] асари билан Сўфи Оллоёр ижоди тадқиқотчисига айланган.

Сўфи Оллоёр лириканинг турли жанрларида ижод қилган. Шарқшунос ва адабиётшунос олим Шуҳрат Сирожиддинов келтирганидек : “Сўфи Оллоёр ўзбек ва тожик тилларида мумтоз адабиётнинг ғазал, туюқ, соқийнома, маснавий каби лирик жанрларида ижод этгани маълум. Унинг диний руҳдаги йирик асарларининг асосий қисми маснавий шаклида ёзилган. Лирик асарларини эса тўртлик, ғазал, мухаммас, мураббаъ, марсия каби шаклларда яратди» [2].

Сўфи Оллоёр фаолиятининг илк даврида йирик мансабдор, қайсидир маънода зулмкор ҳам бўлган. Нақл қилинишича, бир куни мансабдор Сўфи Оллоёр ўзининг ноиблари билан сафарда бўлиб, бир кўприкнинг устида тўхтаб қолишади. Сўфи Оллоёрни оёғи остидан оқиб ўтаётган сув ҳайратга солади. Чунки, кўприк остига оқиб кираётган сув одатдагидек кўринишда бўлса, кўприкдан чиқиш жойида сувнинг ранги қирмизи эди. Маълум бўлишича, бир тўда хотин йўлда кетаётишса, рўпарасидан раҳмсиз ва жаҳлдор божхона бошлиғи бўлган Сўфи Оллоёрни кўришади. Ваҳимага тушган аёлларнинг барчаси ур-йиқит билан ўзларини кўприк остига олишибди. Уларнинг орасида ҳомиладор ёш келинчак ҳам бўлиб, у шу даражада Сўфи Оллоёрдан қўрққан эканки, натижада ҳомиласи сувга тушибди.

Ўз золимлигидан пушаймон бўлган Сўфи Оллоёр бир шеърида шундай дейди:

---

[1] *Салими Салэхеддин*. Иршад ал-гаэзин шэрех «Собател-гажизин» /–Казан: Матбага Кэримия, 1902. – 236 б.

[2] *Сирожиддинов Ш.* Сўфи Оллоёр илоҳиёти. I қисм. Жамият ва бурч. – Т., 2001. – 78-б.

Эй бирoдарлар, мани яхши деманглар зинҳор,
Зоҳирим сўфийнамодур, ботиним кийну ниқор.
Шумлуғум, расволиғим тегди вилоят халқига,
Онинг учун тоғу тошу чўлни қилдим ихтиёр…

И.Ҳаққулов Саид Туркистоний маълумотига асосланиб яна бир қизиқ нақлни келтиради: «(Сўфи Оллоёр – Э. М.) Кўп жаббор, раҳмсиз, шиддатлик бир божгир эрди. Халқига зулм қилиш одати бор эди. Бир кун замонасининг машҳур ва маъруф шайхларидан Ҳабибуллоҳнинг бир шогирди тожирлардан қочиб, мол олуб, божхонага маълум қилмоғонлиги сабабдан божгир Оллоёр тарафиндан ушланиб, қамчиланиб, қаттиқ жабрлантирилди, боши ёрилди, қон оққан ҳолда шайхга келиб, божгир Оллоёрдан шикоят қилди. Шайх (Ҳабибуллоҳ) эса ўшал шогирдига «Сен сабр қилғил, Оллоҳ таоло уни қулф - дилини очиб, юмшоқ кўнгил қилса ажаб эмас», деб Оллоёрнинг ҳақига хайрлик дуолар қилдилар»[1]. Бироз вақт ўтгач, Сўфи Оллоёр ўзининг зулмкор фаолиятидан пушаймон бўлади ва Шайх Ҳабибуллоҳ ҳузурига тавба қилиб келади.

Шайх божхона бошлиғи илтижоларини қабул қилиш учун аввало, уни энг паст ва ғурурни синдирадиган икки ишни бажаришга буюради: «Аввал бутун Бухоро бўйлаб тиланчилик қилгайсан; иккинчиси, қассобга бориб, янги сўйилган қўйнинг калласини, тўрт оёғини, тезакли қорнини бошингга ичакларини бўйнингга боғлаб ва кийиб бир йўла бу шартларни бажаришга киришасан». Кимсан, Оллоёр тўранинг Бухоро кўчаларида тиланчилик қилиб юрганини кўрган шаҳар аҳли, ҳатто унинг ўғил - қизлари (Муҳаммад Содиқ, Амина ва Ҳалима) ҳам уни ақлдан озганга чиқарадилар. Оллоёр иккинчи шартини ҳам муваффақият билан адо этади. «Айтмишлар: Оллоёр қассоб тарафидан шайхқа етгунча вилоят сағири мақомина етмиш, баъзилар айтмишлар, зикр мақомини топти».[2] Сўфи Оллоёрнинг бож

[1] *Ҳаққулов И.* Ғойиблар ҳайлидан ёнган чироқлар. Мақолалар тўплами. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 285-бет.
[2] *Зоҳид. Р.* Сўфи Оллоёр ҳақида нималар биласиз? //Шарқ юлдузи.–Т.: 1991., № 5, 154-б.

йиғувчиларнинг бошлиғи бўлган вақтда қаттиққўл ва раҳмсиз бўлганлиги табиий бир ҳолдир.

Булардан албатта, Машраб яхши хабардор бўлган. Икки буюк шоир ўртасидаги сўнгги учрашув асносида уларнинг дунёқарашларини очиб берувчи суҳбат бўлиб ўтди. Бу савол-жавобда Шоҳ Машрабнинг файласуф аллома сифатида қанчалик юқорилаб кетганлиги, ҳатто Сўфи Оллоёрдек улкан сўфий унинг мулоҳазалари олдида ожиз қолганлиги намоён бўлди. Фаолиятининг асосий қисмини диний аҳкомларни халқ орасида бадиий сўз воситасида тарғиб қилиб келган эшон Сўфи Оллоёр Шоҳ Машрабнинг жону жаҳонга ўт қўйгудек, зоҳидона тушунчаларини парчалаб ташлайдиган ошиқона сўзларини тинглаб истиғфор айтади. Бу сўзлар Шоҳ Машрабнинг ҳаёт, борлиқ ва охират ҳақида чиқарган хулосалари эди: *“Ё Сўфим, Сиз бутун умрингиз мобайнида пулисиротга хушомад қилмишсиз. Ҳузурий, дегани эса дўзахга хушомад этмиш. Дўзах азобидан авом халқ руҳини ларзага солмишсизлар. Ё, Сўфим, инсоф билан тафаккур қилинса, дўзах ва пулисирот шу ёруғ дунёнинг ўзида мавжуд эмасми? Фарзанди одам умрининг ибтидосини то интиҳосига қадар босиб ўтмиш йўлини ўзи – қил устида турмоқлик: гардун ва золимлар анинг бошиға ёғдурмиш азобу уқубатлар, сонсиз фалокатлар, дўзах ўтидан камми?”*

Машраб “Анал – Ҳақ” деб ҳайқиргани учун оёқ-қўли чопилиб дорга осилган, жонсиз танаси кулга айлантирилиб денгиз елида тўзғитиб юборилган Мансур Ҳаллож, эркин фикрлилиги учун кофир, деб эълон қилинган, нефтга беланган ва шаҳар марказида ёқиб юборилиб, зулматни шам каби ёритган Айнул Қуззот Ҳамадоний, мўғуллар билан сўнгги нафасигача курашган, танаси қиймалаб ташланса-да, қўли босқинчининг оти жиловини қўйвормаган Нажмиддин Кубро, одам қиёфасида илоҳий битикни кўрган ва инсон юзида Ҳақ номини ўқий олгани учун отга боғланган ҳолда судралиб, шаҳар кўчаларида хор қилинган ҳуруфийлар устози Фазлуллоҳ Наимий ва ниҳоят Ҳалложга ихлос қўйганлиги учун шаккок ҳукмини олган ва териси сўйилган

Имодиддин Насимий тақдирини ихтиёрий қабул қилди.

Шоҳ Машраб ўз даврининг улкан мутафаккири, буюк сўз устаси, халқнинг чинакам ғамхўри, Тангрининг девонавор ошиғи, кароматсоҳиб валиюллоҳи эди. Унинг тафаккур доираси замон ва макон қолипларига сиғмади.

1711 (ҳижрий 1123) йилда Шоҳ Машраб Балх шаҳрига боради. Шаҳар ҳокими Маҳмуд Қатағон билан кескин баҳсга киришади ва халқни қийнагани учун “ Сан юртга ўлтурдинг”деб ҳақорат қилади. Аламига чидай олмаган Маҳмуд Шоҳ Машрабни дорга осишга ҳукм қилади. Машраб Насимий ва Ҳаллож каби дор остида сўнгги сўзини айтди:

Чун қўлум бирлан аёқим боғламоқ ҳожат эмас,
Ман ўлумга розидурман, тургали тоқат эмас.
Мунча шиддат бирла бошим кесгали зўр айлама,
Баски, одам қони тўкмак санга ҳам тоат эмас.
Умр чун барқи ҳаводис, ғофил одам билмади,
Ойу кун оромига бир лаҳзае фурсат эмас.
Лашкари хунрез бўлса сабру ором қайда бор?!
Мажнуни девоналардин шоҳға (ҳам) роҳат эмас!
Чун муборак бўлсун, эй, Машраб, қизил қонинг санинг,
Хўб иш бўлди санга, жон берганинг офат эмас!

Шу тариқа Тангрининг эрка бандаси шаҳидлик даражасига эришди. Шоҳ Машрабнинг қабрлари ҳозирги Афғонистоннинг шимоий шарқида Қундуздарё юқори оқимида жойлашган Ишкамиш  шаҳридан жой олди.





*“Раҳимбобо шартаки, айтмиш сўзидан тонмас, баланд бўйли, сарви қомат, кенг пешона, сочлари фатила-фатила, ола кўзларидан мудом ўт чақнаб, назари тушмиш кимсани жону жаҳонини ўртаб юборгудек. Вужуди, наинки вужуди, жумла йўқу бори гўё ашъор оташига йўғрилуб, мудом шу оташда куюб ўртангувчи эрди. Ва хушовоз хонанда, сетор ва танбурни бағоят нозик ва нафис чертар эрди. Раҳимбобонинг ҳақ сўзи, оташнок ашъори нопок дилларни куйдургувчи эрди”*



***(Исҳоқ Боғистоний)***



**Қашқардаги Офоқ хўжа (“Ипархон”) мақбараси**



*“Агар мен ҳар қаён борсам, кўнгул сендан жудо бўлмас,*
*Магар минг йил наво қилсам, сенинг дардинг адо бўлмас.*
*Тиларман васлини тинмай неча йиллар юруб сарсон,*
*Бориб айтинг ўшал ёрга, жудоликдек бало бўлмас...”*

*Раҳимбобо Шоҳ Машраб*

## Машраб бўлган қадамжолар жадвали
(«Девонаи Машраб» асарининг нусхалари асосида)

| Абдурауф Фитрат маълумот-ларида | Н.Ликошин таржима қилган нусхада | Қобилжон Тоҳиров нусхасида | “Шоҳ Машраб” 1992 йил нашрида | “Қиссаи Машраб” 1992 йил нашрида | “Девонаи Машраб” шахсий кутубхона |
|---|---|---|---|---|---|
| Наманган | Наманган | Наманган | Наманган | Наманган | Наманган |
| Қашқар | Қашқар | Қашқар | Қашқар | Қашқар | Қашқар |
| Ёркент | Ёркент | Ёркент | Ёркент | Ёркент | Ёркент |
| Хўтан | Хўтан | Хўтан | Хўтан | Хўтан | Хўтан |
| Или (Ғулжа) | Или (Ғулжа) | Или (Ғулжа) | Или (Ғулжа) | Или (Ғулжа) | Или (Ғулжа) |
| Қашқар | Қашқар | Қашқар | Қашқар | Қашқар | Қашқар |
| * * * | * * * | * * * | * * * | * * * | Самарқанд |
| * * * | * * * | * * * | * * * | * * * | Қашқар |
| Тошкент | Тошкент | Тошкент | Тошкент | Тошкент | Тошкент |
| Қашқар | Қашқар | Қашқар | Қашқар | Қашқар | Қашқар |
| Ўш | Ўш | Ўш | Ўш | Ўш | Ўш |
| Андижон | Андижон | Андижон | Андижон | Андижон | Андижон |
| * * * | Наманган | Наманган | Наманган | * * * | Наманган |
| Хўжанд | Хўжанд | Хўжанд | Хўжанд | Хўжанд | Хўжанд |
| Тошкент | Тошкент | Тошкент | Тошкент | Тошкент | Тошкент |
| Туркистон | Туркистон | Туркистон | Туркистон | Туркистон | Туркистон |
| Тошкент | Тошкент | * * * | Тошкент | Тошкент | Тошкент |
| Хўжанд | Хўжанд | Хўжанд | Хўжанд | Хўжанд | Хўжанд |
| * * * | * * * | Бухоро | * * * | * * * | Хоразм |
| * * * | * * * | * * * | * * * | * * * | Рум |
| * * * | * * * | * * * | * * * | * * * | Арабистон |
| Ҳиндистон | Ҳиндистон | Ҳиндистон | Ҳиндистон | Ҳиндистон | Ҳиндистон |
| Бухоро | Бухоро | * * * | Бухоро | Бухоро | Бухоро |
| Қабодиён | Қабодиён | Қабодиён | Қабодиён | Қабодиён | Қабодиён |
| Балх | Балх | Балх | Балх | Балх | Балх |

## *Иккинчи боб*

# ЭЗГУЛИК КУЙЧИСИ

Раҳимбобо Машрабнинг шеърлари «Девонаи Машраб» қиссаси нусхалари орқали етиб келган. Жалолиддин Юсупов “Мабдаи нур”, “Кимё” ва ўзи кашф этган “Қиссаи Вайсул-Қараний”, “Қиссаи Меърожи Расули с.а.в”. асарларини Машрабнинг ижоди маҳсули сифатида келтирган.[1] Шоир ўз асарларини ўзбек ва қисман тожик тилларда яратган, шеърларида Машраб тахаллусидан ташқари Умам, Маҳдий, Риндий тахаллусларини ҳам қўллаган.

## Оташга йўғрилган шеърият

Машраб шеърларини ўрганишда ҳозирда энг ҳажмли ҳисобланган Жалолиддин Юсуповнинг 2006 йил нашр қилган тўплам нусхасига асосланамиз.[2]

Машраб шеърлари лириканинг турли жанрларида ёзилган бўлиб, ғазал, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаб-баъ, мусамман, фард кабилар унинг асосини ташкил қилади. Н. Комилов фикрича, Машраб шеърларини ўрганувчиларнинг ўз қарашлари ва манфаатларига мослаб ўрганиб бўлмайди: “Бироқ Машраб руҳи, шеърлари тирик, халқ бу гавҳарни бағрида сақлаб келди. Шуниси ҳам борки, унинг сўзларини ҳали ҳам турли ҳил талқин этувчилар, ўз қарашлари, манфаатларига хизмат қилдирувчилар бор. Тушуниб – тушунмай у ҳақда гапириш, ўзгараётган замонга қараб, унинг маъноларини мослаб олишга уриниш кузатилмоқда. Сояи раҳмат бошига тушган шаҳид шоир огоҳлантирган эди:

---

[1] *Жалолиддин Юсуфий.* Машрабнинг бадиий мерослари. Машраб. Девон. –Т., 2006. – 36-б.

[2] *Машраб.* Девон. (Тадқиқ қилувчи, қўлёзма ва босма манбаълардан жамлаб нашрга тайёрловчи, луғатлар ҳамда изоҳлар муаллифи: Жалолиддин Юсуфий). – Т.: Янги аср авлоди, 2006. - 608 б. Шеърларнинг сўнгида қавс ичида шу китобдан олинган намунанинг саҳифа рақами келтирилади.

**Машрабо, ҳар бир сўзингдир гавҳари қимматбаҳо**
**Айтма бу сўзларни ҳар нокасга нодонлик била.**

Машрабнинг илоҳий пок шеърияти тадқиқи ҳам пок ният, покиза қалб меҳнатини талаб қилади”[1].

Машраб лирикасининг ўзига хос хусусияти унинг халқчил руҳда эканлигидадир. Бу асарлардаги оммабоп тасвир ва ифодалар, соддалик ва ўйноқилик сабаб шоир шеърлари уч асрдан ортиқ давр мобайнида оддий кишилар учун бемалол тушунарли ва манзур бўлиб келмокда. Машраб шеърларидаги бундай хусусият унинг ўзига хос, ҳеч кимга ўхшамайдиган услуб эгаси бўлганлигидан далолатдир. Бундай услубнинг шаклланишида шоир руҳиятидаги, феъл - атворидаги эркинлик, очиқлик, қиссаларда таърифлангани шартакилик, айтар сўздан тонмаслик каби хислатлар албатта, ўз таъсирини ўтказган. Қолаверса, шоирнинг қаландарона ҳаёт кечиргани, кўча-куйда, қаландарлар жамоасида вазият тақозосидан келиб чиқилгани ҳолда шеър, қўшиқлар айтиши ҳам унда бу хил ўзига хос кўникмани ҳосил қилишга олиб келган.

Машраб доимо халқ ичида юрди, унинг дарди ва ғами билан яшади, халқ ва ҳақ фидойисига айланди. Буюк Алишер Навоийга эргашиб инсоннинг ниҳоятда улуғ, олий мавжудот эканлигини, унинг қадри улуғ зиёратгоҳлардан ҳам буюкроклигини қуйидагича таърифлади:

**Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,**
**Агар бир дилни оғритсанг, юз ар Каъба бузулмасму?!(315)**

Машраб инсоннинг дилини оғритиш юзлаб Каъба вайроналиги каби оғир гуноҳ бўлишини уқтирмокда. Бироқ қачонки, ўша вақтдаги амир-амалдорлар фақат ўз нафси, манфаати йўлида ҳар қандай разилликка боришга тайёр бўлиб, бир-бирлари билан ғажишаётган бир вақтда нафақат киши кўнглини оғритмаслик, балки арзимаган сабаб ва баҳоналар билан одамларни қийнаш, ўлдириб юборишга шай

[1] *Комилов Н.* Тасаввуф . 2- китоб. Тавҳид асрори. – Т.: Ўзбекистон. 1999. 142- б.

турганларида шоирнинг бундай олижаноб чақириқлари уларнинг қулоқларига кирармиди? Буни шоирнинг ўзи ҳам билади. Шу сабабли у нафақат инсонни улуғлаш ҳақидаги ғазаллари билан, балки амалий фаолияти билан ҳам золим амалдорлар, бидъатчи хўжа, зоҳидларга қарши чиқади. Унинг нопок дилларни куйдиргувчи ҳақ сўзидан ва ўзидан нафақат зоҳидлар, ҳатто риёкорликда «Авесто»да тасвирланган ёвуз кучларнинг бошлиғи Аҳраман каби бўлган шайхулислом ҳам қўрқади, чунки унинг бўйнига чирмашган ёрининг сочидек тумори (ишқи) бор :

**Мани кўрса қочадур шайхулислом Аҳраман янглиғ,**
**Нечун, бўйнумға зулфи тори чирмашған туморим бор.** (260)

Кейинги байтида шоир халқни қай даражада севишини оташли бир тарзда ифода қилмоқда:

**Азалдин мен дили ғамгин халойиқ хайлини севдим,**
**Шаҳид қонини сипқорғон шаҳаншоҳлардин орим бор...** (260)

Машраб дунёда икки тоифа одамлар билан чиқиша олмаган. Бири–халқни эзиш эвазига мол–дунёга ҳирс қўйган амир-амалдорлар иккинчиси–динни ниқоб қилиб, бойлик, мансаб-мартабага интилувчи диний арбоблар бўлган. Унинг кўпчилик шеърларида шу икки тоифа одамлар доимо танқид остига олинган.

Айрим эшон, хўжалар халқ ичида ўзларини жуда доно, билимда якдилман, деб лоф урарлар, бироқ бундай устозларнинг доноликда яктолиги ёлғон. Улар халқни чалғитиб, йўлдан адаштириб, юзларини қора қилиб бўлишган:

**Лоф урарлар орифи якдилман деб халқ аро,**
**Халқни гумроҳ қилиб, юзи қароларни кўрунг...**(74)

Ўзбек адабиёти тарихида қаландар бўлиб бадиий ижод билан шуғулланган яна бошқа бир шоирни топиш мушкул. Машраб нима учун қаландарликни танлаган? Ахир у таълим олган пири Бозор Охун ёки ҳокимлик билан муршидликни бирга бажарган Офоқ хўжа таълимот ва фаолиятлари қаландарликдан йироқ–ку? Айниқса, иккинчи устознинг дунё

манфаатларидан, ҳокимият учун курашлардан кечмаганлиги аён бўлди–ку.

Демак, Машрабнинг устозларидан фарқли равишда ўзига хос дунёқараши, маслаги бўлган. Бу эътиқод шоирни аллақандай диний мавқеъ, даража, пирлик мақомини эгаллашни қатъий инкор этган. Мансаб–мартабага интилган муршидларнинг ҳолини бевосита кўрган, фаолиятларининг оқибатига гувоҳ бўлган. Бундай фаолият соддадил халқнинг тақдирида нечоғлиқ аянчли оқибатларга олиб келишига иқрор бўлган Машраб қаландар қиёфасида дунёи дунга ва унинг мартабали вакилларига қарши курашга киришди. Ҳеч қайси шоир Машрабчалик икки юзламачи диндорларга қарши аёвсиз кураш олиб бормаган, ҳеч тап тортмай уларнинг гуноҳларини юзларига солмаган. Айнан қаландарлик сулуки шоир учун яхшигина восита ва қурол вазифасини ўтаган. Мазкур шеърда ҳам бунга шаъма бордек:

Бўлуб мажнунсифат дунёда бесар бўлмасам бўлмас.
Кулоҳи бенаволиғдин қаландар бўлмасам бўлмас.
Сипанди ҳажраму, муштоқи мижмар бўлмасам бўлмас,
Куюб-ёниб мисоли шамъи ахгар бўлмасам бўлмас,
Саройи охиратда меҳтаримдин айрилиб қолдим…(442)

Машраб қаерга бормасин, албатта ўша ернинг мартабали кишилари уни ўзларига пири муршид бўлишга чақиришади. Бироқ ҳар сафар ҳам Машраб буни инкор қилади. Иҳтиёрий равишда мартабалардан воз кечади. Ҳатто қаландарларнинг ўзлари Раҳимбобога «Бобо» ёки «Шоҳ» даражаларини беришган бўлса-да, шоир бунга ҳам бепарво бўлиб, қаландарлар жамоасига етакчилик қилмаган, бир ўзи ёки шогирди ҳамроҳлигида сайёр бўлиб юрган. Шоир бир шеърида шунга шаъма қилади:

Бир мартабада турмас эмиш шоҳ ила дарвеш,
Бас жандани кийдим, ўзими дарбадар эттим…(439)

Раҳимбобо Машраб лирикасининг асосий қисми ишқ-муҳаббат ҳақида. Шоир тасаввуридаги севикли ёр ҳам ҳақиқий, ҳам маъжозий маънода тушунилади. Жумладан, қуйидаги матлаъда тасвирланаётган қиз образидан илоҳий мазмун ёки

талқин ахтариш тўғри эмас. Машраб аниқ лавҳа ва тасвирларда реал ҳаётдаги қиз ва унинг ташқи кўриниши ҳақида маълумот бермоқда:

Кокулунгму анбардур жон ичида, жонон киз,
Кўзларингму ахтардур рўйи моҳи тобон қиз...(81)

Шоирнинг яна бир тоифа шеърлари борки, уларда ҳаётий нарса-ҳодисалар ҳақида фикр билдирилаётгандек бўлади, аслида улардаги асосий мазмун зоҳирдаги тасвирларда эмас, балки бадиий санъатлар воситасида яширинган ботиний талқинларда намоён бўлади. Бундай шеърларни аниқлаб олиш қийин эмас. Уларда юзаки қараганда мавжуд қонун–қоидалар, қадриятлар инкор қилинаётгандек, муқаддас саналадиган тушунчалардан чекинилаётгандек, ҳаром деб билинган нарса–ҳаракатлар моҳиятини йўқотаётгандек тасаввур уйғотади:

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ на керак?
Иброҳимдин қолғон ул эски дўконни на қилай?!..(108)

Бода – ичимлик, май. «Иброҳимдан қолғон эски дўкон» – Каъба. Агар байт фақат шулар асосида тушунтириладиган бўлса, унда у « ёр ва май бўлмаса, Маккага бормоққа ва Каъбага нима ҳожат?» каби тушунилади. Бироқ бу ерда мумтоз адабиётда қўлланиладиган тушунчалар, тимсол ва мажоз, тасвирий ифода ва бадиий санъатлар ҳам борлигини эътиборга олмоқ лозим. Мазкур байтда «Ёр» – Тангри маъносида, «бода (май)» – илоҳий маърифат ёки муҳаббат маъноларида тушунилмоқда. Шундай экан, байтнинг маъносини қуйидаги мазмунда талқин қилиш тўғри бўлади: « Тангри (ёди)сиз ва унга бўлган муҳаббатсиз Маккага бормоқ на керак? Усиз Иброҳим (с.а.в.)дан қолган эски дўкон - Каъбага не ҳожат?» Шоир тушунчасида барча муқаддас нарсалар, тушунчалар Тангри сабаблидир. Усиз буларнинг заррача аҳамияти йўқ! Мазкур байтдаги мазмун ғазал мақтасида янада яққолроқ намоён бўлади:

Бир худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо,
Гул агар бўлса қўлумда, ул тиконни на қилай?! (108)

Зоҳид – дунёвий ишлардан воз кечиб, тоат-ибодат билан машғул бўлган шайх. Бироқ Машраб шеъриятида бу сиймо кўпинча оддий халқ кўзида ўзини тоат-ибодат билан шуғулланаётган қилиб кўрсатувчи риёкор шайх тимсолида гавдаланади. Қуйидаги байтда ҳам зоҳиднинг ёлғон амалу безаклари танқид остига олиниб, уларнинг илми бир шиша «май», яъни ҳақиқий маърифат даражасида бўлолмаслиги айтилмоқда:

**Зоҳид, менга бир шишада май, сенга намозинг,**
**Минг тавқини бир косаи майга сота қолдим...**(143)

Ғазалнинг кейинги байтларидан бирида «май»нинг «даражаси»га ва «соқий»нинг кимлигига аниқлик киритилмоқда:

**...Ваҳдат майини пири муғон илкидин ичтим, -**
**Мансур каби бошими дорға тута қолдим..** (143)

«Ваҳдат» – бирлик, танҳолик; «муғ» – мажусий, ўтга чўқинувчи дегани. Шунингдек, «муғ» – майфуруш, «пири муғон» – майфурушларнинг улуғи маъноларини ҳам англатади. Мумтоз адабиётда «ваҳдат майи» – ягоналик ҳақидаги билим, «пири муғон» – маърифат улашувчи устоз, улуғ мураббий каби мазмунда ҳам қўлланилади. Демак, Машраб Тангрининг бирлиги ҳақидаги маърифатни улуғ мураббийдан эгаллаб, Мансур Ҳаллож каби бошини дорга тутиш даражасига эришибди.

Машрабнинг бу каби шеърлари айрим диний арбоблар томонидан норозиликка сабаб бўлган. Чунки, Машраб яшаган даврда ҳеч бир шоир риёкор зоҳидларни у каби қаттиқ танқид қилмаган. Бундай зоҳидлар турли воситалар ёрдамида «айтар сўзидан қайтмас» шоирга таъсир қилиш чораларини кўришган. Қўлларидан ҳеч нарса келмагач, уни гуноҳи кўплигини пеш қилиб қўрқитишган, оташюрак шоирни бундай нарсалар билан қўрқитиб бўлмаслигини у ғофиллар қаердан ҳам билсин? Машраб биргина Тангридан қўрқади! Агар у зотнинг ўзлари мағфират қиладиган бўлса, Машрабнинг не ғами бор:

Аё Машраб, деди зоҳид, гуноҳинг беҳисоб эрмиш,
Агар авж айласа Саттор, кечар сонсиз гунолиғни. (96)

Машрабга оддий одамларга хос туйғулар ҳам бегона эмас. У турли юрт ва шаҳарларни кезар экан, доимо Ватан, волидаси, яқинларини қўмсайди. Юрти соғинчи, элдошлари меҳри унинг шеърларида алоҳида илиқ туйғу билан ифодаланади. Машрабнинг Арабистонда, ҳаж зиёратида юрган кези юртдошларини кўриб, қанчалик ҳурсанд бўлганлиги ушбу ҳароратли шеърида акс этган:

Наманган шаҳридин, дўстлар, манинг ёронларим келди,
Отам бирлан онамни билгучи меҳмонларим келди.
Шижоат бобида ҳар қайсиси бир Рустаму Сухроб,
Адолат тахтиға минган бу кун султонларим келди.
Иноятли, диёнатли яна ҳам муршиди комил,
Ҳамма ориф, ҳамма солиҳ, ҳамма ирфонларим келди... (93)

Машраб танлаган “ёронларим”, “меҳмонларим”, “султонларим”, “ирфонларим», «ҳоқонларим» қофиялари шоирнинг яқинларини қанчалик соғингани, дийдор севинчини акс эттириб турибди. Бундай таърифни Машраб фақат кўнглига яқин инсонларгагина қўллаши мумкин, зеро, бу хил ташбеҳларни шоир бошқа ҳеч бир инсонга нисбатан ишлатмаган. Шунинг учун Машрабни фақат мутасаввуф шоир эмас, балки кўнглидаги севинч ва қайғуларини баён қиладиган оддий ижодкор инсон сифатида билиш ҳам муҳимдир.

Машраб лирик қаҳрамонлари сифатлари: *девона, мастона, парвона, андалиби бенаво, телба, хаста, ашк тукувчи, савдойи, гадо, мискин, қаландар, бенаво, ҳувайдо, мубтало, ҳоли забун, толеъ зарбун, ғофил, банда, булбули нолон, расвойи бозор, улфат, дарбадар, осий, бахт қаролар подшоҳи, булбули шайдо, харобу бенаво, адо, бехуд, соҳиб сухан, шаҳиди ишқ, мусофир, маст, ўрус, армани,черкас, тарсо* кабилар.

# Ёр таърифи ташбеҳлари жадвали

| Ёр | Қад | Юз | Кўз | Лаб, оғиз | Соч |
|---|---|---|---|---|---|
| Паризод<br>Лола<br>Райҳон<br>Суман<br>Қизил гул<br>Сайёд<br>Жонон<br>Тожи сарим<br>Гулбарги<br>тарим<br>Лабшакарим<br>Шўхи<br>жонона<br>Дилбар<br>Нозанин<br>Шоҳи<br>мукаррам<br>Шоҳи<br>муаззам<br>Гулъузор<br>Меҳрибон<br>Маликам<br>Табибо<br>Парирухсор<br>Тарсобачча<br>Раҳмсиз<br>Золим<br>Шаҳсувор<br>Лола узор | Сарв<br>Шамшод<br>Сарви<br>хиромон<br>Қомати<br>ларзон<br>Ниҳол<br>Қадди<br>рафтор<br>Сарви расо<br>Химча бел<br>Пурфит<br>наи<br>даврон<br>Химчаи<br>ларзон<br>Найшакар<br>Сарви<br>саман<br>ا-алиф<br>***Ошиқнинг***<br>***қади:***<br>ن-*Нун*<br>د-*Дол* | Гул юз<br>Рўйи моҳ<br>Орази<br>гул<br>Шамъи<br>жамол<br>Ойдек<br>юз<br>Шамси<br>зуҳо<br>Моҳи<br>мунав<br>вар<br>Гулзор<br>Офтоби<br>ваззуҳо,<br>Тоҳову<br>Син<br>Алламал<br>Маҳваш<br>Хуршиди<br>тобон<br>Моҳлиқо<br>Ҳури<br>лиқо<br>Мусҳафи<br>ораз<br>Анвар | Жаллод<br>Кўзи<br>хунхор<br>Чашми<br>бино<br>Мужгон<br>Чўлпон<br>Яғмо<br>Қароқчи<br>Чашми<br>хуммор<br>Шаҳло<br>Кўзлари<br>жаллод<br>Кофири<br>бераҳм<br>Чашми<br>гирён<br>Масто на<br>кўз<br>Оташ<br>Наргиси<br>шаҳло<br>Золими<br>хунхор | Лаби лаъл<br>Лаъли<br>шаккараф<br>шон<br>Ғунча<br>Лисонинг<br>шаҳду<br>шакар<br>Лаби<br>хандон<br>Ширин<br>сухан<br>Писта<br>даҳан<br>Лаъли<br>шакарбор<br>Пистаи<br>хандон<br>Лаъли<br>рахшон<br>Қанду асал | Зулф<br>Доми бало<br>Зулфи<br>паришон<br>Сунбул<br>Анбари<br>зулф<br>Зулфи<br>мушкин<br>Анбар<br>кокул<br>Сунбули<br>насрин<br>ج- *Жим*<br>**Қош**<br>**киприк**<br>Пайкон<br>Кифриги ўқ<br>Тийри<br>мужгон<br>Эгма қош<br>Меҳроб<br>Камон<br>ي- *Ё* |

# Тарихий ва бадиий истилоҳлар жадвали

| Географик жой-номлари | Тарихий сиймолар | Бадиий сиймолар | Диний истилоҳлар | Диний арбоблар |
|---|---|---|---|---|
| Етти иқлим<br>Наманган<br>Бухоро<br>Тошкент<br>Шоҳимардон<br>Ғиждувон<br>Каттақўрғон<br>Шивирғон<br>Андижон<br>Қўқон<br>Сарипул<br>Рум<br>Макка<br>Мадина<br>Карбало<br>Ҳиндустон<br>Хўтан<br>Балх<br>Исфаҳон<br>Эрон<br>Халаф<br>Шервон<br>Адан<br>Яман<br>Декан<br>Ҳирот<br>Машҳад<br>Шом<br>Бадахшон<br>Қашқар<br>Ёркент<br>Жайҳун<br>Хито | Султон<br>Сўфи<br>Амир<br>Ҳотам<br>Бозор Охун<br>Иброҳим<br>Адҳам<br>Мансур<br>Мавлойи<br>Румий<br>Офоқ хўжа<br>Абу Бакр<br>Умар<br>Усмон<br>Али<br>Ҳамза<br>Насимий<br>Искандар<br>Шамс<br>Табризий<br>Нажмиддин<br>Баҳоваддин<br>Маждиддин<br>Аттор<br>Жомий<br>Полвон ота<br>Мир Кулол<br>Робия<br>Доро<br>Хисрав<br>Фиръавн<br>Маҳмуд | Соқий<br>Лайли<br>Мажнун<br>Қорун<br>Рустам<br>Суҳроб<br>Жамшид<br>Фарҳод<br>Намруд<br>Вомиқ<br>Узро<br>Луқмон<br>Барсисо<br>Боғи Эрам<br>Шайх<br>Санъон<br>Афросиёб<br>Шаддод<br>Баҳром | Рўзи<br>Маҳшар<br>Худо<br>Раббиял<br>аъло<br>Каъба<br>Бут<br>Самеъ<br>Басир<br>Зоҳид<br>Мухтасиб<br>Сирот<br>Дўзах<br>Жабраил<br>Ҳур<br>Пари<br>Жаннатул<br>фирдавс<br>Арш<br>Рўзи<br>қиёмат<br>Шайтон<br>Азозил<br>Лавҳу<br>Қалам<br>Сури<br>Исрофил<br>Азроил<br>Қуръон<br>Биҳишт<br>Меърож<br>Жаброил<br>Сиротал-<br>мустақийм<br>Инжил<br>Кавсар<br>Маъво<br>Мекоил | Юсуф Каъон<br>Халил<br>Аҳмад<br>Муҳаммад<br>Яхё<br>Шаҳиди<br>Карбало<br>Яқуб<br>Зулайҳо<br>Сулаймон<br>Шуайб<br>Мусо<br>Ҳусайн<br>Одам<br>Ҳавво<br>Нуҳ<br>Халилулло<br>Аюб<br>Зикриё<br>Заҳро<br>Мусо<br>Армиё<br>Бархиё<br>Юнус<br>Ийсо<br>Исмоил<br>Довуд<br>Марям<br>Билқис |

## Шоир ижодида бадиий санъатлар

### *Маънавий санъатлар*

Машрабнинг ҳофизлар томонидан севиб куйланадиган ғазалларидан бири мазкур байт билан бошланади:

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Бу байтнинг муаллифи Мавлоно Лутфийдир. Машраб Лутфийнинг мазкур машҳур байтини айнан келтириб, унга ўзидан байтлар қўшиб янги ғазал яратади. Бу хил яратилган шеърий усул **тазмин** санъати дейилади:

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инома,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.
Ғами шоми фироқингда кабоб этти фалакни,
Оҳи саҳарим, хоҳ инон, хоҳ инонма...(52)

Шоир асарларида гоҳида катта, йирик, ҳатто улканлиги ҳаёлга ҳам сиғмайдиган тушунча, воқеа-ҳодисаларни кичрайтириб ёки кучсизлантириб тасвирлаш ҳолатлари учрайди. Бундай поэтик усул қўлланилганда, лирик қаҳрамоннинг ҳолати, мақсад сари интилишлари бир неча парда кучаяди. Бу усул **тафрит** бадиий санъати, деб аталади. Машраб тафрит усулидан асосан бу дунёда учрамайдиган номоддий тушунчаларни тасвирлашда фойдаланади:

Қаландар Машрабингман, икки оламни тепиб ўттум,
Биҳишту ҳуру ғилмонни пучак пулға сотиб ўттум.

«Икки оламни тепиб ўтиш»ни инсон идроки аслида қабул қилолмайди, ҳаёл эса уни ҳатто тасаввур қилишга ожиз. Шоир макон-замон қолипларини парчалаб, тасвирнинг шундай фалсафий кўринишини яратганки, бу ҳолат ҳам Машрабнинг ақли ва тафаккури сарҳадлари ниҳоятда кенглигини кўрсатади.

Машраб ўз шеърларида жонсиз нарсаларга ҳам инсон хусусиятларини кўчириб, уларга тирик мавжудотга муносабатда бўлгандек муомала қиладики, бундай санъат **ташхис**

дейилади. Қуйидаги ғазалда ҳам шоир «дунё», «нафс»ни ҳаракатга келтириб, улар билан муносабатга киришади:

**Дунё ясаниб, жилва қилиб олдима келди,**
**«Борғил нари!» деб (кетиға) бир шатталаб ўттум...**(172)
**Нафс кофири бирла туну кун қилдим урушни,**
**Танҳо қиличи бирла уруб, қиймалаб ўттум...** (172)

Шоир биринчи байтда дунё (бойлик)нинг шўх-шанг ҳаракатлар қилувчи, сийму зарга бурканган танноз мисоли унинг ёнига жилва қилиб келиши ва қаҳрамоннинг ўзини ундан нари олиб, ҳайдашини тасвирлаётибди. Иккинчи байтда энди шоир имонсиз нафс билан кечаю-кундуз жанг қилганлиги ва «танҳо қиличи», яъни Тангрининг ягоналиги ғояси билан уни йўқ қилганлигини айтади.

«Билиб туриб билмасликка олиш» маъносини англатувчи **тажоҳули ориф** санъатининг гўзал намуналари Машраб шеърларида кўп учрайди. Шоир мазкур байтида санамнинг ширинлиги боис унинг ота-онаси ой билан қуёшга ўхшатилмоқда, бироқ бу ҳақда қатъий ҳукм, узил-кесил фикр билдирилмаяпти. Албатта, унинг билиб-билмасликка олиши шартли бўлиб, шоирнинг асл мақсади – маҳбубанинг қадрини ошириш, унга «хушомад қилиш». Байтдаги билиб-билмасликка олиш ўхшатишни яширишдан бошқа нарса эмас:

**Санамо, нечун ширинсан, ою кун ота-онангму?**
**У жаҳонни куйдурубдур, бу жаҳонда йўқ мисолинг...**(73)

Машрабнинг “Эй санам гул-гул ёнибсан” деб бошланувчи мухаммасининг барча бандларида бу бадиий санъат бир неча марта ишлатилган. Биринчи бандда бу яққол акс этган:

**Эй санам гул-гул ёнибсан май ичиб рахшонмусан?**
**Барқ уродур ой юзунг, ҳай-ҳай, маҳи тобонмусан?**
**Хуш кулиб бергил жавобим, жонмусан, жононмусан?**
**Оллоҳ-оллоҳ пора кўнглум тахтиға султонмусан?**
**Шишайи жонимға тушган бир пари жавлонмусан?** (455)

Аслида ёр ҳеч қандай “рахшон”(от), “маҳи тобон”, “жон”, “султон”, “пари жавлон” эмас. Буни лирик қаҳрамон жуда яхши билади, шундай бўлса ҳам уларга қиёслаб, сўраб кўради. Қиёсланаётган тушунчаларнинг ҳаммаси гўзаллик, эзгулик

тимсоли. Демак, ёрнинг юксак тушунчаларга тенглашиши, ўзи-ўзидан маҳбубанинг қадрини, моҳиятини оширади.

Агар байтда бир-бирига қарама-қарши маъноли сўзлар ишлатилса, **тазод** санъати қўлланилган бўлади. Бу сўзлар айнан антоним бўлиши шарт эмас, мазмунда зиддиятнинг мавжуд бўлиши ҳам бу санъатни ҳосил қилаверади. Бунга яққол мисол қилиб мазкур байтни келтириш жоиз:

Вужуди ушбу олам бир *кеча-кундуз*дин ортиқ йўк,
Чароки дунёда бир *шамс* кўрдум, бир *қамар* топдим...(153)

Машраб фикрини исботлаш учун шеърларида халқ мақолларидан ҳам усталик билан фойдаланган. Бундай бадиий усул **ирсоли масал** деб аталади. Унинг етук намуналари айниқса, Мавлоно Лутфий ижодида учраб, шоирнинг «Аёқинг-ға тушар ҳар лаҳза гису» мисраси билан бошланувчи ғазали бунинг яққол далилидир. Бу шеърнинг барча байтларида халқ мақолларини ишлатилган. Машрабнинг мазкур байтида «Дунё-нинг тинчлиги кофир (риёкор)ники» деган мақолнинг бежиз айтилмаганлигига урғу берилиб, унга далил сифатида шоир бу жаҳон ошиқларнинг зиндони, қудуғига айланганлигини келтирмокда:

Бир масалдур: Дунёнинг осойиши кофирғамиш,
Бу жаҳонни ошиқиға чоҳи зиндон айлади...(85)

Мазкур байт ҳам моҳиятан ирсоли масал санъати акс этган намуналар сирасига мансуб:

Ваъда қилғондурки: Ҳеч мўъминни зоеъ қўймайин,
Онча ҳожотингни сан ажран жамилодин тила...(50)

Шоир шеърларида энг кўп қўлланилган бадиий санъат **талмиҳ** санъатидир. Машраб бир қанча шеърларида Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Вомиқ ва Узро, Жамшид, Искандар каби афсонавий ва тарихий образларга ишора қилади. Юқоридаги ошиқ-маъшуқлар тимсолларига қиёсан шоир ўзининг ишқий туйғу ва кечинмаларини ифодаласа, кейинги-ларидан асосан панд-насиҳат учун фойдаланади. Қуйидаги мухаммас бандида Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги образлар билан исломда азиз саналган шахслар келтирилиб, ҳаттоки,

улар каби қудратли сиймолар ҳам ўлим олдида ожиз ва нотавон қолганлиги ибрат тарзида келтирилмоқда:

Жаҳонни бебақо дерлар, қани Кайхусраву Дороб,
Қани Жамшид, Искандар, қани Рустам, қани Суҳроб,
Қани жумла паямбарлар, қани ул соҳиби меҳроб,
Қани Бу Бакри Сиддиқу , Умар, Усмон дури ноёб,
Қани Ҳайдар, дер эрдиларки : «Мен - Соҳибқирондурман»...(473)

Машраб шеърларида пайғамбарлар сиймоларига мурожаат қилиш ҳолати ҳам кўп учрайди:

Ҳазрати Ҳаввони ул Одам билан ҳамроҳ қилиб,
Кулли малоиклар ичинда жумладин аъло қилиб,...
Нуҳга киштини тузат, деб амри фармон айлади,
Умматини саркаш айлаб, номусулмон айлади...
Реза – реза қилди меҳнатдин Аюбни,
Доғи фарзандига саргардон қилиб Яъқубни...
Азбаройи мотами ул Моҳи Канъон йиғласам,
Дийдайи Яъқубни мундоғ нобино қилди фалак.
Каъбатуллоҳни тузатти ул Халили босафо...
Халқи Исмоилни шундоғ тиғдин берди фано,
Бошига юз минг бало келди, ризо қилди фалак...
Ҳақ азалдин ҳазрати Мусони қилди ғарқи нур,
Аввалин Меърожини қилди мақоми кўҳи Тур...
Ҳақ Сулаймонга азалдин берди давлатлик негин...
Ҳазрати Довудни олам мулкига қилди амин!
Шавкати оламни бир дамда фано қилди фалак.
Ҳазрати Яҳёга берди рўзи аввал чашми тар,
Осмонга ҳазрати Исони қилдурди сафар,
Батни моҳийга кириб Юнус балолар кўрдилар,
Ҳар киши дунёга келди, бул балоларни кўрар,
Аррани охир насиби Зикрий қилди фалак....
Сан ғанимат бил бу йўлда Аҳмади Мухторни,
Ҳам Абу Бакру Умар, Усмон, Али – қаррорни,
Бул жаҳонни жумлага мотамсаро қилди фалак. (414)

Машраб мурожаат қилган бу сиймоларнинг ўз мазмун-моҳияти бор бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум бир соҳанинг пирлари, деб ҳам ҳисобланади, жумладан: ҳазрати Одам – деҳқонлар пири, Шис – пахтачилар пири, Идрис – тикувчи ва хаттотлар пири, ҳазрати Нуҳ – савдогарлар пири, Солиҳ – туякашлар пири, Иброҳим – сутчи ва дурадгорлар пири,

Исмоил – овчилар пири, Исҳоқ –чўпонлар пири, Зулкифл – нонвойлар пири, Лут – тарихчилар пири, Узайр – боғбонлар пири, Илёс – тўқимачилар пири, Довуд – темирчилар пири, Луқмон – ҳакимлар пири, Юнус – балиқчилар пири, ҳазрати Исо – сайёҳлар пири, ҳазрати Муҳаммад боғбон ва савдогарлар пиридир.

Профессор Раҳмонқул Орзибеков талмиҳ санъатида келтирилган образларни қуйидагича талқин қилади: "Ўрта аср Шарқ шеъриятида Юсуф гўзаллик, Аюб сабр – қаноат, Масеҳ – ўликларни ҳам ўз нафаси билан тирилтирувчи мўъжизакор образ, Лайли, Ширин, Узро, Зулайҳо ишқу муҳаббатда собит, матонатли, садоқатли, вафодор маъшуқалар, Фарҳод, Узролар ўз аҳду паймони, севгиси йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган буюк муҳаббат соҳиблари, Қорун – очкўзлик ва ҳассисликда тенги йўқ кимса, шайтони лаин, одамзодни йўлдан урувчи ёвуз кимса, Хизр – инсонларга бахт-саодатни хабар қилувчи сиймо сифатида келтирилади. Ҳотами Той – арабларнинг Тай қабиласидан, ўз сахийлиги ва давлатмандлиги билан машҳур бўлган сиймо. Нўширавон – Анушервон – Эрон шоҳларидан, бадий адабиётда одил шоҳ тимсоли. Хорун ар–Рашид – араб халифаларидан. Тарихда ўз фазлу дониши билан кўпдан кўп нақл ва ривоятларнинг юзага келишга сабаб бўлган шахс ва ҳоказо»[1].

Машраб шеърлари орасида салбий образлар талқинига оид мисралар ҳам борки, шоир бу тимсоллар орқали ёвузликка, зулм ва бидъатга ўзининг нафратини ифода этади:

**Бандалик қилмай Азозил бўлди саркаш амрига,**
**Рондайи даргоҳ бўлди, манки ёнмасман ҳануз.**
**Дунёни кўп йиғди Қорун, кетти ул ер қаърига,**
**Дунёдин бир дам замон кўнгул узолмасман ҳануз...**(84)

Ёвузликларнинг дояси, ҳомийси – Азозил. У диний тушунчаларга кўра Одамга сажда қилмаган ва лаънатланган. Қорун инсонлар вакили бўлиб, бу образ бойликка ҳирс қўйган ва шу бойлик ортидан ҳалокатга учраган кишилар тимсоли. Машраб бу тимсоллар ёрдамида салбий бўёқларни кучайтириб, ўзининг ҳам "ҳавойи ҳирс"га берилиб, дунёдан кўнгил

---

[1] *Орзибеков Р.* Адабий меросимиз сеҳри. (Илмий, илмий-оммабоп мақолалар). – Самарқанд, 2006. –184-185-б.

узолмаётганлигини қиёсий тарзда ифодалайди. Ваҳоланки, Машрабнинг пок қалби ва шеърларидан бўлак бойлиги бўлмаган. Бу ерда Машраб Алишер Навоийнинг “Муножот”и ғоясига монанд қилган – қилмаган гуноҳлари учун “тавба” қилади.

Машраб ёрни янада жозибалироқ тасвирлаш мақсадида **ташбиҳ** санъатидан ва унинг турларидан ҳам кенг фойдаланади. Шоир мазкур байтда ёрнинг юзини қизил ўтга, куйган вужудини кулга ўхшатмоқда:

Қачон кўрдим қизил ўтдек юзунгни,
Вужудум куйдуруб, кулдек тўзуттум...(178)

Машраб бу ташбиҳда **-дек** қўшимчасидан фойдаланиб **ташбиҳи мутлақ** (аниқ ўхшатиш) хилини хосил қилмоқда.

Қачонки ўхшатиш фақат мушаббиҳ ва мушаббиҳун биҳдан ташкил топса, бундай усул **ташбиҳи муяққад** деб аталади. Ташбиҳнинг бу тури Машраб шеъриятида айниқса, катта маҳорат билан қўлланилган:

Оразинг - анвар, хатинг - анбар, лабинг - шаҳду шакар...
Гул - юзунг, наргис - кўзунг, райҳон - хатинг, гулғунча - лаб. (455)

Раҳимбобо Машраб ижодида турли тилларга оид сўзлар иштирокида ёзилган шеърлар ҳам бор. Шеърни яратишдаги бундай усул ижодкорлар орасида «ширу шакар», «ширу шаҳду шакар» каби номлар билан аталиб келинган. Жумладан,:

Сўрдимки, надур отинг, бигуфто: Афоқ,
Яъники онам қирғизу, отам қалмоқ.
Тангри мани берди санга кўз этма йироқ,
Ножи бўлайин дедим, гуфт: “Уйум ирок,”
Тирноқ ялабон дедики мангғара яронайбий.[1]

Мазкур шеър уч тил, яъни ўзбек, тожик ва қалмоқ тилларидаги сўзлар иштирокида яралганлиги сабабли у «ширу шаҳду шакар» деб номланади. Одатда бу санъат ўзбек шоирлари орасида қўлланилганда шеър ўзбек, тожик ва араб тиллари намуналари омухта тарзда яхлитликни ҳосил қилгани ҳолда битилар эди. Машраб биринчи марта қалмоқ тили намуна-

[1] Қиссаи Машраб. – Т., 1992. – 56-б.

ларини истеъмолга киритди.

Қуйидаги ғазалда эса «ширу шакар» санъати қўлланилган бўлиб, шеър тўлиқ ўзбек ва тожик сўзларидан таркиб топган:

Мандин *саломе ба сўйи жонон,*
Эй бод, еткур *арзи ғарибон.*
*Ҳам дардмандам, бехонумонам,*
*Жоно, ту буди дардимга дармон.*
*Ҳарчанд моҳи* қурбон келодур,
Ҳар дам қилурман жонимни қурбон.
*Эй дўст, ту рафти то дийда рўят,*
Ёлғуз қолибман *дар шаҳри ҳижрон.*
*Аз дурийи ту намонда сабрам,*
Эмди кетарман тахти Сулаймон.
Бечора Машраб куйди ғамингда,
*Монанди зулфат ҳолим паришон.*(219)

Бадиий санъатларга бағишланган кўпчилик илмий манбаларда шеърда турли тил намуналари, сўзларини аралаш ҳолда ёзиш санъатини "муламмаъ" деб ҳам аташади. Муламмаъ – арабча истилоҳ бўлиб, турли рангда бўялганлик маъносини билдиради.

## *Ҳарфий санъатлар*

Раҳимбобо Машраб шеърларида **истихрож** бадиий санъатидан кенг фойдаланган шоирдир. Бу санъат қўлланилганда, шеър матнидаги араб ҳарфи шакли орқали маълум бир образ ёки ишора ҳосил қилинади. Истихрож яна «ҳарф», «китобат» каби истилоҳлар билан ҳам номланади.

Машраб мумтоз шоирлар анъаналарини давом эттириб ёрнинг гўзаллигини тасвирлашда араб ҳарфларидан фойдаланади:

*Қофу нун* – кўзу лабинг, *мадд алифу мадд* – қошинг,
Рўйи асторинг бошингдин оёғинг Қуръон қиз... (83)

Машраб ёрнинг кўзини «қоф»га, лабини «нун»га, қошини «мадд» белгисига, қаддини «алиф» ҳарфларига ўхшатмоқда.

Қуйидаги байтда ҳам истихрож санъати қўлланилган бўлиб, шоир араб ҳарфларига монанд ошиқ-маъшуқларнинг қадди-қоматларини тасвирлаб бермоқда:

*Алиф*дек жон аросинда ниҳоли қоматин асраб,
Ғамидин оқибат қаддимни *нун* янглиғ дуто қилди…(91)

Байтда «жон» сўзининг ўртасидаги «алиф» ҳарфи ёрнинг қаддига монанд. Ёр ا-«алиф»дек тик қоматини ج - «жим» ва ن-«нун» ҳарфлари билан ҳимоялангани каби ўз «ниҳол»ини асраган. Ошиқ-нинг ёрнинг васлига эришолмаётганлиги сабаб, унинг қадди ن– «нун» ҳарфига монанд эгилган.

Машраб шеърларида ёрнинг қадди доим «алиф» сингари тик, қоши эса «нун» ёки «ё» ҳарфлари кўринишида акс этади. Мазкур мисрада ҳам шундай тасвирлар мавжуд:

Қаддинг «алиф»га ўхшар, қошинг чу «ё» нигорим. (494)

Машраб нафақат айрим мисраларни, балки бутун бир шеърларини шу санъат асосда яратган ва Ҳуруфи ҳижо санъатини вужудга келтирган. Агар шоир араб ҳарфлари билан мазмунни ойдинлаштирмоқчи, фикрни асосламоқчи ва бадиий таъсирни кучайтирмоқчи бўлса, унда у истихрожнинг бир тури ҳуруфи далолат – далилий ҳарфлар санъатидан фойдаланади.

Насимий ҳақида сўз юритганимизда Машрабнинг ундан ижодий илҳом олиб “ҳуруфий” шеърлар битганлигини айтиб ўтганмиз.

Машрабнинг қуйидаги матлаъли шеъридан намуна:

Эй, *алиф*дек қоматингдин истидо қилдим бу букун,
*Бе* балои доғи дардинг дилга жо қилдим букун…[1]

Имодиддин Насимийнинг:

*Алиф*-аъло қоматинг ҳар ким кўрур бежон бўлур,
*Бе*-башорат бўлди ҳар ким дилбари султон бўлур…[2]

Байтли шеъри таъсирида яратилган.

---

[1] Девонаи Машраб. ЎзР. ФА ШИ фонди, инв.3917, варақ 192-193-а
[2] *Арасли. Ҳ.* Имодиддин Насимий. – Т.: Фан, 1973. – 67-б.

## *Лафзий санъатлар*

Машраб шеърларидаги қофиялар тўрт бўлакка бўлинган ҳолда яратилгани ҳам бор. Дастлабки уч бўлакда бир хил қофияли сўзлар келтирилади, тўртинчи бўлакдаги қофия дастлабки байтга оҳангдош бўлади. Бунга қуйидаги байт мисол бўлади:

Жоми майи луоб *ичиб*, Мажнуни бенаво *бўлуб*,
Нозу карашмалар *қилиб*, Лайлийи ишвагар ўзум…(172)

Байтда бундай усул қўлланилганда **ички қофия** санъати ҳосил бўлади. Ушбу байт ҳам мазкур бадиий санъат асосида ижод қилинган:

Жаннату Кавсар *манам*, ҳам Дўзаху Сақар *манам*,
Бир ўзумдурман *бу дам*, ҳафт осмонга сиғмадим…(139)

**Зулқофиятайн** санъати-Машраб шеърларида энг кўп қўлланилган бадиий усулардан ҳисобланади. Бунда байтда жуфт оҳангдош сўзлар қофия бўлади:

Санинг варлингни, эй жонон, мане *афгор соғиндим*.
Шаби ҳижронда қолдим, партави *дийдор соғиндим...(*152)

Байт мисраларидаги сўзлар икки ёки ундан ортиқ маротаба такрорланиб келса **такрир** санъатини ҳосил қилади. Машрабнинг ушбу байти шу бадиий усулда ёзилган:

Муродингга етай десанг, *қаландар бўл, қаландар бўл,*
Ситам аҳлин ютай десанг, *қаландар бўл*, *қаландар бўл*...(124)

Агар байт мисраларида ёндош жуфт такрорланиб келса, **мукаррар** бадиий санъати қўлланилган бўлади. Машраб шеърларида ҳам бундай усулда яратилган шеърлар бор. Масалан:

Ўтар *бир-бир* босиб ул шўх, боқмас бевафоликдин,
Эрур андоқ вафосиз умр ўтар *оҳиста-оҳиста*…(60)

Машраб шеъриятида кўплаб бадиий санъатлар қўлланилган бўлиб, биз улардан айрим намуналарни келтирдик. Умуман олганда Машраб мумтоз шеъриятнинг бадиий маҳорат сирларини пухта ўрганган шоир эди.

## Мусиқий вазнлар – асосий шеърий мезон

Раҳимбобо Машраб шеърларининг вазни енгил, ўйноқи тароналарга мос келувчи хусусиятга эгалиги кўп жиҳатдан арузнинг мусиқий вазнларида ёзилганлиги самарасидир. Машраб хушовоз хонанда ва уста созанда бўлган. Санъаткор шоир кўпроқ мусиқий вазнларга эҳтиёж сезади. Қуйида кўп қайд қилинадиган, мусиқа басталанган ва ижро этиладиган айрим шеърларининг вазнларни кўриб чиқамиз.

Шоир ижодида ҳазаж баҳрида ёзилган шеърлар кўпчиликни ташкил қилади. Чунки бу вазн баҳрлари мумтоз мусиқа ритмига қулай тарзда тушади. Шу сабабдан "Шашмақом" куйларидан отмишдан ортиғи ҳазаж баҳри вазнидаги шеърларга басталанган.

Машраб лирикасида кенг қўлланилган арузнинг **ҳазажи мусаммани солим** вазнидаги шеърларнинг "Шашмақом" куйларининг қирқтасига мос тушади. Бу вазн Алишер Навоийнинг "Хазойинул маоний" куллиётида қўлланилиши жиҳатидан бошқа баҳрларга қараганда етакчи ўринда туради. Шоирнинг жами 305 шеъридан қарийб ярми ҳазаж баҳридаги вазнда ёзилган.

Вазннинг рукнлари ва чизмаси қуйидагича[1]:

мафоийлун мафоийлун мафоийлун мафоийлун
v – – – v – – – v – – – v – – –

Хоразм қўшиқчилик санъатида муҳим ўрин тутган ва севиб ижро этиладиган «келсун» радифли мухаммас шу вазнда ёзилган:

Бо риб ай тинг, /а зи зим, кўз/ ла рим га тў/ ти ё кел сун,
v – – – v – – – v – – – v – – –
Ма нинг кул бам/ ни рав шан қил/ ға ли ул пур/ зи ё кел сун.
v – – – v – – – v – – – v – – –

[1] Вазнларнинг рукнлари ва чизмаси фақат бир мисра мисолида келтирилади.

Ҳазажи мусаммани солим вазни Машраб дардли нолаларини ифодалашга қўлай келганлиги учун шоир бир қанча машҳур шеърларини шу вазнда ёзган:

Му ро динг га /е тай де санг,/ қа лан дар бўл,/ қа лан дар бўл,
v – – – v – – – v – – – v – – –
Си там аҳ лин /ю тай де санг,/ қа лан дар бўл, /қа лан дар бўл.
v – – – v – – – v – – – v – – –

Ёки:

А жаб маж нун /ду(р) ман, ҳар даш/ ту, ҳар саҳ ро/ ға сиғ мам дур,
v – – – v – – – v – – – v – – –
Ди лим дар ё / и нур дур, мав / жу руб ду нё/ ға сиғ мам дур.
v – – – v – – – v – – – v – – –

Ёки:

Не ғур бат лар/ ни чек тим чар/ хи бе бу нё/ д дас тинг дин.
v – – – v – – – v – – – v – – –
Му дом мо там /да қол дим, бўл/ ма дим дил шо/ д дас тинг дин.
v – – – v – – – v – – – v – – –

«Дунёга тик боқиб кетган, олов бўлиб оқиб кетган, этагини қоқиб кетган, шоҳ Машраби девонамсан», – деб куйлаган, қўшиқлари билан чин маънода халқ эъзози ва ҳурматига сазовор бўлган санъаткор Озодбек Назарбеков Машраб шеърларига алоҳида масъулият билан ёндашади. Ҳофиз мумтоз қўшиқни шеър вазни талабларига мослаб ижро этади. Машрабнинг қуйидаги байти билан бошланувчи ғазали тўлиқ ва қатъий равишда шу вазн мезонига мос тарзда куйланган:

Са ни Лай ли / ю раъ но дек /а жо йиб дил /ра бо дер лар,
v – – – v – – – v – – – v – – –
Ма ни Маж ну/ ни шай до дек /ку йинг да бир/ га до дер лар.
v – – – v – – – v – – – v – – –

Вазннинг қанчалик мусиқий эканлигига халқ орасида севиб куйланадиган «Ўртар» радифли қўшиқ мисол бўлади. Бу мумтоз қўшиқ ҳам вазн талабларига мос равишда ижро этилган:

А гар о шиқ/ ли ғим айт сам,/ ку юб жо ну/ жа ҳон ўр тар,
v – – – v – – – v – – – v – – –
Бу ишқ сир рин /ба ён эт сам, /та қи ул хо/ ну мон ўр тар.
v – – – v – – – v – – – v – – –

Машрабнинг машҳур

Кокулунг дурур анбар, жон ичинда жонон қиз,
Кўзларинг дурур ахтар, юзи моҳи тобон қиз.

- шеъри **ҳазажи мусаммани аштар** вазнида ёзилган. Миллий мумтоз мусиқий асар "Шашмақом"нинг "Рост", "Сегоҳ", "Ироқ" мақомлари сўзлари шу вазн ўлчовларида ёзилган. Бу вазн XVI асрдан кейин ўзбек шеъриятида кенг қўлланилган. Унинг рукнлари ва чизмаси қуйидагича:

фоилун мафоийлун фоилун мафоийлун
– v – v – – – – v – v – – –

Ко ку лунг / ду рур ан бар,/ жон и чин/ да жонон қиз,
– v – v – – – – v – v – – –
Кўз ла ринг/ ду рур ах тар,/ ю зи мо/ ҳи то бон қиз.
– v – v – – – – v – v – – –

Раҳимбобо Машраб Алишер Навоий, Мавлоно Лутфий, Имодиддин Насимий, Султон Рашидий каби шоирлар асарларига назиралар ёзган. Шундай шеърлардин бири Лутфий шеъри таъсирида ёзилган:

Сенсан северим, хоҳ инон, хоҳ инонма,
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.-

матлали ғазалидир. Бу ғазал **ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф** вазнида ёзилган. Унинг парадигмаси қуйидагича:

мафъулу мафоийлу мафоийлу фаулун
– – v v – – v v – – v v – –

Сенсан се/ ва рим хоҳ/ и нон хоҳ/ и нон ма,
– – v v – – v v – – v v – –
Қон дур жи/ га рим, хоҳ/ и нон, хоҳ/ и нон ма.
– – v v – – v v – – v v – –

**Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур** вазни:

Унинг рукнлари ва чизмаси:

мафъулу мафоийлу мафоийлу мафоийл
– – v v – – v v – – v v – ~

Бу вазнида Машрабнинг бир қанча машҳур шеърлари бор:

Маж ну ни/ ла кез дим не/ ча йил даш ту/ би ё бон,
– – v v – – v v – – v v – ~
Лай ли ни/ сӯ роғ лаб ю/ ру дум бе са/ ру со мон.
– – v v – – v v – – v v – ~

Ёки:

Ишқ во ди/ си дин бир ке/ ча мен ҳай-ҳа/ ла бӯт тум,
– – v v – – v v – – v v – ~
Зуҳ ҳод э /ли ни мам ла/ ка ти ни та/ ла бӯт тум.
– – v v – – v v – – v v – ~

Машраб шеърлари орасида рамал баҳрида ёзилган шеърлар кўп учрайди.

**Рамали мусаммани маҳзуф** вазнида ёзилган шеърлар кўпроқ халқ куйлари оҳангларига мос тушади. Шу сабабли Алишер Навоий “Мезонул авзон” асарида бу вазнни “қўшиқ”, “арузворий”, “туркий” деб номланувчи куйларига мослигини келтириб ўтган. Муҳаммад Фуод Кўпрулузода « қўшиқ» дастлаб «рамали мураббаи маҳзуф»га мос бўлиб, ғазал шаклини олгандан кейин «рамали мусаммани маҳзуф» вазнида ёзилганлигини, ғазалнинг бу тури «туркий» , бу вазнда ижод қилувчиларни эса «туркийгўй» деб аташганини келтириб ўтган.[1] Унинг рукнлари ва чизмаси:

фоилотун фоилотун фоилотун фоилун
– v – – – v – – – v – – – v –

Мазкур вазн “Шашмақом”таркибига кирган элликдан ортиқ мусиқага мос келади. Машраб Навоийнинг «келмади» радифли ғазалига ёзган назира мухаммаси ҳам шу вазнда ёзилган:

Ваъ да қил ди/ бир ке лай деб/ шӯ хи бад хӯ/ кел ма ди,
– v – – – v – – – v – – – v –
Тер му луб йӯ/ ли да тур дим,/ кӯз га уй қу/ кел ма ди.
– v – – – v – – – v – – – v –

Халқ эъзозлаган ҳофиз Отажон Худойшукуров Машрабнинг қуйидаги байти билан бошланадиган қўшиқни ижро

[1] *Кўпрулузода. Ф.* Турк тили ва адабиёти ҳақида тадқиқотлар. Истан. 1934. 17-б.

этганда уни тинглаган мухлис уста санъаткорнинг аруз вазнидан нечоғлик бохабар эканлигини сезиши қийин эмас эди. Шоир сўзлари дарҳақиқат, вазн талабларига мос айтилган, оҳангнинг ўзи эса мумтоз таронани ҳосил қилган:

Ҳеч ки ма маъ/ лум э мас ҳо/ ли па ри шо/ ним ма нинг,
– v – – – v – – – v – – – v –
О с(и) мон ни/ тий ра қил ди/ о ху аф ғо/ ним ма нинг.
– v – – – v – – – v – – – v –

**Рамали мусаддаси маҳзуф** вазни Машрабнинг нисбатан кичик ҳажмли шеърларида айниқса, қўл келди. Унинг рукнлари ва чизмаси қуйидагича:

фоилотун фоилотун фоилун
– v – – – v – – – v –

Шоирнинг куйланадиган машҳур ғазалларидан бири ҳам шу вазнда ёзилган:

Йиғ ла сам вақ/ ти ду о бўл/ ғай му кин?
– v – – – v – – – v –
Кўз ё шим дард/ га да во бўл /ғай му кин?
– v – – – v – – – v –

Вазн мисраларда таронали, рукнлар баробарида ритмли оҳангдорликни вужудга келтирган. Бу вазнда ёзилган шеър бошидан сўнгигача бир текис маромда ўқилади. Ундаги самимий соғинч туйғулари тиниқ сувнинг шилдирашидай шавқ бағишлайди. Шу сабабли бўлса керак, Машраб юртдоши, эл суйган ҳофиз Камолиддин Раҳимов мазкур мисралар билан куйланадиган қўшиқни алоҳида завқ билан ижро этган:

Туш ти сав до/ йи му ҳаб бат/ бо ши ма,
– v – – – v – – – v –
Ор э тур мар/ дум ке лур ға/ қо ши ма.
– v – – – v – – – v –

Машраб шеъриятида **мутақориби мусаммани аслам** вазни ҳам унинг ўйноқи, жилвакор услуби талабларига мувофиқ келган.

Вазн парадигмаси:

фаълун фаулун фаълун фаулун
– – v – – – – v – –

Машраб вазн талабларига мувофиқ шунчалик моҳирлик билан сўзлар топа олганки, уни ўқиган ва мусиқани тушунган киши беихтиёр шеърни ҳиргойи қилиб ўқий бошлайди. Шеър мисралари ва вазн талаблари бир-бирига сингиб кетиб, ўқувчини куйлашга мажбур қиладигандек тасаввур уйғотади:

Кўр сат/ жа мо линг/ мас то/ на лар ға,
– – v – – – – v – –
Иш қинг/ да куй ган/ пар во/ на лар ға.
– – v – – – – v – –

Ёки:

Кўнг лум /ни бер дим/ сан бе/ ва фо ға,
– – v – – – – v – –
Куй ди/ ю ро ким/ жаб ру / жа фо ға.
– – v – – – – v – –

"Соқийномаи мўғулчаи Бузрук", "Рост", "Дугоҳ", "Сегоҳ" мақомларида куйланадиган шеърлар шу вазнда ёзилган.

Раҳимбобо Машраб ижодида мустазод жилвакор, ўйноқи, ошиқ-маъшуқларнинг айтишувларига асосланган янги бир мазмунда намоён бўлди. Мустазод мазмунан қатъий мураккаб қолипларга тушиб қолган жанр тушунчасидан, жонли, оҳангдор, маълум сюжет ва композицияга эга бўлган шеърий шаклга айланди. Бу жанрнинг сифат ўзгаришида албатта Машрабнинг халқчил услуби ўз таъсирини ўтказди. Унинг маълум бўлган мустазод жанридаги барча 21 шеъри шундай ёқимли, равон услубда ёзилган. Улардан айримларининг вазнларини келтириб ўтамиз.

**Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуфи мустазод**:

мафъулу мафоийлу мафоийлу фаулун
– – v v – – v v – – v v – –
мафъулу фаулун
– – v v – –

Машраб мустазодидан намуна:

Эй мо ҳ(и),/ не тай, иш қинг/ ў ти ай ла/ ди рас во,
– – v v – – v v – – v v – –
де во на/ бў луб ман,
– – v v – –

Иш қинг ў/ ти сий нам у / за дур, сен га /не парво,
– – v v – – v v – – v v – –
пар во на/ бў луб ман.
– – v v – –

**Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсури маҳзуфи мустазод** вазнининг парадигмаси қуйидагича:

мафъулу мафоийлу мафоийлу мафоийл
–– v v––v v– –v v – ~
мафъулу фаулун
– – v v––

Машраб мустазодидан намуна:

Сенсан му /лу ку сал та/ на тинг о ла/ ма тўл ғон
– – v v– – v v – – v v – ~
ким бар ча/ ди наъ ло,
– – v v – –
Бу жо ну/ кў нг[1]ул иш қи/ нг[2]а ро вола /ю ҳай рон,
– – v v – – v v – – v v – ~
эй о ра /зи зе бо.
– – v v – –

**Ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсури мустазод** вазни парадигмаси:

Мафъ у лу ма фо ий лу ма фо ий лу ма фо ийл
– – v v – – v v – – v v – ~
мафъулу мафоийл
– –v v – ~

Машраб мустазодидан намуна:

Ногоҳ кў/ ру нуб жил ва/ қи либ ўт ти/ па ри(й) зод
– – v v – – v v – – v v – ~
Бағ рим ни /қи либ қон.
– – v v – ~
Фур қат и/ ла ғам даш ти/ да дил ай ла/ ди но шод
– – v v – – v v – – v v – ~
Ул ваъ да /си ёл ғон.
– – v v – ~

---
[1] ң
[2] ң

## Шеърлар ва Раҳимбобо Машраб услуби

Ўзбек адабиётшунослигида Машраб ижоди маълум даражада тадқиқ этилган бўлса-да, ҳали ўз тадқиқотчиларини кутаётган тўпламлар, "Девонаи Машраб"нинг турли нусхалари мавжуд. Буларни тадқиқ қилиб, саралаб тўплаш, айни вақтда Машрабга нисбат берилувчи ўзга адибларнинг шеърларини, савияси паст котибларнинг шеърий киритмаларини муомаладан чиқаришнинг вақти келди. Бунда биринчи ўринда Машрабнинг ҳеч кимникига ўхшамаган шеърий услуби асосий мезон сифатида қабул қилиниши керак.

Жалолиддин Юсупов нашрга тайёрлаган "Машраб. Девон"да Раҳимбобо Машрабга тааллуқли бўлмаган бир қатор шеърлар бор. Мазкур шеърларда биз билган Раҳимбобо Машрабнинг оташнок руҳи сезилмайди, уларнинг мазмуни кўпроқ Сўфи Оллоёр панд-насиҳатларини ёдга солади. Қолаверса, «Иброҳим Адҳам» каби халқ китобларида бу хил намуналар кўп учрайди. Улар билан Раҳимбобо Машрабнинг айрим мисраларини қиёслаб кўрамиз:

«Девон»да: *Қани марде қиёмат хавфидин тар бўлса мужгони,*
*Бўлур Жаннатга дохил дилда кўп бўлса пушаймони...*
*Ҳамиша ваҳми Дўзах бирла доим чашми тардурман,*
*Азалдин бенаво келган гадойи дарбадарман,..* (510)

Машраб: Урайинму бошима саккиз Биҳишту Дўзахин
Иброҳимдан қолғон ул эски дўконни на қилай?!..(61)

Жаннату Кавсар манам, ҳам Дўзаху Сақар манам,
Бир ўзумдурман бу дам, ҳафт осмонга сиғмадим….(139)

Қаландар Машрабингман, икки оламни тепиб ўттум,
Биҳишту ҳуру ғилмонинг пучак пулга сотиб ўттум… (181)

…Дўзах ўти сув бўлғай ишқинг ўтидин, Машраб,
Ишқинг ўтидин ташлаб они қурутай дерман. (193)

Агар ман наъра урсам, қўрқаман Маҳшар куяр дерман,
Тушуб Дўзахга оташ мўмину кофар куяр дерман,
Дилимни дардига Жаннат билан Кавсар куяр дерман… (498)

«Девон»да: *Қиёмат ваҳмини ёдингга ол, шому саҳар дод эт,*
*Сари қабрига борсанг, навҳа қил, бисёр фарёд эт,*

*Агарки ҳаж талабсан муъминенинг кўнглини шод эт,*
*Иморат қилма дунёда, динингни мунда обод эт,*
*Ки кўргил ер юзинда бўлди вайрон яхши айвони...* (406)

Машраб: Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ на керак?!
Иброҳимдин қолғон ул эски дўконни на қилай?!..
Аршнинг кунгурасин устига қўйдум оёғим,
Ломакондин жой олибман, бул маконни на қилай?!..(61)

Ҳожат эмас ул Каъбаву бутхонага бормоқ,
Ман гавҳари мақсуд олайин деб ёна қолдим... (93)

«Девон»да: *Қиёмат иссиғида жумла умматларға шарбат бер,*
*Сирот устида маътал қилмағил, бизларга ҳиммат бер,*
*Муҳаммад ҳурмати бул оси умматларга Жаннат бер,*
*Ато қил Жаннатул-фирдавс, бул умматларга ҳурмат бер,*
*Худо: Кел банда! Деб чорлайду(р),ғафлат бирла ётманглар,*
*Қиёмат кун Расулуллоҳнинг олдида уётманглар,*
*Мабодо қўрқаман тарсо сифат Дўзахга кетманглар.* (532)

Машраб: Висол айёми бўлғонда, кўрунг, бахти сиёҳимни,
Бошимға келса ёрим-ман ётиб ухлаб, бўкиб ўттум. (181)

Ажаб эмаски, «Девонаи Машраб» қиссасида «зоҳидона» мазмундаги шеърларни котибнинг ўзи, худди-ки «Қиссаи Иброҳим Адҳам»даги Иброҳим Адҳамнинг номидан келтирилаётган шеърлар каби қиссаларга киритган.

Айрим шеърларнинг охирида муаллифнинг қўйиладиган тахаллуси ўрнида Машрабга мурожаат ёки унинг сифатлари келтирилади. Машраб шеърлари сифатида келтирилаётган мазкур мисралар мантиқан олиб қараганда соҳта Машраб ёки Машрабга тақлид қилиб юрган бир ҳаваскорнинг гапи бу. Мазкур тақлидчи шеър ёзиш бобидаги шуҳратини Машрабникига ўхшатмоқда-ки, бундай машқларни Раҳимбобо шеърлари орасидан ажратиб олиш мақсадга мувофиқ:

*Олими нукдадон манам, пири ҳидоятхон манам,*
*Шуҳрати шеър бобида Машраби муътабар ўзум.* (172)

Қолаверса мазкур шеърларнинг мазмун-моҳияти Машраб руҳиятининг ижод маҳсули эканлигини ҳам шубҳа остига олади. Жумладан, *«Чун азалдин бўлмишам ман хаставу бахти қаро»* мисраси билан бошланувчи мусаддаснинг муаллифи шеърнинг сўнгги бандида Машрабнинг ўзини истамоқда:

*Эй ёронлар, булбули боғи жаҳон Машраб қани?*
*Туштийи ширин забон, шаккарфишон Машраб қани?*
*Мискину шўрида дилга роздон Машраб қани?*
*Гавҳари ноёби соҳиб достон Машраб қани?...* (526)

*«Азалда халқ этиб қилди фариштадин аъзам»* мисраси билан бошланувчи мусаббаъ халқ китоблари руҳида ёзилган. Шеърнинг иккинчи банди нафақат тасаввуфона балки сўфиёна мазмунда ҳам эмас, унда шоир катта даъво билан бутун умматларнинг тақдирини ҳал қилиб қўйгандек тасаввур уйғотади:

*Ҳамадан илгари ғарқи баҳри раҳматмиз,* (13 ҳижо)
*Ки аҳли Дўзах эмасмиз, аҳли Жаннатмиз*, (13 ҳижо)
*Худонинг бандасимиз, лойиқи саодатмиз,* (14 ҳижо)
*Ҳазор шукур қилинг, мўмин, Расулга умматмиз,*(14 ҳижо)
*Ки аҳли суннату ҳам пайрави шариатмиз,* (14 ҳижо)
*Нечук саодат эрур соҳиби бу давлатмиз,* (14 ҳижо)
*Сан асло ғам ема, эй банда, Раббано чорлар,* (14 ҳижо)
*Шикаста умматисан, тонгла Мустафо чорлар...*(14 ҳижо) (537)

Сўнгги бандда муаллиф тахаллусини келтириш ўрнига «шаҳид бўлган» Машрабни зўр ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олмоқда:

*Расулнинг наътиға умрини айлаб адо Машраб,* (15 ҳижо)
*Сафойи қалб топиб, бўлди дилбино Машраб,* (13 ҳижо)
*У*(?) *хонадониға қилиб жонин фидо Машраб,* (14 ҳижо)
*Сабаб бул эрди шаҳид бўлди пурбало Машраб,* (14 ҳижо)
*Худонинг олдида йиғлаб бу додхоҳ Машраб,* (13 ҳижо)
*Тамомий умматиға бўлди хунбаҳо Машраб,...* (14 ҳижо) (538)

«Девон» да «Қиссаи Иброҳим Адҳам»( Қиссаи Иброҳим Адҳам. Хувайдо, Достони ИброҳимАдҳам (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Қ.Тоҳиров).-Самарқанд: Зарафшон, 1993. - 108 б.) асарида мавжуд бўлган айрим шеърлар билан шаклан ва моҳиятан жуда ўхшаш шеърлар бор. Масалан:

«Қисса»да: Эй ёронлар, саҳар чоғи тарки жаҳон қилиб кетди,
Юрагимга қўйиб доғни мани сўзон қилиб кетди.[1]

«Девон»да: Мани олам аро Мажнуни бесар қилди-ю кетти,
Саримға солди савдони ,қаландар қилди-ю кетти...(398)

Энди иккала китобда келтирилган «Мустафо» радифли мухаммасларнинг айрим бандларини келтириб ўтамиз:

«Қисса»да: Бир назар қилғил манга Одам сафийни ҳурмати,
Ҳам Халили, босафо, Нуҳ набининг ҳурмати
Юз йигирма тўрт минг ўтган набининг ҳурмати,
Ҳам Абубакру Умар, Усмон, Алини ҳурмати,
Равзаи покингга келдим, ё расули Мустафо.[2]

«Девон»да: Эй баҳаққи чун жамийи анбиёнинг ҳурмати,
Нуҳ билан улдам Халили босафонинг ҳурмати,
Куҳи Тур устида роз айтган Мусонинг ҳурмати,
Аррани бошига олган Зикриёнинг ҳурмати,
Умматим дей-дей адо бўлган Муҳаммад Мустафо...(487)

Мухаммаснинг сўнггида Муҳаммад (с.а.в.) билан Машрабнинг йўқланишидан бўлак ҳеч бир муаллифнинг тахаллуси келтирилмаган:

Йўқлагайсан Рўзи Маҳшар, Мустафо, Машраб қаний?
Рўзи Маҳшар пешво бўлган Муҳаммад Мустафо…(487)

Қуйидаги қиёслашлар ҳам икки асардаги айрим шеърларнинг кўп жиҳатдан ўхшаш, ҳаттоки такрор мисралар учрашини кўрсатиб турибди:

«Қисса»да: Манингдек интизору зору ҳайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўкарганда қуруб ер бирла яксон бўлмасун ҳеч ким,
Мисоли ғунчадек чоки гирибон бўлмасун ҳеч ким,
Мисоли чуғздек афтода, вайрон бўлмасун ҳеч ким,
Вужудим шаҳрига Искандаримдин айрилиб қолдим.[3]

«Девон»да: Манингдек интизору йўлда ҳайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўкарганда қуруб ер бирла яксон бўлмасун ҳеч ким,
Мисоли андалиби бегулистон бўлмасун ҳеч ким,

---

[1] Қиссаи Иброҳим Адҳам. – Самарқанд: Зарафшон, 1993. – 33-б.
[2] Ўша асар. 53-б.
[3] Ўша асар. 60-б.

Бу бекасликда мандек хонавайрон бўлмасун ҳеч ким,
Кўзидин хун тўкуб, бағри тўла қон бўлмасун ҳеч ким... (451)

«Қиссаи Иброҳим Адҳам» қиссасида қуйидаги бандлар билан бошланувчи икки мухаммас бор:

Эй мени кўнглимни олган ғамғусорим қайдасан?
Марҳами реши дилим, руҳи равоним қайдасан?
Ҳолима раҳм айлагил, эй шаҳсуворим, қайдасан?
Мубтало бўлдим букун, умидворим қайдасан?
Гулруҳим, оташ мижозим, лолазорим қайдасан?..[1]
Гул юзингни кўрмадим, эй қиблагоҳим қайдасан?
Излабон келдим сани пушту паноҳим қайдасан?
Шаҳри Балхнинг подшоҳи меҳрибоним қайдасан,
Қиблагоҳим, мушфиқим ҳам узрхоҳим қайдасан?
Каъбайи нури ҳидоят подшоҳим қайдасан?..[2]

Машраб «Девон»ида *«Эй сафобахши баҳорим, бўстоним, қайдасан?»* (457), *«Булбули бечораман, эй гулситоним, қайдасан?»* (459) мисралари билан бошланувчи икки мухаммас ва *«Интизорингдин чиқодур жоним, эй жон, қайдасан?»* (205), *«Эй манинг нозик ниҳол ороми жоним, қайдасан?»* (206) бошланмаларига эга бўлган икки ғазал келтирилган. Келтирганимиздек,«Девон»даги шеърларнинг матни «Қисса»даги шеърлар билан солиштириб кўрилса, жуда кўп жиҳатдан ўхшаш ва такрор иборалар кўзга ташланади. Шундай фикрни «Қисса»даги «қилмади» радифли ғазал билан «Девон»даги шу радифли мухаммасни қиёслаганда ҳам маълум бўлади:

«Қисса»да: На ҳикматдур, худовандо, ғарибу бенаво қилдинг,
Солиб бошимга минг савдо халойиқдин жудо қилдинг.[3]

«Девон»да: На учун бурун ўзунгга мани дўсту ёр қилдинг?
Ёқиб ишқ ўтини жонга мани беқарор қилдинг?
Нега фурқатинг йўлида мани хори зор қилдинг?
Айириб у манзилимдин мани бедиёр қилдинг?
Фироқинг чўлига ташлаб тўла интизор қилдинг...(384)

Бу шеърларни Ҳувайдонинг «Қилдинг» радифли

---

[1] Қиссаи Иброҳим Адҳам. – Самарқанд: Зарафшон, 1993. – 10-б.
[2] Ўша асар. 61-б.
[3] Ўша асар. 73-б.

ғазали билан солиштириб кўриш ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Икки манбадаги яна бир қанча ўхшаш шеърлар бор:

«Қисса»да: Эй малаксиймо парикин, ҳурмисан, ғилмонмусан?
Ким бу сурат бирла ҳайронамки, инсу жонмусан?
Даҳри ғурбат қасрида сан Юсуфи давронмусан?
Лолайи ҳумромусан ё гавҳари уммонмусан?
Ё малоҳат конидин янги очилған гулмусан?..[1]

«Девон»да: Эй санам, гул-гул ёнибсан май ичиб рахшонмусан?
Барқ уродур ой юзунг, ҳай-ҳай, маҳи табонмусан?
Хош кулиб бергил жавобим, жонмусан, жононмусан?
Оллоҳ-оллоҳ пора кўнглум тахтиға султонмусан?
Шишайи жонимға тушган бир пари жавлонмусан?...(455)

Эй санами парилиқо, жилвагари жаҳонмусан?
Оби ҳаёт-лабларинг, дилбари хуш забонмусан? (201)

Шунингдек, яна бир тоифа шеърлар борки улардаги мазмунни агар каромат дейилмаса, шеърлар муаллифи бошқа бир шахс, деган хаёлга олиб келади:

Қонимни тўкар эрмиш Балх шаҳрида Маҳмудхон,
Такдири азал бўлса, найлай, анга бермай жон...(218)

Ёки:

Онаи зоримга берманглар хабар,
Балх шаҳрида қазо топсам керак.(115)

Ёки:

Машрабингга косаи маргдур шаҳодат нўш этар,
Балх аро Маҳмуд қўлида мубтало қилган ўлум. (171)

Ёки:

Шавқи муҳаббатингда кезиб Балх шаҳрини,
Ҳатти шаҳидликни кўриб ошкор ўқуй...(112)

«Девонаи Машраб» қиссаси нусхаларидаги шеърлар муаллифи масаласи билан боғлиқ ушбу кузатишлар асосида шундай хулосаларга келиш мумкин:

1. Барча халқ китобларига анъанавийлик ва вариантлилик хусусияти хос. Қиссаларда мавжуд шеърларга ижодий ёндашишади. Шеърлар шакли ва мазмуни сақланиб қолин-

[1] Қиссаи Иброҳим Адҳам. – Самарқанд: Зарафшон, 1993. – 10-б.

ган ҳолда бошқа бир қиссада келтирилади.

2. «Девон»даги панд-насиҳат шунингдек, вазни бузилган, ғализ жумлалар учрайдиган шеърлар Раҳимбобо Машрабнинг қаламига мансуб эмас. Улар услуб нуқтаи назаридан фарқланади. Бу шеърлар икки хил:

а) халқ китоблари анъаналари асосида «Девон» га кириб қолган шеърлар. Бундай шеърлар қиссадаги маълум бир воқеа-ҳодисанинг насрий баёнида келтирилган ҳодисанинг мантиқий давомини ўзида лирик тарзда акс эттириши мумкин.

в) бошқа ижодкорларнинг шеърлари.

Машраб тахаллуси келтирилган барча асарларни Раҳимбобо Машрабга тааллуқли, деб бўлмайди. Жалолиддин Юсупов тайёрлаган «Девон»даги шеърлар ҳам бир неча шоир маҳсули. Тўпламдаги бир тоифа шеърларда оташнок хулқли, ҳақ сўздан тап тортмайдиган, эл ва эрк учун толмас курашчи услуби акс этса; қолган шеърларда шариат аҳкомларига кўп эътибор қаратадиган, зуҳд, тақво ва ибодатни қўллайдиган, нариги дунё азобларидан қўрқадиган, огоҳлантирадиган сўфий услуби кўринади.

Раҳимбобо Машраб шеърларини бошқаларнинг асарларидан ажратишда уларнинг бадиийлигига ва шоирнинг феъл-атвори, дунёқараши, маънавий эътиқоди таъсирида пайдо бўлган ўзига хос услубига ва бадиий маҳоратига диққат қилиш керак. Сўфи Оллоёр ва Ҳофиз Рўзибой Машраб сўфиёна услуби Раҳимбобо Машраб услуби эмас.

Келажакда Раҳимбобо Машраб шеърларининг тўпламларини нашр қилишда ноширлар ушбу жиҳатларга эътибор қаратишлари лозимга ўхшайди. Шу мулоҳазани “Мабдаи нур” каби асарларга нисбатан ҳам билдириш мумкин.

## “Мабдаи нур” ибтидоси масаласи

Ўтган асрнинг 90 йиллари бошларигача “Мабдаи нур” ва “Кимё” асарлари Машрабга тегишли эмас, деган фикрлар мавжуд бўлганлиги сабабли улар тадқиқотчилар назаридан четда қолиб кетди. Жалолиддин Юсупов нашрга тайёрлаган Машрабнинг “Меҳрибоним қайдасан” номли шеърлар тўплами[1] нашр қилингач, бу асарга муносабат ўзгарди. Адабиётшунос олим Исматулла Абдуллаев 1991 йил эълон қилган “Машраб ва Мабдаи нур” мақоласида[2] ушбу икки асарнинг муаллифи Раҳимбобо Машраб эканлигини манбалар асосида исботлаб беришга ҳаракат қилди. Бироқ 1997 йили нашр бўлган «Ҳофиз Рўзибой Машраб» номли китобда бу фикрлар таҳлил қилинди. Китобнинг Поён Равшанов томонидан ёзилган «Кириш» қисмида «Мабдаи нур» асари муаллифи муаммоси якун топмаганлигини айтади: «Қайд қилиш ўринлики, «Мабдаи нур» ва «Кимёи саодат»нинг муаллифи муаммоси бор нарса ва у 50 йиллар охирларида ўйлаб топилган эмас. Ҳофиз Рўзибойнинг исми шарифига Машраб тахаллусининг кўшилиши ўзи бежиз бўлмай, у кўп маънони англатади. Лекин, гап шундаки, бадиий тасаввуф тарихида салмоқли ўрин тутадиган бу икки асарлар муаллифи масаласини бира-тўла ҳал қилиш осон иш эмас. Унисини ҳам, бунисини ҳам ёқлайдиган ва инкор этадиган далилларни истаганча топиш мумкин.»[3] Хўш, унда Ҳофиз Рўзибой ҳақидаги маълумотлар қаердан ва ким томонидан аниқланиб, XVII – XVIII-асрларда яшаган Машраб тахаллусли шоирлар қаторига киритилди? Бу масалага ойдинлик киритиш мақсадида яқин ўтмишга мурожаат қилишни маъқул топдик.

В.Л.Вяткиннинг «Фарғоналик мистик девонаи Машраб» номли мақоласида Машраб ҳақида қизиқарли маълумотлар берилади. Раҳимбобо Машрабга нисбат берилган «Мабдаи нур» асарлари муаллифи асли фарғоналик бўлган Машраб тахаллусини қабул қилган бошқа бир шоир эканлиги кўрсатилади.

---

[1] *Боборaҳим Машраб.* Меҳрибоним қайдасан. – Т., 1990.- 416 б.
[2] *Абдуллаев И.* Машраб ва "Мабдаи нур" //Ўз.АС. 1991. 12 апрель № 15.
[3] *Равшанов П.* ва бошқ. Ҳофиз Рўзибой Машраб.– Т.: Шарқ, 1997. – 9-б.

Раҳимбобо Машраб ва унинг ижодиётига бўлган бу хил муносабат Абдурауф Фитратнинг 1930 йилдаёқ эълон қилинган «Машраб» номли мақоласида[1] инкор этилади. Олим «В. Вяткин мана шу тарихий манқаба қаҳрамони бўлган Раҳимбобо Машрабнинг бир киши эканлигини оча олса эди, бу даврда яна афсонавий бир Машраб ўйлаб чиқаришга лузум қолмас эди албатта»[2] деб фикрини исботлашга ҳаракат қилади.

1959 йил Ғафур Ғуломнинг «Икки Машраб» мақоласи эълон қилинди. Мақолада қуйидагича фикр юритилади: « XVII – XVIII асрдаги ўзбек адабиётида эса Машраб деган икки шоир бор. Булардан бири бизнинг севимли шоиримиз Раҳимбобо Валибобо ўғли Машрабдир. Иккинчиси, билмадик, Ўзганда туғилиб Наманганда яшаганми, Мулло Рўзи Охун деган сўфий шахсдир. Бу одам ўзига Машраби Соний, деб тахаллус қўйган. Бу киши Бобораҳимдан 40-50 йиллар кейин яшаган бўлиши эҳтимол. Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институтида унинг унинг девони сақланади. 9968 номерли бу девон шоирнинг қўлёзмаси эмас, анчагина хушхат котиб томонидан кейинроқ кўчирилган бир нусхадир. Ҳалигача Бобораҳим Машрабга иснод бўлиб келган «Мабдаи нур» номли сўфиёна аҳлоқий тизма асар шу мулла Рўзи Охуннинг асари экани аниқ ва равшан бўлди.»[3] Ушбу мақоладан кейин Фитратнинг юқоридаги фикри инобатга олинмай, асосан В. Вяткин концепцияси олға сурилди. Бу ҳолат келтирганимиздек ўтган асрнинг 90 йиллари бошларигача давом этди. Кейинги изланишлар Мулло Рўзи Охун ҳақидаги маълумотларга ўзгартиришлар киритди. Жумладан, Жалолиддин Юсупов Машраб шеърлари тўпламига ёзган «сўнгги сўз»ида нисбатан янги сифат касб этган ушбу фикрни келтиради:

“Ҳофиз Рўзибой Бобораҳим Машраб қатлидан юз йиллар кейин туғилиб, Қарши шаҳрида, кейинчалик Наманганда яшаб ўтган тарихий шахс.

У Ўрта Осиёнинг Россия босиб олган (1865-70) йилларда

---

[1] *Фитрат А.* Машраб //Илмий фикр.-1930.-№1.17-30 б.
[2] Ўша асар. 25- б.
[3] *Ғафур Ғулом.* Икки Машраб. /Қизил Ўзбекистон. 1959. 12 июль.

ҳаёт бўлган. Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти фондида сақланаётган 5735 рақамли «Саду як банди Мушфиқий» китобига ўзбек тилида “Таркиббанди Ҳофиз Рўзибой» ҳам қўшиб босилган. У шундай бошланади “Они учун келди урус...” Абдураҳмон Маҳмуд Рўзибойнинг пиридир. Рўзибойнинг кўрсатишича, бу шахс ҳижрий 1260 (милодий 1840 й.) вафот этган. Демак, Ҳофиз Рўзибой XIX аср бошларида туғилган. Баъзи тадқиқотчилар таъкидлаганидек, у Бобораҳим Машрабдан 40-50 йиллар кейин эмас, балки юз йиллар кейин туғилган.”[1]

Ж.Юсупов Ғ.Ғулом кўрсатган китоб ҳақида «9968 инвентарь рақамли “Мабдаи нур”нинг 1-варағида эса «Машраби Соний Мулло Рўзибой Урасоний» деган ёзув бор. Аммо, шу китоб таркибидаги айрим ғазаллар, «Мабдаи нур» ва «Кимё» китоблари Бобораҳим Машрабгами ёки Машраби Сонийгами тегишли эканлигини яна бир бор ўрганиб чиқиш кераклигини тақозо этади»[2]-дейди. И. Абдуллаев 9968 инвентардаги «Мабдаи нур» асарини Раҳимбобо Машрабга тегишли эканлигини, ундаги ғазаллар сўфиёналиги, тили ва мазмуни жиҳатидан, радифлар ва иборалар билан, ғазалларда учровчи «Шоҳ Машраб», «Девона Машраб» сўзлари билан далилламоқчи бўлади.

“Мабдаи нур” - нурнинг ибтидоси, бошланиши, деган маъноларни англатади. Мазкур асар Жалолиддин Румийнинг машҳур “Маънавий маснавий” асари таъсирида ёзилган шеърий асар бўлиб, уч дафтар (боб) дан иборат. Асарда дастлаб Маснавийдан

*Бишнав аз най чун ҳикоят мекунад,*
*Аз жудоиҳо шикоят мекунад. –*

(بشنو از نی چون حکایت می کند          از جدایی ها شکایت می کند)

байти келтирилади ва шарҳланади. Асарда пайғамбарлар, шоҳлар, валийлар, машҳур шайхлар ҳақидаги кўплаб ибратомуз ҳикоя ва ривоятлар келтирилади. Бундай ҳикоялар жами 132 та

---

[1] *Бобораҳим Машраб.* Меҳрибоним қайдасан. –Т., 1990. – 360-б.
[2] Ўша асар. 361-б.

бўлиб, улардан 46 таси биринчи дафтардан, 59 таси иккинчи дафтардан, 27 таси учинчи дафтардан жой олган.

И. Абдуллаев «Мабдаи нур» асарини нашрга тайёрлаб машрабшунослик учун ниҳоятда муҳим ишни амалга оширди. Бу нусха “Мабдаи нур” асари ҳақида маълум тушунчаларни ҳосил қилишда аҳамият касб этади.

2010-2011 йиллар давомида “Мабдаи нур” ва унинг атрофидаги масалалар устидаги баҳс **“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”** ҳафталигида янги сифат ва даражада давом этди. Баҳс жуда фойдали бўлди. Шу ерда икки машрабшунос олим Абдулла Жаббор ва Абдусаттор Жуманазарнинг мазкур баҳсга бағишланган “ЎзАС” даги сўнгги мақолаларининг айрим қисмларини келтириб ўтишни жоиз топдик. Абдулла Жаббор “Бир баҳоре топ, ҳазони бўлмасун” мақоласида Абдусаттор Жуманазарнинг фикрларига қуйидагича эътироз билдиради: “Энди “Мабдаи нур” Ҳофиз Рўзибой қаламига мансублигини исботлашга бағишланган “Мабдаи нур” ва калаванинг икки учи” мақоласи ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтамиз ва бу асарга Ҳофиз Рўзибойнинг алоқаси йўқлигини шу мақоладан келиб чиқиб исботлашга ҳаракат қиламиз...Мана бу мисраларни эса уйланиб, қатор-қатор бола-чақа қилиб, пири бадавлат умр кўрган ҳофиз Рўзибойники эканлигига ишониб бўладими:

Биров фарзанд доғида, биров муштоқи дунёда.
Ғараз ҳар дилга боқтим, ҳеч вақти бежароҳат йўқ.

Улуғ пири муршидлар этагини маҳкам тутган 25-30 ёшли Мулла Рўзибой қуйидаги байтни битишга устозларидан уялган бўлур эди:

Юритгин тобутимни истиқомат қолмади менда.
Қани ул ғавси комилларки ҳаргиз йўқтур осори.

Камина мақолада келтирилган “Солиҳ соҳибназар Машраб Мулла Рўзибой” мисрасида “Мабдаи нур” асарини ёзганман, деган одамни эмас, шоҳ Машраб руҳониятидан файз топган – Машраб назарига етишган солиҳ Мулла Рўзибойни кўриб турибман... Мақола муаллифи “бу шеълар

мазмуни “Мабдаи нур” ҳақиқатан ҳам Рўзибой Машрабга тегишли дейишга бизни мажбур этади”, деган фикрини ўзгартириши учун шу далиллар етар.”[1]

Абдусаттор Жуманазарнинг “Олтмиш олти байт ёғдуси” мақоласи шундай хотимага эга: “ Олти иқлимдан иборат “Мабдаи нур” оламининг қайси дарвозасидан кирсак, барчасида бизни Рўзибой Машраб кутиб олмоқда. Олтмиш олти байт ёғдусидаги ранг-баранг чизгиларда “Мабдаи нур” қадди ва унинг ёнида муаллиф қиёфаси шу тариқа ёришиб бораверади...

Кимдир “йўқ” муаммо тўғрисида гапирди. Яна биров икки Машрабни бир-бирига қарама-қарши қўйиш керакмаслиги ва баҳсга ҳожат йўқлигини айтди. Фикримизни ўзгартиришга “етарли далиллар” келтирилди. “Талашмаслик” учун насиҳатлар бўлди...

Сиз бор-йўғи Шарқшунослик институтидаги оддий ва одатий бир иш жараёнига тўқнаш келдингиз. Унда икки Машраб зиддияти эмас, Матн ва Тадқиқотчи қарама-қаршилиги ҳақида гап борди. Тадқиқотчи: “Бу асар Бобораҳим Машрабники!” дейди. Матн бутунлай тескарисини кўрсатади. Ҳайрон бўлдик, лекин бир нарса аниқ – матн ҳамиша ҳақ.”[2]

Демак, икки олим “Мабдаи нур” муаллифи масаласида ўз тушунчаларида қолишган. Фикримизча, бунда яна қуйидаги ҳолатларга аҳамият бериш зарурга ўхшайди:

1. “Мабдаи нур”нинг ўрганилмаган нусхалари тадқиқига;

2. Бизнинг шахсий кутубхонамиздаги “Девонаи Машраб” қўлёзмасида юқорида келтирганимиздек, Машрабнинг Арабистонга боришдан олдин Рум (Туркия)га борганлиги ривоят қилинган. Бу ҳолатга ва Машрабнинг Жалолиддин Румий таъсирида шеърлар ёзганлигига;

3. “Иброҳим Адҳам” каби қиссаларда асар қаҳрамонига нисбат берилган кўплаб шеърлар учрайди. Бироқ, уларнинг

---

[1] *Абдулла Жаббор.* “Бир баҳоре топ хазони бўлмасун”. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011.27 май № 22.

[2] *Абдусаттор Жуманазар.* Олтмиш олти байт ёғдуси. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011. 5 август № 32.

қаҳрамонга қанчалик тааллуқли эканлиги аниқ эмас. Жумладан, “Иброҳим Адҳам” халқ китобидаги шеърларнинг ҳеч бири Иброҳим Адҳамники эмас. Бу хил жиҳатларга;

4. “Мабдаи нур”даги шеърлар ичида сўфий (шариат аҳкомларига итоат қилувчи) Машраб ва мутасаввуф ( диний тушунчалардан Ҳақ дийдорини устун қўядиган) Машраб шеърлари қоришиқ келтирилган. Матн орқали услублар масаласига жиддий эътибор бериш ва уларни бир-биридан ажратишга;

5. “Мабдаи нур” дастлаб Раҳимбобо Машраб томонидан ёзилганлиги ёки ёзила бошлаганлигига, кейинчалик, Ҳофиз Рўзибой каби ижодкор томонидан жиддий узгаришларга юз тутар даражада қайта таҳрир қилинганлигига;

6. Қашқарда Машраб ҳақидаги мавжуд манбалар ичида “Мабдаи нур” ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқлигига.

“Мабдаи нур” матнини юқоридаги ҳолатлар билан қувватлантириб янада жиддий ўрганиш, унинг муаллифи масаласига албатта ойдинлик киритади.

Фикримизча, кейинги вазифа «Мабдаи нур» асарини алоҳида тадқиқот объекти қилиб олиб, унинг айниқса, уч жиҳатига ойдинлик киритиш лозим:

1. « Мабдаи нур» асари генезиси.

«Икки Машраб» масаласи. «Мабдаи нур» асари яратилган давр, шароит ва муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари. Машрабнинг мавзуга мурожаат қилиши сабаблари, мавзу генезиси. Жалолиддин Румий яшаган давр, «Маънавий Маснавий» асарининг яратилиш зарурати, сабаблари.

Тасаввуфдаги жаҳрия оқими, ўзига хос хусусиятлари, унинг адабиётга, жумладан, Румий ва Машраб ижодларига таъсири масаласи. Адабиётда янгича метод ва анъананинг юзага келиши.

2. «Мабдаи нур» асари маърифати.

Илоҳиёт, сўфийлик ва «Мабдаи нур» асари, ундаги фалсафий ғоялар, оят ва ҳадислар, ривоятлар ва иборалар заминида ирфоний тушунчаларнинг акс этиши. «Мабдаи нур» асарида « ан - Нур» исмининг ботиний ифодаси. Тасаввуф босқичи сифатидаги маърифат мақоми ва унинг асардаги

талқини. Мусулмон оламида ўтган маърифат аҳли-машҳур мутасаввуф шайх ва авлиёларнинг тасвири, нафс ва дунёга ҳирс қўйиш кабиларнинг қаттиқ қораланиши, шоирнинг Ҳақни англамоқ ва ҳақиқатни билдирмоқ йўлида мазкур образ ва тушунчалардан панд-насиҳат, ўгит ва ибрат руҳида фойдаланишдаги маҳорати. Дидактика ва маърифат. Анъананинг ўзига хос тарзда давом эттирилиши.

3. «Мабдаи нур» асарининг поэтикаси.

«Мабдаи нур» сўфиёна руҳда ёзилган назмий-бадиий, аҳлоқий-тарбиявий асар сифатида. Унинг жанри, композицион қурилиши: шеърий уч дафтар - қисм, боб, фитрат жилд қисмларига ажратилиши сабаблари. Асарнинг маснавий усулида (ҳар байти учун алоҳида қофия), арузнинг рамали мусаддаси маҳзуф баҳри (фоилотун, фоилотун, фоилун) да ёзилиши. Бадиий воситалар ва қўлланилган санъатлар. Анъана ва янгилик масаласи.

## Машраб ва мақом санъати

XVII асрдан кейинги Хитой халқлари санъати ривожида Машрабнинг маълум бир ўрни бор. Машраб шеърларидаги ўйноқилик, мусиқийлик шоирнинг моҳир созанда, ҳофиз ҳам бўлганлигидан далолатдир. Манбаларда у ҳақда “Раҳимбобо ... хушовоз хонанда, сетор ва танбурни бағоят нозик ва нафис чертар эрди. Раҳимбобонинг ҳақ сўзи, оташнок ашъори нопок дилларни куйдургувчи эрди” деган маълумотлар ҳам бор. Машрабнинг мусиқа асбоблари номлари акс этган шеърлари ҳам мавжуд бўлиб, бундай асарлар шоирнинг қаландарона сафарларида эмас, балки муқим бўлганда, афтидан, Офоқ хўжанинг даргоҳидаги ҳаёти даврида ижод қилинган.

Машраб бир шеърида сетордан ҳам танбур унга дардкаш, кўнгил чигалларини ёзувчи, ёр васфини мусиқий пардага солганда танбур ғамларни йўқотиб, юракни ўртаб юборадиган даражада нағма қилишлигини қуйидаги мисраларда тараннум этади:

Сетор деманг ҳоли дилим сўрғучи танбур,
Кўнглим гиреҳин, ғамларини урғучи танбур...

Машрабнинг оташнок сўзи, ўзига хос ҳулқи, эркин табиати ҳар доим ҳам атрофдагиларга маъқул келмаган. Муршид атрофидаги турли лаганбардор, чақимчи, хушомадгуйлар ўзга юрт – Туркистондан келган ва маҳаллий халқ орасида кундан-кун обруйи ортиб бораётган шоир Раҳимбобони кўролмаган. Унинг шаънини камситиш, булғаш учун Офоқ хўжага не туҳмат сўзларни етказишмаган. Бунинг натижасида Машрабнинг дили озор чеккан, кўнгли ранжиган. Шундай дамларда дардини ўртоқлашадиган дўст сифатида мусиқани, унинг ижроси учун айнан танбурни танлаган. Дарҳақиқат, танбур дутор ва сеторга нисбатан куй ижросидаги тиниқ жарангдорлиги билан дардли кайфиятни ёзадиган хусусиятга эга:

Бир неча рақиблар сўзидин ғамзада бўлсам,
Ҳамдард бўлубон оғушима киргучи танбур. (263)





***Суратда сетор ва танбур акс этган***

Машраб яна бир шеърида сеторни ҳам хуш кўриб, уни турли мақом ва куйларга солиб, завқ-шавқ билан чертганлигини тасвирлайди. Демак, танбур кишининг ғамгин ҳолатини ифода этишда қулай бўлса, сетор нисбатан хушкайфиятни тараннум қилишда бошқа асбоблардан афзалдир:

Сеторим торига жон риштасидан тор эшиб чолсам,
Ани хуш ноласидин бевафони кўнглини олсам.

Қуйидаги байтда “Мақом” сўзи уч маънони ифодалайди: 1. мақом мусиқий жанрни; 2. соз чалишдаги усулни, 3. ёрнинг қилиғини.

Машраб мақом мусиқасида ўзига хос бир усулда ёрнинг унга бўлган муносабатини дилга жойлаб тараннум қилмоқчи. Лирик қаҳрамоннинг ёрига айтадиган нола-ю истаклари кўп. Бу арзи ҳолнинг баёнига бир-икки мақом ижроси камдек. Шу сабабли дил баёнига мақомларнинг олтитасини ҳам навбати билан чолмоқчи:

Мақом олиб мақом узра мақомин дилга жо қилсам,
Муҳаббат созиға созлаб ман онинг олдида чолсам.

Мақомларнинг изҳори дил баёнига мос даражалари бор. Шу сабабли ёрга мурожаатини дастлаб шоирнинг ўз ибораси билан айтганда мақомларнинг «атоси» бўлган «Хусайний» ва «Ажам»нинг ижроси билан бошламоқчи:

Мақомларнинг атосини «Хусайний»у «Ажам» дерлар,
Булардин ҳам юқори пардайида «Чоргоҳ» чолсам.

Кейинги байт чиройли сўз ўйини “Баёд” билан бошланади. Унинг ўз навбатида икки маъноси бир: 1. мақом номи, 2. “Ба ёди” деб форсча ўқилса,( ёрнинг) “ёдида” мазмуни. Мисра: “Дилбар ёдида навбати билан (олдинги мақомлардан кейин) “Баёд” ( ёрнинг ёдида) ни чалсам” , кейинги мисрада: “ Кўнгил бенаво (куйсиз) бўлганда, (навони ҳосил қилиш учун) “Наво”ни чалсам”, деган истаклар билдирилмоқда. Юзаки қараганда оддий байтдек туюлган бу мисраларда шоир сўз уйинлари, тажнис усуллари ёрдамида ажойиб, кичик бир санъат асарини яратган:

«Баёд»и дилбаримни ёдида чолсам паё-пайким,
Ки, кўнгул бенаво бўлғонидин айлаб «Наво» чолсам.

Машраб орада “Ушшоқ” (ошиқлар) мақомига ғазални мослаштириб, мусиқани саҳаргача чалишни ва тонгда ўрнидан туриб устозлардан янги тароватли усулларни ўрганиб ижро этишни мақсад қилмоқда:

Аролаб чолсам «Ушшоқ»у ғазални соза еткурсам,
Саҳарларда қўпуб машшоқлардин пурзиё чолсам.

Анъанага кўра, ғазалнинг сўнгги байтида Машраб ўзига мурожаат қилади ва қадаҳда май ичиб, мастликка ғарқ бўлишни

ва сархуш ҳолатда бир қўлига энди сетор эмас, балки танбур созини олишни, иккинчи илкида жом тутишни истайди. Демак, лирик қаҳрамон ёр ҳузурида олти мақомни ижро этиб бўлгач, яна ғамгин ҳолатга тушган. Машраб тасаввурида ёр мақомларни тинглаб бўлгач, ошиғини тарк этган шекилли, лирик қаҳрамон яна фироқ азобини бошидан кечиради. Ошиқнинг айриликдан ўртанаётгани унинг мастликка ғарқ бўлишни истаётганлигидан ва ғамли нолаларни ифодалашда қўл келадиган танбурга мурожаат қилаётганлигидан ҳам англаса бўлади:

Кел, эй Машраб, қадаҳ сунғил, бўлойин масту-мустағрақ,
Бир илкиға косаи танбур, бириға жомни олсам. (131)

Машрабнинг бу шеъри уйғурларнинг "Ўн икки муқом"нинг таркибига кирган "Роқ муқом"идан ўрин олган. Машраб мусиқага бўлган муносабатини нафақат ғазалларида, балки бошқа лирик жанрларида ҳам келтирган. Қуйидаги мустазодда шоир ғамгин кайфиятларнинг сози бўлган танбурни илкига олиб ҳижрон оқибатидаги нола ва афғонларини куйга солиб таранну́м қилмоқчи:

Ишқингда тепиб дунёни девона келибман, -
Ғурбатзада Машраб,
Танбур олибон қўлга қилиб нолаву афғон, -
Ҳажр ўтида лайло. (296)

Машрабнинг уйғур мусиқа санъатига чўнг (катта) таъсири бўлганлигини Абдурауф Фитрат ҳам қуйидагича келтириб ўтадилар: «Қитой Туркистонида классик музикамизнинг машҳур «Шашмақом» дан бошқа «Машраб» исмли ва 7 куйдан иборат яна бир мақом пайдо бўлғонини музикамизни текширувчи Зулом Зафарий менга хабар берди. Бу эса Қитой Туркистонида ҳалиги машрабхонлик мажлисларининг жудаям теранлашганини бизга очиқ билдирарлик далилдир». [1]

Марказий Осиёда яшовчи халқлар орасида мусиқага асосланган адабий туркумни ўзбек ва тожиклар «мақом», уйғурлар « муқом », туркманлар «муғам» деб аташган ва улар

[1] *Фитрат А.* Машраб //Илмий фикр.-1930.-№1.

асосан ғазал жанридаги шеърлардан таркиб топган. Уйғур муқомларининг тадқиқотчиси И.Аршидинов шу масалада ёзади: « Мақомларнинг куйи фақатгина аруз вазнида ижод қилган мумтоз шоирлар сўзларига танланади. Бунга ғазал ҳам мансубдир. Бу барча халқлар мақомлари учун ўзгармас қонун»[1].

Машрабнинг мусиқа асбобларига бағишланган юқоридаги шеърлари ҳам шу жанр маҳсули. Ўзбекларда айни вақтда мукаммаллашган олти мақом «Шашмақом» мавжуд бўлса, уйғурларда «Ўн икки муқом » бор. Аслида мақом санъати XIV-XVII асрларда Марказий Осиё, Хуросон ва Кавказ ортида яшаган халқлар мусиқа санъатида ўн икки мақом шаклида мавжуд бўлган. Улар асосан қуйидагича номланган: Ушшоқ, Наво, Буслик (Абу Салик), Рост, Ҳусайний, Хижоз, Роҳавий, Зангула, Ироқ, Исфаҳон, Зирафканд, Бузрук. Кейинчалик бу мақомлар ўзбек ва тожик мусиқачилик санъатида мукаммал-лашиш жараёнида шашмақом (Бузрук, Рост, Наво, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ) кўринишини олган. Ўзбек мумтоз мусиқа санъатининг ушбу йирик намоёндалари «Шашмақом» асарини талабга мос тарзда қойилмақом ижро этишган: Ота Жалол, Ота Ғиёз, Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Мулла Тўйчи Тошмуҳа-медов, Маъмуржон Узоқов, Юнус Ражабий, Жўрахон Султонов, Ориф Алимаҳсумов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Комилжон Отаниёзов, Орифхон Ҳотамов, Таваккал Қодиров, Отажон Худойшукуровлар шулар жумласидандир.

“Девони луғутит турк”да мусиқий атамаларнинг изоҳи келтири-либ, гоҳида мазкур термин қўлланилган қўшиқлардан намуналар келтирилади. Масалан, “كُوك – куг – куй. Мақом, қўшиқ ижросида белгиланган тартибда овоз пардаларини кучатириш ёки пасайтириш. اَرْ كُوكْلَنْدِي - эр кугланди. Эр киши овозини кучайтириб ёки пасайтириб, маълум мақомда қўшиқ куйлади.

Бу асарда ғазал, мақом, куй, маъносида يِير – йир атамаси қўлланилган.

---

[1] *Аршидинов И.* О двенадцати мукамах. - Алматы, 2002. – с. 52.

Машраб келтирган дутор, сетор, танбур каби мусиқа асбоблари бу номлар билан “Девону луғатит турк”да табиийки учрамайди. Бироқ, асарда сибизға, қўбуз, бўжи қўбуз, тўвил (довил, ноғора), уд, думбақ (ноғора) каби мусиқий атамалар ҳақида маълумотлар борки дутор, сетор, танбур мусиқа асбоблари кейинги вақтда туркий халқларнинг бошқа халқлар билан яқин маънавий-маданий муносабатга киришган даврларда яратилган, деган фикрни пайдо қилади.

Уйғур мусиқа санъати ҳақидаги дастлабки маълумотлар VII асрда яратилган «Суйшу» (Суй сулоласи тарихи) асарида мусиқага аталган бўлимда келтирилган. Унда келтирилишича, VII асрнинг иккинчи ярмида яшаган қучанлик нахшичи (қўшиқчи), усулчи(раққос) ва мусиқачи Сужуп беш босқичли ва етти тизимли куй чалиш қоидасини ишлаб чиққан. Кейинчалик бу қоидалар Хитой санъатида кенг қўлланила бошлаган.[1] VIII асрнинг бошида Шарқий Туркистонда уйғур муқомларининг дастлабки кўриниши «Чўнг нағма» (Катта мақом) яратилди.[2] “Юан сулоласи хотиралари”да келтирилишича, Тан сулоласи Қучадаги таъсирини мусиқанинг нотали ёзила бошлаганидан билиш мумкин бўлган. XIII асрда Венецияда яшаган Марко Поло қайдларида уйғурларнинг ракс, қўшиқлари ва мусиқий асбоблари ҳақида маълумотлар келтириб ўтган.[3]

XVI асрда яшаган Қодирхон Ёркендий «Назук нуқта» асарида замондош уйғур муқомчи мусиқашунослари ҳақида маълумот беради. Мусиқа асбоблари орасида рубобнинг бир тури – қашқар рубоби алоҳида эъзозга эга. Юсуф Қодирхон шу асбобни ислоҳ қилиб ҳозирги ҳолатга келтирган, ҳамда саккиз торлик «Ҳаштар» деб аталувчи мусиқа асбобини яратган. Маълумотларга қараганда, бу мусиқашуноснинг шогирдлари орасида хуросонлик, эронлик талабалар билан бирга хоразмлик ихлосмандлар ҳам бўлган.

---

[1] *Муһәммәт Имин Абдушукур.* Шинжаңниң Таң дәвридики нахша-усул сәнъити. Урумчи, 1980. 19-20 б.

[2] *Муһәммәт Имин Абдушукур.* Уйғур хәлиқ классик музыкиси «Он икки муқом » һәққидә. Урумчи, 1981. 43-46 б.

[3] *Поло Марко.* Книга Марко Поло. – М., 1955. – С. 81

Исматулла Негматулла Можизий 1854 йилда ёзган «Таварихи мусиқийюн» асарида X – XVI асрда яшаган Яқин ва Ўрта Шарқда ўн етти шоир ва мусиқачиларга оид қимматли маълумотларни келтириб, улар орасида Қодирхон Ёркендий ва Аманнисахонни санаб ўтади.

Уйғур муқомлари ўн икки муқомдан таркиб топган бўлиб, улар қуйидагилардир: Роқ (Raq), Чапбаят (Chapbayat), Мушавирак (Mushavirek), Чаригаҳ (Charigah), Панджигаҳ (Penjigah), Ўзҳал (Özhal), Ажам (Ejem), Ўшшақ (Oshaq), Баят (Bayat), Нава (Nawa), Сегаҳ (Ségah), Ирақ (Iraq). Бу муқомларнинг сўзлари асосан Лутфий, Саккокий, Навоий, Машраб, Залилий, Новбатий, Ҳувайдо, Низорий, Ғарибий ғазалларидан таркиб топган.

Эмин Турсун томонидан шеърлари нашрга тайёрланган Залилий ҳам замондоши Машраб сингари мусиқа ва рақс санъатига қизиққан ва ўз кузатишларини бу каби мисраларида келтириб ўтган:

Интиҳои шўхликдин айлади жонона рақс,
Лаблари гулгун, кўзи шаҳло, ўзи мастона рақс.
Хонақоҳ ичра агарчи сўфилар айлар самоъ,
Лек майдони муҳаббатда қилур девона рақс.
Эй кўнгул, токи уй ичра ўлтурурсан чун занон,
Кўчаву бозор ичида айлагил мардона рақс...[1]

Шунингдек, қадимги фольклор намуналари, “Ғарип ва Санам”, “Ҳурлиқо ва Ҳамражан”, “Юсуп ва Зулейҳа», «Юсуп ва Аҳмат», «Таҳир ва Зоҳра», турли панд-насиҳат мазмунидаги матнлар ҳам муқомларда куйланади. Арузга асосланган матнлар рамал ва ҳазаж баҳрларида ёзилган бўлиши шарт.

Ҳар бир муқом «Чўнг (катта) нағма», «Достон нағма», «Машраб нағма» номли уч катта бўлимдан таркиб топган. Уларнинг бошланишида «Марғул» деган атама ишлатилган. Айримлар бу сўзни «кокил», «қўнғироқ соч» деб таърифлашса, бошқалар уни «овоз қалтираб янграши», «жилваланиш», «тўлқинланиб садо бериш» маъноларида шарҳлашади. Бироқ кузатишлар натижасида бу истилоҳ қўлланилган бўлимда

[1] ***زه ليلي ديۋآني / نه شيركه ته ييرلاۋجي. عمين تورسون. بيجيك نه شيري. 1985***

ҳаракатли интермедик кўринишлар ижро этилиши назарда тутилишига амин бўлдик.

Бу муқомлар икки катта Қашқар ва Или туркумга бўлинади. Қашқар туркуми ҳажман анча катта. Қиёслаш учун бу икки туркумдаги Роқ муқоми тузилишига аҳамият берамиз:

| **Қашқарчаи роқ** | **Илий роқ** |
|---|---|
| I Чўнг нағма | |
| муқом боши | муқом боши |
| Тазйа | |
| Марғул (мусиқали интермедия) | |
| Нусҳия | |
| Марғул | |
| Кичик Соликия | |
| Марғул | |
| Санам | |
| Чўнг Соликия | |
| Пешру | |
| II Достон нағма | II Достон нағма |
| Биринчи достон | Биринчи достон |
| Иккинчи достон | Иккинчи достон |
| Учинчи достон | Учинчи достон |
| Тўртин достон | |
| III Машраб нағма | III Машраб нағма |
| Биринчи машраб | Биринчи машраб |
| Иккинчи машраб | Иккинчи машраб |
| | Учинчи машраб |

Бир муқомда ўттизтагача кичик бўлим бўлиб, улар ҳам ўз навбатида қисмларга ажралади. «Машраб нағма» олтитагача қўшиқли рақсни, яллани ўз ичига олади. Бир муқомни ижро этиш учун икки соат атрофида вақт керак бўлади. «Ўн икки муқом » уч юз олтмиш куйдан иборат бўлиб, уларнинг тўлиқ ижроси 24 соатни ўз ичига олади.

Такомилида Қодирхон Ёркендийнинг муҳим ўрни бўлган қашқар рубоби нафақат Ўзбекистонда, табиийки Хитойда

яшовчи халқлар орасида, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон давлатларида ҳам севиб ижро этилади. Бастакор М.Мирзаев фарзанди Ш.Мирзаев билан қашқар рубобида ижро этган дуэтлари ўзбек мусиқаси олтин фондидан муносиб ўрин олди.




**Машраб номли муқомнинг мумтоз кўриниши**

Ўзбеклар орасида *« Агар мен ҳар қаён борсам, кўнглим сендан жудо бўлмас», « Бало даштида Мажнундек, мани девонадур кўнглум», «Ман нола қилай шому саҳар эшигингда», «Ишқингда ёнмас ошиқ девона бўлмағунча», «Арзимни айтай боди сабоға», «Бориб айтинг, азизим, кўзларимға тўтиё келсун», «Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма», «Тушди савдои муҳаббат бошима», «Кўрсат жамолинг мастоналарға», «Кокулунг анбардурур жон ичинда жонон қиз", «Эй, фалак, қилдинг мени ул меҳрибонимдин жудо», «Эй, гулбаданим, гул юзингга банди бўлойин», «Агар ошиқлиғим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар», «Офати жоним, эй санам, қоши қаросини кўрунг», «Эй, ғунчаи навхези гулистони малоҳат»* мисралари билан бошланадиган шеърлари қўшиқ қилиб айтилиб келинаётган Машрабнинг мусиқага, жумладан, «Ўн икки муқом»га таъсири катта бўлган. Машраб нафақат

мусиқий асарларнинг матнини ёзиш билан шухрат қозонган, балки моҳир созанда сифатида ҳам танилган. Қашқарда “Машраб” номли муқом ижро этилган замонавий саҳна асарларини кўришга муяссар бўлганмиз. Бу муқом рақсида ёш йигит-қизлар Машраб шеърларини гоҳида айтишув шаклида куйлашиб, ора-орада оммавий рақслар ҳам ижро этишган. Раҳимбобо Машрабнинг мусиқа санъатига бўлган алоқасини кенгроқ ўрганиш учун санъаткорлар “Ўн икки муқом”ни ўз йўналишларида тадқиқ этишлари мақсадга мувофиқ.



**Машраб номли муқом рақсининг замонавий кўриниши**

Қолаверса, бу монументал асарда келтирганимиздек, кўплаб ўзбек классик шоирлари шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар борки, бу ҳолат Ўзбекистон ва Хитой халқлари маданий меросларининг муштарак жиҳатларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

# СЎНГСЎЗ[1]

Раҳимбобо Машраб ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос, бетакрор, ҳеч кимга ўхшамаган улуғ сиймо сифатида ном қолдирди. Дунёнинг кетига шатталаб ўтган ва саккиз беҳишту дўзахни бошига уришга шай бўлган, “азалдин мен дили ғамгин халойиқ хайлини севдим” деган Машраб қабохат, жаҳолат, разолат оламига қарши исён кўтарди, халқни эзаётган зулмат шарпалари – золим амир-амалдорлар, залолатпеша диндорлар дунёсига оташнок ашъори билан ўт қўйди. Халқнинг чинакам ғамхўри, ҳимоячисига айланди. Машраб ўзи кўрган, билган халқни шундай таърифлайди:

Дили тиғи ситамдин пора бўлғон халқни кўрдум,
Тани дарду аламдин ёра бўлғон халқни кўрдум,
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлғон халқни кўрдум,
Муҳаббат даштида овора бўлғон халқни кўрдум,
Жунун туғён этибдур ҳар бириси бехабар танҳо.(491) –

Машраб қайда бўлмасин халққа қарши қаратилган ноҳақликнинг ҳар қандай кўринишига қарши сўнгги нафасига қадар якка курашди.

Машраб 1640 йилда Наманганнинг Маддоҳхон маҳалласида майда ҳунарманд Валибобо ва Салимабиби оиласида туғилди, унга отаси исмига уйқаш Раҳимбобо исмини қўйишди. Бўлажак шоир мактаб пайтиданоқ муаллимига мураккаб саволларни бериб ноқулай аҳволга солади, жавобини билмаган устозга жавобнинг моҳиятини тушунтирганда, муаллим унинг нақадар бой тафаккур эгаси эканига амин бўлади.1655 йили Раҳимбобо Наманганнинг таниқли мулласи Бозор Охундан таълим олишга киришади. Шу ерда у шариат аҳкомлари билан биргаликда форс ва араб тилларини ўрганади. 1662 йили йигирма икки

[1] Биз олдин нашр этилган «Раҳимбобо Машраб фаолияти ва руҳияти талқини” ва унинг мантиқий давоми бўлган мазкур “Раҳимбобо Машраб ҳақидаги янги маълумотлар” номли монографиялардаги хулосамизни умумлаштирдик.

ёшли Раҳимбобо Бозор Охун даргоҳидаги таҳсилни якунлаб, илм олмоқ учун Самарқандга келади. Афтидан, шу ерда, аниқроғи Маҳдуми Аъзам қабрлари жойлашган Даҳбедни зиёрат қилиш баробарида Офоқ хўжа ҳақида етарли маълумотга эга бўлади ва яна Наманганга қайтиб, сўнг Қашқарга отланади.

1663 йили Раҳимбобо Қашқарга Қўқон қўрғонида Олтин деб номланувчи маҳаллада жойлашган Офоқ хўжа номи билан танилган  Ҳидоятуллоҳ хўжа ибн Муҳаммад Юсуф манзилига ташриф буюради. Машраб тахаллусини шу пирдан олади. Илм олишга келган Машраб асосан Офоқ хўжанинг уй юмушларини бажариб кун ўтказади. Еттинчи йил Машраб Офоқ хўжа канизакларидан бири билан яқин муносабатга киришади.

Машраб Офоқ хўжа саройида канизак қиз билан оддий бир сабоқдош йигит сифатида учрашиб юрган кўринади. Қиз Машраб сингари мусиқага қизиққан ва соз чертиб хониш ҳам қилиб турган. Қизда пир таҳсилида юрган, йироқ ўлкадан келган чўрткесар йигитга нисбатан қизиқиш пайдо бўлган ва етти йил мобайнида бу қизиқиш муҳаббатга айланган.  Икки ёш қалб учрашган. Қиз ва Машраб ўртасидаги висолдан хабардор бўлган Офоқ хўжа Раҳимбобони даҳшатли тарзда жазолаган.

Айримлар ўйлагандек, бу жазо Офоқ хўжа томонидан Машрабга қилинган аллақандай марҳамат эмас. Бундай йўл билан одамларни авлиё қилиб бўлмайди. Машрабнинг жазоланиши асли унинг «айтар сўзидан тонмаслиги», Қашқарнинг оддий одамлари кўз ўнгида кундан-кун обрўйининг ошиб бораётганлиги, айрим диндорларни танқид қилиб ёзилган шеърлари учун жазо эди. Мансур Ҳаллож ва Имодиддин Насимий бир марта қатл этилган бўлса, Машрабни икки марта қатл этишди. Биринчиси эшон ҳузурида рўй берди. Қиз билан учрашув эса шунчаки Машрабни «айбли» қилиш учун бир баҳона эди.

1670 йилда Машраб Офоқ хўжа манзилини тарк этади, 1671 йили Ғулжага боради у ерда Абоқ исмли қалмоқ қизи билан танишиб уч йил унинг ёнида қолиб кетади. Қиссаларга ва шеърларга асослансак, Машраб айнан шу қиз билан кўп вақт мобайнида бирга бўлган, чин маънода севишган. Қизнинг ота-онаси қизини Машрабга никоҳлаб бериш ташаббуси билан

чиқишади, бироқ қандайдир бир сабаб билан улар ажрашадилар. Машраб Абоқни қумсаб бир қанча шеърлар ҳам ёзади.

Машраб Илидан кетиб Наманганга келади. Онасининг вафоти маросимларини якунлагач, Марказий Осиё, Ҳиндистон, Тибет, Кавказ, Туркия, Ироқ, Арабистон каби мамлакат шаҳарларини кезиб, адабий фаолият олиб боради, турли халқларнинг адабиёти ва дунёқараши билан танишади. Ҳаж амалларини бажариб, юртига қайтиб келади. 1711 йили Балхга боради ва шаҳар ҳокими Маҳмуд Қатағон билан зиддиятга киришиб у томонидан қатл қилинади.

Раҳимбобо Машраб тасаввуфнинг қаландария тариқати вакили бўлган. Унинг Намангандаги дастлабки устози Мулло Бозор Охун ва Қашқардаги муршиди Офоқ хўжа нақшбандлик таълимотининг ўзига хос вакиллари эдилар. Машрабнинг жаҳрия зикрига асосланган йўлни танлаганлиги унинг табиати ҳосиласи бўлиб, кейинги устоз билан зиддиятларнинг майдонга келишида ҳам, ижодий услуби шаклланишида ҳам бу ҳолат ўз таъсирини кўрсатган.

Шоирнинг лирик шеърлари бизгача асосан “Девонаи Машраб” қиссалари орқали етиб келган. Заҳматкаш матншунос тадқиқотчи Жалолиддин Юсупов Машраб шеърларини нашр қилишда катта меҳнатни амалга оширди. «Девон»[1] номи билан нашр қилинган мазкур тўпламда Машрабнинг ғазал, мустазод, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, маснавий, фард, тўртлик жанриларда ёзилган шеърлари келтирилган. Машраб шеърларини келтиришда асосан, шу китобдан фойдаландик. Ношир олдин нашр қилдирган «Меҳрибоним қайдасан»[2] номли Машраб шеълари тўпламида йўл қўйган айрим матний хатоларни тўғрилаб, шеърлардаги кемтикларни тўлдириб, уни янги шеърлар билан бойитган.

Машраб мутасаввуф шоир бўлган. Унинг шеърлари Сўфи Оллоёр услубидаги шариат аҳкомларига бағишланган, панд-насиҳатга асосланган сўфиёна услубдан тубдан фарқ қилади.

---

[1] Девон. – Т.: Янги аср авлоди, 2006.- 608 б.

[2] *Бобораҳим Машраб.* Меҳрибоним қайдасан. – Т., 1990.- 416 б.

Машраб сўфий бўлмагандек, Сўфи Оллоёрни ҳам мутасаввуф эмас, балки сўфий шоир, дейиш тўғрироқ. Уларнинг услуби ва дунёқараши шундай дейишга асос бўлади. Гарчи бу икки шоирнинг асл мақсадлари муштарак бўлса-да, улар танлаган йўллар бошқа-бошқа эди.

Машраб шеърлари бошқа шоирлар ижодидан шўх ва жарангдор, содда ва жозибадор усул ва услубда, арузнинг енгил ва ўйноқи вазнларда ёзилганлиги билан ажралиб туради. Моҳиятан эса эл руҳиятига яқин бўлган бундай шеърларда мураккаб форсий ва арабий истилоҳлар кам учрайди. Келажакда Машраб шеърлари тўпламларини яратишда албатта шеър услубига, бирламчи матнга диққат қилиш муҳим. Машрабга нисбат берилаётган шеърлар орасидан Раҳимбобо Машрабга тегишлиларини ажратиб олиш бугунги машрабшуносликнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб турибди.

Машраб шеърларининг содда, ўйноқи ва оҳангдор бўлишида унинг халқ мумтоз мусиқаси ва чолғу асбобларнинг уста ижрочиси бўлганлиги ҳам табиийки, ўз таъсирини ўтказган. Унинг дутор, сетор, танбур созлари ижроси билан боғлиқ шеърлари бежиз яратилмаган. Шеър ижод қилиш йўсинида аруз ритмига биноан унинг мусиқасини ҳам шакллантира борган. Машраб ғазалларининг айниқса, уйғурларнинг “Ўн икки муқом” номли 24 соат ижросига мўлжалланган монументал мумтоз мусиқий асарига самарали таъсир кўрсатган. Бу асарда Машраб ғазаллари билан айтилувчи мақомлар билан бирга унинг номи билан боғлиқ кўплаб истилоҳлар ҳам учрайди.

“Мабдаи нур” асарининг муаллифи борасида ўзбек адабиётшунослигида жиддий баҳс-мунозара бўлди. Бу баҳс рус шарқшуноси Василий Лаврентьевич Вяткин томонидан бошланиб, Жалолиддин Юсупов, Абдулла Жаббор, Абдусаттор Жуманазар каби адабиётшунос ва матншуносларга қадар давом эттирилди. Ушбу олимларнинг фикр ва мулоҳазалари машрабшунослик учун ғоят фойдали ва ниҳоятда муҳим бўлганини зўр мамнуният билан қайд қилиш лозим. Бу ҳақда **“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”** ҳафталиги таҳририяти

2011 йил, 5 август сонида қуйидагича мулоҳазасини эълон қилди: *“Машрабнинг таржимаи ҳоли ва “Мабдаи нур” асарининг муаллифи муаммосига оид баҳс газетамизда бир йилга яқин давом этди. Шу вақт мобайнида Абдусаттор Жуманазар, Эркин Мусурманов, Жалолиддин Юсуфов, Абдулла Жаббор, Поён Равшанов, Олим Равшанов каби тадқиқотчиларнинг мавзуга доир ўндан ортиқ мақоласи эълон қилинди. Таҳририят бу баҳс янгиликларга бойлиги билан ўзбек адабиёти учун фойдали бўлди, деб ҳисоблайди...*

*Республикамиздаги таълим системаси ва барча ўқув даргоҳлари фаолияти билан боғлиқ мутасадди давлат ташкилотлари (вазирликлар, Тест маркази) томонидан дарсликлар ва давлат имтиҳонлари учун тест саволлари тайёрланаётганда ушбу баҳсда билдирилган фикрлар инобатга олинса, яхши бўларди”.*[1]

Машрабга нисбат берилаётган айрим шеърларнинг асл муаллифи кимлигига аниқлик киритишда ҳам матн хусусиятларини биринчи ўринга қўймоқ лозим. Шоирнинг ўзига хос услубини қатъий белгилаб олиш ва шу асосда бу асарларга муносабат билдириш илмий нуқтаи назардан тўғри бўлар эди. Бунда тадқиқотчиларнинг ҳар қандай субъектив ҳохиш ва истакларига, керак бўлса, тарафкашликларга барҳам бериш, бир ёқадан бош чиқариб изланиш ва қатъий хулосага келиш мақсадга мувофиқ.

Машрабни ўрганиш жараёнида илмийликдан чекиниш, янги фикр айтмасдан фақат ўзгаларнинг мулоҳазаларига суяниш, бўлар-бўлмас фикрларни хаспўшлаш нафақат тадқиқотчига соя солади, балки бундай иши билан Машраб даҳосига ҳам ҳурматсизлик қилган бўлади. Машрабнинг ўзи шундай ҳолатни башорат қилган кўринади: *Деҳқон айди: “Иморатинг қайсидур?” Шоҳ Машраб айдилар: “Ўқуб турган ғазалинг манинг иморатимдур, бузуб ўқийдурсан, охир сўзим сандекларга қолиб хор бўлгунча куйгани беҳроқдур”,- деб ўтга солмоқларини боиси бу эрди”.*

Академиклар – Ғафур Ғулом, Воҳид Абдуллаев, профессор

---

[1] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011. 5 август № 32.

Абдурашид Абдуғафуров каби алломалар ҳақида гап кетганда, уларнинг сиёсатдан ташқаридаги, бирламчи манбалар асосида кўп йиллик заҳматли изланишлари натижасида Машраб ҳақида билдирган асли тўғри фикр ва мулоҳазаларини асоссиз инкор қилишни, “ўзи йўқнинг кўзи йўқ” қабилида иш тутишни, “янгилик яратамиз” деб, асли тўғри маълумотларни нотўғри маълумотлар билан ўзгартиришни ва ҳаммани чалғитишни тўхтатишнинг вақти келди.

Профессор Исматулла Абдуллаевнинг “Мабдаи нур” асарини нашр қилгани ўз вақтида катта ва муҳим иш бўлди. Тўғри, нашрда айрим матний хатолар бор, буни ҳеч ким инкор қилмайди, бироқ бундан қатъи назар, шу китоб эълон бўлгунига қадар “Мабдаи нур”нинг шакли-шамойили ҳақида кўпчилик тасаввурга ҳам эга эмас эди. Қайтиб келмас ва такрорланмас ушбу устозларнинг ҳизматларини унутмаслик керак, эплолсак, уларни яхши сўзлар билан эслаш, руҳларидан мадад тилаб ишлашни одат қилиш керак. Шу ишни ҳам қилолмасак, ҳеч бўлмаса уларнинг руҳи покларини тинч қўяйлик.

Биз халқимизнинг севимли фарзанди Раҳимбобо Машраб ва у билан боғлиқ масалалар тўғрисида фикр юритдик. Иш ўзбек адабиётида Машраб шахси, бадиияти, ижоди ва фаолиятини янгича йўналишда ўрганишга қаратилган тадқиқотлардан бўлганлиги учун субъектив қарашлар билан боғлиқ айрим камчиликлар бўлиши ҳам мумкин. Монографияларимиз мазмуни ва мундарижасини такомиллаштириш юзасидан билдириладиган фикр-мулоҳазалар келгуси ишларимизда ҳисобга олинади.

Китобда келтириган суратлар шахсий архив ва интернет таълим сайтларидан олинди.

## Resume

*Rahimbobo Mashrab left his unique name in all stages of the history of Uzbek literature. He fought against amirs (kings). he was a real defender of ordinary people.*

*Mashrab wasborn in 1640 in Maddokhan neighborhood of Namagan in the family of Mullo Vali and Bibi Salima. His parents added Rahimbobo to his name. Rahimbobo got his education from a prominent mullo(religious man) of Namangan -Bozor Ohun in 1655. There he studied shariat laws along with Arabic and Persian languages. in 1662, a twenty-two year old Rahimbobo finished his education in the school of Bozor Ohun , and then he came to Samarqand to continue his education, and from there he later moved to Qashqar.*

*In 1663, Rahimbobo came to the house of Hidoyatulloh Huja who was known in Kokand as Ofoq huja, . he stayed at this scientist's house for seven years. Mashrab who came to gain knowledge spent his time mainly doing the house work.*

*The monographic work also deals with fact of relationship between Mashrab and an Uygur girl. That girl lived in the house of the scientist; and during seven years her interest to the young man grew into love. the two young people started dating,, and when Ofoq uja found out about their relationship he punished Rahimbobo severely. In 1670, Mashrab left Ofoq Huja's house; in 1671 he came to Gulja Ili). there he met a Kalmyk girl called Abaq, and he stayed with her for three years.*

*After he left Ili, Mashrab comes to Namangan. There he stayed up to the end of his mother's burial ceremonies. After that, he went to Central Asia, India, Tibet, Caucasus, Turkey, Iraq, and Arabia. In those countries he spends his time doing his literary activity and learning about literature and traditions. He makes his Khaj pilgrimage, and then he comes back to his hometown. In 1711, Mashrab goes to Balh, and there he was executed according to the order of city hakim Mahmud Qatag'on.*

*it was found out that the stories written by Rahimbobo Mashrab and called "Devonai Mashrab" reflected the life and activity of the poet were created in XVIII - XIX.*

*The plot of those stories, the images, and the events described are almost the same; and they differ only in the existence or dropping out of*

*some details. The poems also differ in the fact whether they refer to Mashrab or not, and also in the peculiarities of roviy language. As "Devonai Mashrab" was a fiction devoted to a historic person, the events described in it do not give an clear and complete information Mashrab's life and activity. Tazkirs, manoqibs, and holots do not give it either. This led to the wrong and unclear information about him. Current monography touches upon this kind of controversial facts, and the authors give their attitude to this. The work also deals with the history of studies about Mashrab, the year when he was born, the place where he was born, the study of tassavuf, and qalandariya branch of Islam, Yorkent khanate, and Mashrab's lterary work there, the psychology and literary skills of Mashrab, and others. Lyric heritage of Mashrab is also taled about in the current work. There also some new fact given in it.*

*It is known that the last twenty years of Mashrab's life are not given in any source about him. the copy of "Devonai Mashrab" that we have in our private library is the most complete among other copies of it. The information existing in it about Mashrab's hajj pilgrimage, telling that with this purpose he went to Khorezm, then from Khoresm he went Azerbaijan through the sea, and from there, he went Rome, and to Arabia. Besides, there is also information about his visit to Samarqand. And this information cannot be found in any other manuscript copy of "Devonai Mashrab". With this information, we tried to fill the gap existing in the books concerning his life.*

*In our monographic work we show that the birthplace of Mashrab was not Andijan as it was shown in some books, but in Namangan, and the date of his birth was not 1653 or 1657, but it was 1640. This information was proved using the facts from our manuscript.*

*A serious dispute was about the author of "Mabdai Nur" among the scientists of Uzbek literature. This dispute was started by Russian orientologist V.L.Vyatkin, and it was taken over by such literature study specialists and textologist as Jaloliddin Yusifiy, Abdulla Jabbor, Abdusattor Jumanazar, and others. And we would like to point out that the work done by the above mentioned scientist is very important for Mashrab studies. The current work is important because it is one of the works targeted on studying Mashrab's personality, his peculiarity of style, his work from a different angle.*

# Резюме

Рахимбобо Машраб оставил свой след во всех периодах истории узбекской литературы как великая, неповторимая и своеобразная личность, он боролся против амиров и должностных лиц, которые мучили простой народ. Машраб был настоящим защитником народа, и человеком кто всегда заботился о народе.

Машраб родился в 1640 году, в махалле Маддохон, в городе Наманган, в семье мелкого ремесленника Валибобо и его жены Салимабиби. Родители дали ему имя Рахимбобо. в 1655 году Рахимбобо начал учиться у известного религиозного деятеля в Намангане Бозор Охун. У него вместе с канонами шариат, он также выучил арабский и персидский языки. в 1622 году двадцати двух летний Рахимбобо закончил обучение в доме Бозор Охун, и взял путь в Самарканд с целью продолжения своей учебы, и оттуда, он поехал в Кашгар. В 1663 году Рахимбобо посетил дом ученого известного под именем Офок Ходжа, проживающего в махалле Олтин, которого звали Хидоятуллох ходжа ибн Мухаммад Юсуф. Машраб остался в его доме на семь лет. Машраб, который приехал для учебы в основном занимался домашними делами. В монографии мы поделились о вопросе связанном с отношениями между Машрабом и уйгурской девушкой. Девушка проживала в доме Офок Ходжа, у нее появился интерес к молодому человеку приехавшему из далекой страны, в течении семи лет интерес перерос в любовь. Двое молодых стали встречаться, а когда Офок Ходжа узнал об их связи, он жестоко наказал Рахимбобо.

в 1670 году Машраб покинул дом Офок Ходжи, в 1671 он приехал в Кульджа (Или), здесь он знакомится с калмыкской девушкой по имени Абак, и он остается с ней на три года.

Затем Машраб уезжает из Или в Наманган. После того, как закончились мероприятия похорон его матери, он стал путешествовать в Центральной Азии, Индии, Тибете, Кавказе, Турции, Ираке и Аравии. Там он занимается литературной деятельностью, знакомится с литературой и мировоззрением различных народов. Он выполнил свое поломничество в Мекку,

и возвращается на родину. В1771 году он поехал в Балх, где был казнен по приказу хокима города.

Стало известно, что повести цикла "Девонаи Машраб" были произведением, написанным в XVIII-XIX веках, которое отражало жизнь и деятельность Рахимбобо Машраб в прошлом. Сюжет, образы, происшествия описанные в этом произведении были почти одинаковыми, они отличались лишь тем, что в некоторых отсутствовали какие-либо факты, стихи или детали.

Так как "Девонаи Машраб" было литературным произведением посвященным исторической личности, рассказы, отрывки из него не могли дать полной и достоверной информации о жизни и деятельности Рахимбобо. Тоже самое можно было сказать и о тазкирах, манокибах и холотах (разновидности антологий). Различная информация в таких источниках стала причиной неточностей и путаницы. В монографии мы уделили свое внимание таким спорным вопросам и выразили свое мнение о них. В нашей работе мы говорим о дате и месте рождения Машраба, об учении тасаввуф и направлении каландария, Ёркентское ханство, и литературной деятельности Машраба в нем, а также о психологии и стиле Машраба. Мы так же упоминаем о лирическом наследии автора. Также дается новая информация о жизненном пути поэта.

Известно, что в существующих источниках нет никакой информации о последних двадцати годах жизни поэта, но в существующей в нашей личной библиотеке копии рукописи "Девонаи Машраб" дается информация о путешествии Машраба в Хорезм с целью совершения паломничества хадж, о том, что он оттуда через море приехал в Азербайджан, затем в Турцию, а из Турции поехал в Аравию. Кроме того информация о том что он приезжал в Самарканд не дается ни в одном другом источнике. В монографии, с помощью той информации, которую мы имеем в нашей копии, мы попытались заполнить существующий пустоту, о жизни Машраба.

В научной работе мы также доказываем с помощью фактов то, что Машраб родился не в Андижане, и дата его рождения не

является 1653 или 1657 годы. нам удалось доказать, что он родился в Намангане в 1640 году.

Долго длились споры о том кто является автором произведения "Мабдаи Нур". Начало этому спору дал русский ориентолог В. Л. Вяткин. Его продолжили такие литературоведы и тесктологи как Джалолиддин Юсуфий, Абдулла Джаббор, Абдусаттор Джуманазар. Нам бы хотелось отдельно отметить то, что идеи и размышления этих авторов очень полезными для изучения творчества Машраба.

Данная работа представляет значение тем, что она одна из исследований направленных на изучение личности, стиля, творчества и деятельности Машраба в новом свете.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

## Сиёсий адабиётлар

1. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. - 326 бет.

2. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. - 686 бет.

3. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. - 176 бет.

4. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010. — 148 бет.

## Илмий адабиётлар

5. *Абдуллаев В.* Ўзбек адабиёти тарихи, иккинчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1967. -384 б.

6. *Абдуллаев В.* Ўзбек адабиёти тарихи, иккинчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1980.-344 б.

7. *Абдуллаев И.* Машраб ва “Мабдаи нур” //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1991. 12 апрель № 15.

8. *Абдулла Ж.* “Мабдаи нур” кимнинг асари? //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011.25 февраль № 9.

9. *Абдулла Ж.* “Бир баҳоре топ хазони бўлмасун”. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011.27 май № 22.

10. *Абдусаттор Ж.* “Матн ва .бутун саволга яримта жавоб” . //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2010.22 август .

11. *Абдусаттор Ж.* “Мабдаи нур” ва калаванинг икки учи” . //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2010.3, 17 сентябр .

12. *Абдусаттор Ж.* Муқаддима – асарнинг бош сўзи//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011.25 февраль № 9.

13. *Абдусаттор Ж.*Олтмиш олти байт ёғдуси. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011. 5 август № 32.

14. *Абдуғафуров А.* Эрк ва эзгулик куйчилари. Илмий танқидий мақолалар тўплами.– Тошкент: Адабиёт ва санъат нашр. 1979. - 160 б.

15. *Абдуғафуров А.* Зиёси барчага баробар //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.1991.17 май №20.

16. *Абдуғафуров А.* Тошларни ёрди кўксимни оҳи... //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992. 22 май № 21.

17. Арасли. Ҳ. Имодиддин Насимий. Т.: Фан, 1973.- 67 б.

18. *Араслы Н.* Фәдакар шаир (Нәсими), Бакы, 1942

19. *Араслы Н.* Бөјүк Азәрбајчан шаири Физули, Бакы, 1958

20. *Баранова Ю.Г.* Материалы по истории культуре уйгурского народа. Алма Ата, 1994. 328 с.

21. *Бартольд В.В.* Рецензия «Тарихи Эминие». Том VIII. 1973. - 214 с.

22. *Бартольд В. В.* История изучения Востока в Европе и России. – Сочинения. Т. 9. М., 1977. с. 462

23. *Бартольд В. В.* Состояние и задачи изучения истории Туркестана. – Сочинения, Т.9., 1977. с. 521

24. *Бертельс Е.Э.* Избранные труды. Низами и Физули. — М.: Восточная литература, 1962. Т. 2. — С. 508

25. *Валихўжаев Б.* Ўзбек эпик поэзияси тарихидан.– Т.: Фан,1974.-150 б.

26. *Валихўжаев Б., Воҳидов Р.* Муҳаққики бузурги ду адабиёт. -Душанбе: Ирфон, 1978. – 60 с.

27. *Валихўжаев Б.* Ўзбек адабиётшунослиги тарихи.–Т.:Ўзбекистон,1993.-191 б.

28. *Валихўжаев Б.* Хўжа Аҳрор тарихи. – Т.: Ёзувчи, 1994.

29. *Валихўжаев Б.* Сўфия ва тасаввуф. // Зарафшон, 1997 йил, 9 август.

30. *Валиханов Ч.Ч.* О состоянии Алтышара или шести восточных городов Китайской провинции Нан-Лу (Малой Бухарии) в 1858-1859 годах // Валиханов Ч.Ч. Собрание сочинений в пяти томах. – Т. 3. [Матн]: В 5 т. / АН Каз ССР.- Алма-Ата, 1985.- 416 с.

31. *Веселовский Н. И.* История Востока. Лекции читанные проф. Н.И. Веселовским...С разрешения Н.И.Веселовского скрепил А. Собриевский. Курс 1-3. [Спб.], лит. А. Гробовой, [1887-1889]; Веселовский Н. Памятник Ходжи Ахрара в Самарканде. — Восточные заметки. Сборник статей и исследований профессоров и преподавателей Имп. С.-Петербургского университета. СПб., 1895.

32. *Григорьев В. В.* Дополнения. ( К кн.: К. Риттер. Землеведение. География стран Азии, находящихся в непоредстенных сношениях с Россиею.). Вып. 2. СПб., 1873.

33. *Гулузадә М.* Нәсими, Азәрбајчан әдәбијјаты тарихи.(0зарбайжон тилида). 3 чилдә, ч. 1, Бакы: Аз. Р Илмлер академияси нашр., 1960.- 590 с.

34. *Гумилев Л. Н.* Древние тюрки. – М., 1967, с.152-153.

35. Деван, Гумнам. ХХР, Шинжон: Миллатлар нашр., 2004. - 109 б.

36. Залилий девани. (Нашрга тайёрловчи: Эмин Турсун) – Пекин нашрияти. – 1985.

37. *Зокирий М.* Машраб.– Т.: Бадиий адабиёт нашр.,1966.- 120 б.

38. *Зоҳидов А.* Мансур Ҳаллож //Фан ва турмуш.- 1991.- №3.

39. *Имадәддин Нәсими.* [Матн] ( һәјат вә јарадычылығы / Һ. Араслы.) - Бакы : Азәрбајчан Дөвләт Нәшријјаты, 1972. - 73 с.

40. Китаб ат-Тавасин. Сад Знания / ал-Хусайн ибн Мансур ал-Халладж; Пер. с араб. Виктора Нечипуренко, Ирины Полонской; предисл. В. Нечипуренко. — Ростов н/Д: Ростовское бюро пропаганды художественной литературы Союза писателей РФ, 2007. — 180 с.

41. *Кычанов Е. И.* Повествование об ойратском Галдане Бошокту-хане. Новосибирск: Наука,1980. с. 235

42. *Лыкошин Н.* Дивана-и-Машраб. Жизнеописание популярного представителя мистицизма в Туркестанском крае //Средняя Азия. Ежемесячное литературно-историческое издание. Т.; Тип. Туркистан. т-во печати. дела. 1910. -№1-12; 1911.-№3-8. Қайта нашри: Лыкошин, Нил Сергеевич. Дивана-и-Машраб: жизнеописание популярнейшего представителя мистицизма в Туркестанском крае. С тюрк. пер. и снабдил примеч. Н.С. Лыкошин. Самарканд: Самарканд, обл. стат. ком., 1915.

43. Мавлоно Жалолиддин Румий таваллудининг 800 йиллиги муносабати билан: Метод.-библиографик қўлланма. ( Тузувчи У. Тешабоева) -Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2007.-36 б. (Электрон манба) // Кириш режими: http://new.ziyonet.uz/ru/library/.

44. *Моисеев В. А.* Джунгарское ханство и казахи (XVII–XVIII вв.). – Алма-Ата: Наука, 1991. – 238 с.

45. Мулла Исматулла бинни Мулла Негмитулла Можизи. «Таварих мусиқюн».– Пекин, 1982. –58-59 б. (уйғур тилида).

46. *Муһәммәт Имин Абдушукур.* Шинжаңнин Таң дәвридики нахша-уссул сәнъити. Урумчи, 1980. С. 19-20

47. *Муһәммәт Имин Абдушукур.* Уйғур хәлиқ классик музыкиси «Он икки муқом » һәққидә. Урумчи, 1981.

48. *Мусурманов Э. Р.* Классикларни тушунмоқ учун. Республика ёш филолог олимларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Т., 1991. – 47-48 б.

49. *Мусурманов Э. Р.* Машраб шеърияти хусусида баъзи мулоҳазалар. Жумҳурият ёш адабиётшуносларининг анъанавий илмий конференцияси материаллари. – Т., 1992. – 13-15 б.

50. *Мусурманов Э. Р.* «Девонаи Машраб» қиссаси ҳақида айрим мулоҳазалар. Филологик изланишлар. – Самарқанд. – 56-58 б.

51. *Мусурманов Э. Р.* Анъананинг боқийлиги. Навоий замондошларимиз хотирасида. – Самарқанд, 1994. – 99-101 б.

52. *Мусурманов Э. Р.* Машраб шеърияти хусусида баъзи мулоҳазалар. «Девонаи Машраб» қиссасида Машраб образи. Адабиёт, тарих, замон – Самарқанд: Зарафшон, 1994. – 41-43 б.

53. *Мусурманов Э. Р.* Машрабнинг умрини қисқартиришга ҳожат йўқ. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2011. 14 январь. №3

54. *Мусурманов Э. Р.* Офоқ хўжа ким эди?// Зиёкор. Илмий, услубий, ижтимоий, адабий-бадий журнал. 10 (182) 2012. 31-40 б.

55. *Мусурманов Э. Р.*Эртак ва ҳақиқат қоришган адабиёт.//Шарқ Юлдузи. 5/2014.129-135 б.

56. Навоий асарлари луғати (Тузувчилар: П. Шамсиев, С. Иброҳимов). Тошкент : Адабиёт ва санъат нашр., 1973. - 784 б.

57. *Орзибеков Р.* Адабий меросимиз сеҳри. (Илмий, илмий – оммабоп мақолалар). Самарқанд – 2006. 344 б.

58. *Остонақулов И.* Муҳаммад Сиддиқ Рушдий ва унинг «Тазкират ул-авлиёи туркий» асари (Монография). – Т. - 2007. 184 б.

59. *Отахўжаев А.* Туркий ва суғдийларнинг Шарқий Туркистон воҳалари

ва Хитой билан муносабати. (Электрон манба) // Кириш режими: http://www.his-tory.uzsci.net Avref/AtaxojaevA.pdf .

60. *Пантусов Н.* Таранчинские песни. – «Записки РГО по отд. Этнографии» Т. 17. Вып. 1. СПб.,1890. с.XП.

61. *Равшанов П.* ва бошқ. Ҳофиз Рўзибой Машраб. П.Равшанов, О.Равшанов, М.Ҳусенов. - Т.: Шарқ, 1997. - 144 б.

62. *Равшанов Ф.* Холис ва унинг адабий мероси. Т., 1996. «Тафаккур», 1995, № 1.

63. *Рыжов К. В.* Все монархи мира. Мусульманский Восток. 15-20 вв. М.: Вече, 2004. с. 500

64. *Риттер К.* Землеведение. География стран Азии, находящихся в непоредстенных сношениях с Россиею. Восточный или Китайский Теркестан. Перевёл с присовокуплением критических примечаний, и дополнил по источникам, изданных в течении последних тридцати лет, В. В. Григорьев. Вып. 1. Перевод и примечания, СПб., 1869 (примечания В. В. Григорьева – с.287 – 546).

65. *Румий Жалолиддин.* Ҳикматлар (Жамол Камол тарж.) //Мулоқот.-2001.-№4.-Б.38; №3.-Б.15.

66. *Салахетдинова М. А.* Сочинение Мухаммед-Садыка Кашгари «Тазкира-и Ходжаган» как источник по истории киргизов. «Изв. АН Кирг.Р» (история). Т. I, вып. I. Фрунзе, 1959, стр. 93-124.

67. *Сирожиддинов Ш.* Сўфи Оллоёр илоҳияти. 1 қисм. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси нашриёти. – Т.: 2001.-80 б.

68. *Сирожиддинов Ш.* Илм ва тахайюл сарҳадлари (илмий-маънавий мерос). - Тошкент: Янги аср авлоди, 2011.-132 б.

69. *Сирожиддинов Ш.* Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Т.: Akademnashr, 2011. - 326 б.

70. *Сирожиддинов Ш.* Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари/ Монография. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2011.- 200 б.

71. *Султонмурод Олим.* Мавлонолар мавлоноси: (Жалолиддин Румий ҳаёти ва фаолияти ҳақида) //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-4 июнь.

72. *Сухарева. О. А.* Уникальные образцы среднеазиатской одежды XVII в. //Традиционная культура народов Передней и Средней Азии. Сборник Музея антропологии и этнографии XXVI, Ленинград, 1970. С.-105.

73. Тарих-Эминие. История владетелей Кашгарии, сочинение Муллы Мусы, бен Мулла Айса, сайрамца, изданная Н.Н. Пантусовым. – Казань: Императорский университет, 1905. – 320 с.

74. *Турсун Қурбон.* Залилий ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний таҳлили. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: 2008. 7 - б. (Электрон манба) // Кириш режими: http://new.ziyonet.uz/ru/library/ libid/000000/tn/typeid/-tv/30/offset/330 .

75. Уйғур хәлиқ классик музыкиси. Ўн икки муқом . Бежин, 1959—1960. С. 262

76. Уйғур адабиятининг қисқаша терихи ( нашрга тайёрловчи: Муллаву-

дов С.) – Алмата.: 1983 . – Б. 81-96

77. *Умуров Ҳ.* Адабиёт назарияси. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. – 256 б.

78. *Усманов. К. А.* К вопросу о роли русской исторической науки в изучении Синьцзяна (XIX в.). «Труды Московского института востоковедения», вып. № 6. Изд-во МИВ, [М.], 1951, стр. 182.

79. *Хўжаев А.* Офоқ Хўжа ва Юсуф Хос Ҳожиб мақбараларига зиёрат // Шарқшунослик.– Т.: Фан, 1992. - 166 б.

80. *Хўжаев А.* Унутилмас беш кун //Халк, сўзи. 1991.16 октябрь.

81. *Шодиев Э.* Машраб ҳақида янги маълумотлар //Адабий мерос. - 1978. - №10.

82. *Қуронов Д.* Адабиётшуносликка кириш. Т.:Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2004.-174 б. (Электрон манба) // Кириш режими: http://yandex.ru/yandsearch.

83. *Ҳайитметов А.* Мерос ва ихлос (Адабий танқидий мақолалар тўплами). – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашр., 1985. - 208 б.

84. *Ҳамроева Д. Ю.* Боборахим Машраб ғазаллари поэтикаси. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Т.,2004. – 23 б.

85. *Ҳаққулов И.* Тасаввуф ва шеърият.– Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1991.- 184 б.

86. *Ҳаққулов И.* Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро, 2000. – 140 б.

87. *Ҳаққул И.* Шескпир машъали. Вильям Шекспир. Сайланма. Уч жилдлик, биринчи жилд (Инглиз тилидан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси.) Тошкент: «Фан» нашриёти, 2007. 5-37-б.

88. *Ҳаққул И.* Буюк қалб муҳаббати. Вильям Шекспир. Сонетлар. (Инглиз тилидан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси.) Сўз боши. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти . Тошкент,: «VEKTOR-PRESS»,, 2009. – 5 – 21 - б.

89. *Ҳожиаҳмедов А.* Аруз назарияси ва амалиёти - Электрон китоб. http://1.kitobxon.uz/index.php .

90. *Ҳошимхонов М.* Машраби мўътабар ўзум. – Т.: Шарқ, 2001.143-б.

91. *Ясинжан Садиқ Чуғулан.* Малика Аманнисахан. – Урумчи, 2003. 36-42 б. (уйғур тилида.)

92. O’zbek she`riyatida aruz. Uslubiy qo’llanma (tuzuvchi: Tohirov S.Q.). - Samarqand: SamDU nashri, 2010. - 68 b.

93. 1985. عسقه ر هوسه ين. ۋيغۇر كلاسسيك آدەبياتي تيز سي. بيجيك نه شيري

94. *1996* . شه ر ه فيددن . ويفۇ ر آدەبياتي قا مۆسي. شنجآك ۋنويرسيتيتي نه شيري. 5 – جيلد
ومه ر

95. ويفۇ ر آدەبياتي تا ريخي. نه شيركه تە بيرلاۋجي. ازاد سولتان. بيجيك. نه شيري 3 – جيلد.
*2006*

## Илмий-оммабоп, бадиий адабиётлар

96. *Алишер Навоий.* Лисонут-тайр (Таҳрир ҳайъати- А. Қаюмов ва бошқ.,тузувчи:М. Раҳмонов).– Т.: Адабиёт ва санъат нашр. 1991.-464 б.

97. *Боборахим Машраб.* Меҳрибоним қайдасан: Ғазаллар, мухаммаслар...(Нашрга тайёрловчи ва сўнгсўз муаллифи: Ж. Юсупов),– Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1990.-416 б.

98. Гумнам ғазаллири // Булақ (уйғур классик ва оғзеки адабияти тўплами). Урумчи, 1981.№3 (уйғур тилида).

99. Духовная культура Китая: энциклопедия: в 5 т. /гл.ред. М.Л.Титаренко; Ин-т Дальнего Востока. – М.: Вост.лит., 2006. [Т.2:] Мифология. Религия /ред. М.Л. Титаренко и др. – 2007. – 869 с.

100. Мабдаи нур. (Тадқиқ қилувчи, эски ўзбек ёзувидан нашрга тайёрловчи, луғат ва изоҳларни тузувчи Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ) Т.: Фан, 1994. - 314 б.( Ношир бу асардан парчаларни дастлаб 1992 йилда Шарқ Юлдузи (№12) журналида эълон қилган эди).

101. *Машраб.* Танланган шеърлар (Нашрга тайёрловчилар: П. Шамсиев, А. Ҳайитметов). – Т.: Бадиий адабиёт нашр., 1958. - 93 б.

102. *Машраб.* Танланган шеърлар (Нашрга тайёрловчилар: П. Шамсиев, А. Ҳайитметов).- Т.: Бадиий адабиёт нашр., 1960. - 85 б.

103. *Габдураҳмон Ўтиз Эмёний ал-Булғорий.* Шигырьлэр, поэмалар / Тезучесе Э.Шэрипов. — Казан: Татарстан китап нэшрияты, 1986. — 397 б.

104. Дивана – и – Машраб. (Перевод с тюркского Н. С. Лыкошина.) // Звезда Востока. 1992. №9, 10. с. 6-59

105. Машраб шеъриятидан (Тузувчи: А.Абдуғафуров).- Т.: Ўзбекистон нашр., 1979.-127 б.

106. *Машраб.* Девон (Нашрга тайёрловчилар: В.Раҳмонов, К.Исроилов).– Тошкент: Адабиёт ва санъат нашр., 1980. -352 б.

107. *Машраб.* Девон. (Тадқиқ қилувчи, қўлёзма ва босма манбаълардан жамлаб нашрга тайёрловчи, луғатлар ҳамда изоҳлар муаллифи: Жалолиддин Юсуфий)".Янги аср авлоди". Т. 2006.- 608 б.

108. *Муса Сайрами.* Тарихи аминия. – Урумчи: Миллатлар нашрияти, 1989. – 434 б.

109. *Мусурманов Э. Р.* Нечта Машраб бўлган? // Зарафшон. 2010. 1 апрел, № 40

110. *Мусурманов Э. Р. Кулонов Ж.* Башарият шоирининг таржимони. // Зарафшон. 2012. 15 сентябр, № 113

111. *Мусурманов Э. Р.* Маҳдуми Аъзам авлоди ёҳуд Хитой императори Цяньлун армонига айланган Ипархон ҳақида //Зарафшон. 2013. 15 январ,№ 164

112. *Муҳаммад Ҳайдар Мирзо.* Тарихи Рашидий. (Нашрга тайёрловчилар:Ваҳоб Раҳмонов, Янглиш Эгамова). – Т.: Шарқ, 2010. – 719 б.

113. *Насыйрий К.* Сайланма эсэрлер. Дурт томда. Т.4. / — Казан: Татарстан китап нэшрияты, 2006. — 400 б.

114. Россия. Полное географическое описание нашего отечества. Настольная и дорожная книга для русских людей. Под ред. В.П.Семенова-Тянь-Шанского и под общим руководством П. П. Семенова и В. И . Ламанского. 1899-1915. 11 томов; Т.-11 Туркестанский край: Сыр-Дарьинская обл., Аму-Дарьинский отдел, Зарявшанская и Ферганская обл. с

Памиром. 1913.

115. *Салэхеддин Салимий* . Иршад ал-гаэзин шэрех «Собател-гажизин» / — Казан: Матбага Кэримия, 1902. — 236 б.

116. *Тажеддин Ялчыгол.* Рисалэи Газизэ (Басмага эзерлэуче хэм кереш мэкалэ авторы Х.Й. Мицнегулов). — Казан: Иман, 2001. — 480 б.

117. Шоҳ Машраб қиссаси (Нашрга тайёрловчи: М.Ҳасаний).– Т.: Шарқ 1991.-56 б.

118. Қиссаи Иброҳим Адҳам. Хувайдо, Достони Иброҳим Адҳам (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи: Қ.Тоҳиров).-Самарқанд: Зарафшон, 1993. - 108 б.

119. Қиссаи Машраб (Нашрга тайёрловчи: Сайфиддин Рафъиддин, Муҳаммад Ёқуб Салим ўғли, Шарофхон Жамолхон ўғли).– Т.: Ёзувчи, 1992.- 176 б.

## Қўлёзма манбалар

120. *Зайниддин Муҳаммад Эмин Садр Қашқарий.* Асар ул-Футух. – Қўлёзма, ЎзР ФА ШИ инв. № 753.

121. *Малеҳо Самарқандий.* Музаккир ул-асҳоб. Қўлёзма,ЎзР ФА ШИ, инв.№ 58-1.

122. *Мирзо Олим Мушриф.* Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин - Қўлёзма,ЎзР ФА ШИ, инв.№ 1314.

123. *Мир Халаддин Котиб Ёркендий.* Ҳидоятнома. Рос. ФА ШИ. инв.№ 2565 Саҳ сони: 560. Саҳ:12а, 42б, 70б, 76б, 98б, 109а, 110а.

124. *Муҳаммад Азиз Марғилоний.* Тарихи Азизий. Қўлёзма,ЎзР ФА ШИ, инв. № 11108.

125. *Мирзо Муҳаммад Ҳайдар.* Тарихи Рашидий. ЎзР ФА ШИ, инв. № 1430., яна: Муҳаммад Ҳайдар Мирзо (Дўғлот). Тарихи Рашидий. Рос. ФА Шарқшунослик институти Саҳ сони: 395, Саҳ. 317 б.

126. *Муҳаммад Ҳакимхон тура.* Мунтахабут таварих. Қўлёзма,ЎзР ФА ШИ, инв. №1560.

127. *Муҳаммад Содиқ Қашқарий.* Тазкираи Хўжагон. Қўлёзма. ЎзР ФА ШИ, инв. № 701.

128. *Рушдий Муҳаммад Сиддиқ.* Тазкират ул-авлиёи туркий. Қўлёзма. Тошкент Давлат Педагогика Университети кутубхонаси фонди. инв № 646.

129. Тарихи Қашқар. Қўлёзма. Рос. ФА Шарқшунослик институти. Саҳ сони: 576. Саҳ: 69а, 75б, 77б.

130. *Фазлий Намангоний.* Тазкиратуш шуаро. Қўлёзма,ЎзР ФА ШИ, инв. №2371.

## “Девонаи Машраб” асари қўлёзмалари

131. «Девонаи Машраб», шахсий кутубхона, қўлёзма асар, настаълиқ хатида, 234 саҳифа, ёзилган йили ва хаттоти аниқ эмас.

132. «Девонаи Машраб», Шарқшунослик институти китоб хазинаси, қўлёзма асар, настаълиқ хатида, инвентарь рақами - 172.

133. «Девонаи Машраб», Қобилжон Тоҳиров шахсий кутубхонаси, настаълиқ хатида, 217 саҳифа.

## СамДУ кутубхонасида сақланаётган нусхалар

“ДЕВОНАИ МАШРАБ “ асарининг нусхалари:

### а) Қўлёзма нусхалар:

134. Инвентарь рақами - 1009109, настаълиқ хатида, 176 саҳифа, XIX асрда кўчирилган, котиби номаълум,
135. Инвентарь рақами - 823632, настаълиқ хатида, 285 саҳифа, бошидаги ва охиридаги айрим варақлар тушиб қолган.
136. Инвентарь рақами - 1188738, настаълиқ хатида, 148 саҳифа, XIX асрда кўчирилган, котиби номаълум.
137. Инвентарь рақами - 40345, настаълиқ хатида, котиби ва кўчирилган йили номаълум.
138. Инвентарь рақами - 1000044, настаълиқ хатида, кўчирилган йили ва котиби номаълум.
139. Инвентарь рақами - 125970, настаълиқ хатида, 370 саҳифа, кўчирилган йили ва котиби номаълум.
140. Инвентарь рақами - 824142, настаълиқ хатида, 456 саҳифа, XIX асрда кўчирилган, котиби номаълум.
141. Инвентарь рақами - 1188405, настаълиқ хатида, 230 саҳифа, XIX асрда кўчирилган, котиби номаълум.
142. Инвентарь рақами - 1097093, настаълиқ хатида, 278 саҳифа, котиби ва кўчирилган йили номаълум.

### б) Тошбосма нусхалар:

147. “Девонаи Машраб”, 120 саҳифа, 1334 ҳижрий, 1914 мелодий йили Тошкентда чоп этилган, ношир – мулло Розиқбой.
148. “Девонаи Машраб”, 158 саҳифа, 1319 ҳижрий, 1901 мелодий йили Тошкентда чоп этилган.
149. “Девонаи Машраб”, 154 саҳифа, нашр жойи кўрсатилмаган.
150. “Девонаи Машраб”, 176 саҳифа, 1328 ҳижрий, 1906 мелодий йили Тошкентда чоп этилган.
151. “Девонаи Машраб”, 209 саҳифа, нашр жойи кўрсатилмаган.

## «МАБДАИ НУР» нинг нусхалари:

### а) Қўлёзма нусхалар:

152. Инвентарь рақами - 1160084, настаълиқ хатида, 296 саҳифа, 1238 ҳижрий, 1822 мелодий йили кўчирилган, бошидан ва охиридан айрим саҳифалар тушиб қолган.
153. Инвентарь рақами - 824197, настаълиқ хатида, 296 саҳифа, 1238

ҳижрий, 1822 мелодий йили кўчирилган, бошидан ва охиридан айрим саҳифалар тушиб қолган.
154. Инвентарь рақами - 1097820, настаълиқ хатида, 678 саҳифа, кўчирилган, бошидан ва охиридан айрим саҳифалар тушиб қолган. XIX асрда кўчирилган, охиридан 9 варақдаги шеърларни ўқиб бўлмайди.
155. Инвентарь рақами - 389707, настаълиқ хатида, 466 саҳифа, XIX асрда кўчирилган, бошидан ва охиридан саҳифалар тушиб қолган.

## б) Тошбосма нусхалар:

156. “Мабдаи нур”, 462 саҳифа, 1325 ҳижрий, 1905 мелодий йили Тошкентда чоп этилган. Ношир – мулло Юсуфжон бинни Зокиржон.
157. “Мабдаи нур”, 462 саҳифа, 1328 ҳижрий, 1910 мелодий йили Самарқандда чоп этилган. Ношир – мулло Юсуфжон бинни Зокиржон.
158. “Мабдаи нур”, 448 саҳифа, 1331 ҳижрий, 1912 мелодий йили Когонда чоп этилган.
159. “Мабдаи нур”, 398 саҳифа, 1324 ҳижрий, 1906 мелодий йили чоп этилган, бошидан 64 саҳифа тушиб қолган. Ношир – мулло Юсуфжон бинни Зокиржон.

## Электрон манбалар

160. http://ferlibrary.uz/uzbekistan_-_20_let_nezavisimosti
161. http://www.ziyonet.uz/
162. http://referat.arxiv.uz/files/
163. http://yandex.ru/yandsearch
164. http://mt.uz/ru/press-service/news/395-news.html
165. http://referat.arxiv.uz/files/1707
166. http://1.kitobxon.uz/index.php
167. http://ru.wikipedia.org/wiki

# МУНДАРИЖА

Кириш..........................................................................3

*Биринчи боб.* **Машраб ҳақидаги янги маълумотлар ва уларнинг талқини**

Машрабнинг Самарқанддаги фаолияти....................8
Рум ва Арабистон сафарининг бадиий талқини......10
Янги маълумотлар асосида Машраб ҳаёти йўлига аниқлик киритиш..........................................20
Ёркент ва туркистонликлар муносабати....................22
Машраб, Офоқ хўжа ва Далай Лама V муносабатларига доир..........................................................45
Қашқарнинг мағрур қизи..........................................58
Озарбайжон, Туркия ва Арабистон сафари...............69
Сўфи Оллоёр ва Машраб............................................82
Машраб бўлган қадамжойлар жадвали........................85

*Иккинчи боб.* **Эзгулик куйчиси**

Оташга йўғрилган шеърият..........................................90
Шоир ижодида бадиий санъатлар..............................99
Мусиқий вазнлар – асосий шеърий мезон......108
Шеърлар ва Раҳимбобо Машраб услуби...........115
«Мабдаи нур» ибтидоси масаласи.......................123
Машраб ва мақом санъати......................................129
Сўнгсўз...........................................................................139
Resume...........................................................................145
Резюме...........................................................................147
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.......................150

**Э.Р.Мусурманов**

# РАҲИМБОБО МАШРАБ ҲАҚИДАГИ ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

*монография*

Муҳаррир Г.Раҳимова
Мусаҳҳиҳ М.Рўзибоев
Техник муҳаррир Б.Эгамбердиев

**ISBN 978-9943-976-50-4**

**E-mail: musurmanov.erkin@mail.ru**

2008-йил 19-июн 68-буйруқ.
2015 йил 20 июнда оригинал макетдан босишга рухсат этилди.
Бичими 60x84/1.8. “Times New Roman” гарнитураси. Офсет қоғози.
Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоқ - 10,0.
Нашриёт ҳисоб табоғи - 10,0. Адади 100 нусха. 310 -буюртма.

---

**СамДУ босмахонасида чоп этилди.**
**140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.**



Эркин МУСУРМАНОВ

Адабиётшунос олим. 1990 йилда Самарқанд давлат университети ўзбек филологияси факультетини тугатган.
1995 йилда академик Ботирхон Валихўжаев раҳбарлигида “Раҳимбобо Машраб ва унинг бадиий адабиётдаги талқини” мавзуида номзодлик ишини ҳимоя қилган.

СамДУ ўзбек адабиёти тарихи кафедрасида ўзбек мумтоз адабиёти, ўзбек халқ оғзаки ижоди, Самарқанд давлат чет тиллари институтида араб, хитой адабиёти фанларидан дарс берган. Айни вақтда СамДУ таҳрир-нашриёт бўлими бошлиғи сифатида фаолият олиб бормоқда. Икки монография, беш ўқув-услубий қўлланма, икки луғат ҳамда 80 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалар муаллифи.